ISSN: 2181-9416

YURISTLAR MALAKASINI OSHIRISH MARKAZI
Lawyers Training Center

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

## ВЕСТНИК ЮРИСТА * LAWYER HERALD

ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ, ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ



ISSN 2181-9416
Doi Journal 10.26739/2181-9416

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

3 СОН, 3 ЖИЛД

# ВЕСТНИК ЮРИСТА

НОМЕР 3, ВЫПУСК 3

# LAWYER HERALD

VOLUME 3, ISSUE 3

**TOSHKENT-2023**

**ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ**

**ҳуқуқий, ижтимоий, илмий-амалий журнали**

**№3 (2023) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2023-3**



**Бош муҳаррир:**
**Рабиев Шерзод Миржалилович**

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирининг ўринбосари

**Бош муҳаррир ўринбосари:**
**Отажонов Аброржон Анварович**

Адлия вазирлиги қошидаги
Юристлар малакасини ошириш маркази
профессори, юридик фанлари доктори,
профессор

**ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ**
**ҳуқуқий, ижтимоий, илмий-амалий журнали**
**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

**Окюлов Омонбой**

*Юристлар малакасини ошириш маркази профессори, юридик фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист*

**Саидова Лола Абдувахидовна**

*Юридик фанлари доктори, профессор*

**Тошев Бобокул Норкобилович**

*Юридик фанлари доктори, профессор*

**Мамасиддиқов Музаффаржон Мусажонович**

*Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси бошлиғининг ўринбосари, юридик фанлари доктори, профессор*

**Отахонов Фозилжон Хайдарович**

*Юридик фанлари доктори, профессор*

**Баймолдина Зауреш Хамитовна**

*Қозоғистон Республикаси Олий Суди Академияси ректори, юридик фанлари номзоди*

**Здрок Оксана Николаевна**

*Белорус давлат университети судьялар, ҳамда суд, прокуратура ва адлия муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш институти директори*

**Масъул котиб:**
**Рахманов Шухрат Наимович**

*Юристлар малакасини ошириш маркази кафедра мудири, юридик фанлари номзоди*

**Саҳифаловчи:** Халиков Миртоҳир Мирзакирович



**Контакт редакции журнала:**
100001, город Ташкент, улица Катта Дархон, 6.
WEB: yuristjournal.uz
E-mail: info@yuristjournal.uz
yuristjournal@gmail.com
Телефон: (+99871) 2345345

**Contact Editorial Staff**
100001, Katta Darhon str. 6, Tashkent, Uzbekistan
WEB: yuristjournal.uz
E-mail: info@yuristjournal.uz
yuristjournal@gmail.com
Telephone: (+99871) 2345345

**Общественно-правовой и научно-практический журнал**
**ВЕСТНИК ЮРИСТА**
**№3 (2023) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2023-3**

**Главный редактор:**
**Рабиев Шерзод Миржалилович**

Заместитель министра юстиции Республики Узбекистан

**Заместитель главного редактора:**
**Отажонов Аброржон Анварович**

Профессор Центра повышения квалификации юристов при Министерстве юстиции, доктор юридических наук, профессор

## РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:
### Общественно-правовой и научно-практический журнал ВЕСТНИК ЮРИСТА

**Окюлов Омонбой**

*Профессор Центра повышения квалификации юристов, доктор юридических наук, профессор, Заслуженный юрист Республики Узбекистан*

**Саидова Лола Абдувахидовна**

*Доктор юридических наук, професор*

**Тошев Бобокул Норкобилович**

*Доктор юридических наук, профессор*

**Мамасиддиков Музаффаржон Мусажонович**

*Заместитель начальника Академии правоохранительных органов Республики Узбекистан, доктор юридических наук, профессор*

**Отахонов Фозилжон Хайдарович**

*Доктор юридических наук, профессор*

**Баймолдина Зауреш Хамитовна**

*Ректор Академии правосудия при Верховном Суде Республики Казахстан, кандидат юридических наук*

**Здрок Оксана Николаевна**

*Директор Института переподготовки и повышения квалификации судей, работников прокуратуры, судов и учреждений юстиции Белорусского государственного университета*

**Масъул котиб:**
**Рахманов Шухрат Наимович**

*Заведующий кафедрой Центра повышения квалификации юристов, кандидат юридических наук*

**Верстка:** Халиков Миртохир Мирзакирович

**Контакт редакции журнала:**
100001, город Ташкент, улица Катта Дархон, 6.
WEB: yuristjournal.uz
E-mail: info@yuristjournal.uz
yuristjournal@gmail.com
Телефон: (+99871) 2345345

**Contact Editorial Staff**
100001, Katta Darhon str. 6, Tashkent, Uzbekistan
WEB: yuristjournal.uz
E-mail: info@yuristjournal.uz
yuristjournal@gmail.com
Telephone: (+99871) 2345345

**Public, legal and scientific-practical journal of**
**LAWYER HERALD**
**№3 (2023) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2023-3**

**Chief Editor:**
**Rabiyev Sherzod Mirjalilovich**

Deputy Minister of Justice of the Republik of Uzbekistan

**Deputy Chief Editor:**
**Otajonov Abrorjon**

Professor at the Lawyers' Training Center, Doctor of Law Sciences, Professor

## EDITORIAL BOARD

**Public, legal and scientific-practical journal of**
**LAWYER HERALD**

**Oqyulov Omonboy**

*Professor at the Lawyers' Training Center, Doctor of Law Sciences, Professor, Honored Lawyer of the Republic of Uzbekistan*

**Saidova Lola**

*Doctor of Law Sciences, Professor*

**Toshev Bobokul**

*Doctor of Law Sciences, Professor*

**Mamasiddikov Muzaffarjon**

*Deputy Head of the Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan, Doctor of Law Sciences, Professor*

**Otaxonov Foziljon**

*Doctor of Law Science, Professor*

**Baymoldina Zauresh**

*Rector of the Academy of Justice at the Supreme Court of the Republic of Kazakhstan, Candidate of Legal Sciences*

**Zdrok Oksana**

*Director of the Institute for Retraining and Qualification Upgrading of Judges, Prosekutors and Legal professionals at the Belarusian State University*

**Executive Editor:**
**Rakhmanov Shukhrat**

*Head of the Department at the Lawyers' Training Center, Candidate of Juridical Science*

**Pagemaker:** Khalikov Mirtokhir

**Контакт редакции журнала:**
100001, город Ташкент, улица Катта Дархон, 6.
WEB: yuristjournal.uz
E-mail: info@yuristjournal.uz
yuristjournal@gmail.com
Телефон: (+99871) 2345345

**Contact Editorial Staff**
100001, Katta Darhon str. 6, Tashkent, Uzbekistan
WEB: yuristjournal.uz
E-mail: info@yuristjournal.uz
yuristjournal@gmail.com
Telephone: (+99871) 2345345

## Мундарижа

### ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

**1. ХОДЖАЕВ Бахшилло Камолович**
ҲУҚУҚ УСТУВОРЛИГИ ИНДЕКСИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎРНИНИ
ЯХШИЛАШ МАСАЛАЛАРИ ........ 8
**2. СОДИКОВ Акмал Шавкат ўғли**
НОРМА ИЖОДКОРЛИГИ ЖАРАЁНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ
ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШЛАРИ ........ 13

### КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ. МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ

**3. УМИДУЛЛАЕВ Қаҳрамон Усманович**
ИЖРО ЭТУВЧИ ҲОКИМИЯТ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ
БАҲОЛАШ БОРАСИДАГИ КАМЧИЛИКЛАР ТАҲЛИЛИ ........ 20

### ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ

**4. ОКЮЛОВ Омонбой, ЮЛДАШЕВ Жахонгир Иномович**
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХУСУСИЙ МУЛК ҲУҚУҚИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ
БОРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН САМАРАЛИ ИСЛОҲОТЛАР
(ҚОНУНЧИЛИК ТАҲЛИЛИ ВА МАВЖУД МУАММОЛАР) ........ 27
**5. ТИЛЛАБОЕВ Шохрухбек Мирзатиллаевич,**
ОСОБЕННОСТИ НАРУШЕНИЙ АВТОРСКИХ ПРАВ НА ОНЛАЙН ПЛАТФОРМАХ........ 39
**6. ERKINOV Bekzod**
THE PROCEDURE FOR REGULATING A FRANCHISE AGREEMENT (COMPLEX BUSINESS
LICENSE) IN THE USA AND OTHER COUNTRIES ........ 44

### ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ. КРИМИНАЛИСТИКА, ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ҲУҚУҚ ВА СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ

**7. УМАРХОНОВ Азизхон Шарипхонович**
РИВОЖЛАНГАН ХОРИЖ ДАВЛАТЛАРИ ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ
ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ТАЖРИБАСИ ........ 49
**8. БАРАКАЕВ Лазизжон Отақулович**
ТАФТИШ ТАЙИНЛАШ ВА ЎТКАЗИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ТАРТИБИ ВА УНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ ........ 56
**9. ИМОМНАЗАРОВ Алишер Хасанович**
КЎЗДАН КЕЧИРИШ ТЕРГОВ ҲАРАКАТИНИ ЎТКАЗИШНИНГ
ПРОЦЕССУАЛ ЖИҲАТЛАРИ ........ 63

### ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

**10. РАСУЛОВ Журабек Абдусамиевич**
ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ДОКТРИНАСИДА ЭРКИН ҲАРАКАТЛАНИШ ҲУҚУҚИ ВА
ДАВЛАТ СУВЕРЕНИТЕТИ МАСАЛАЛАРИ ........ 78

**11. РАХМАНОВ Шухрат Наимович**
СРАВНИТЕЛЬНО-ПРАВОВОЙ АНАЛИЗ ДОГОВОРНЫХ ИСТОЧНИКОВ ПО ОБЕСПЕЧЕНИЮ БЕЗОПАСНОСТИ ПЕРСОНАЛА МЕЖДУНАРОДНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ......... 88
**12. ЮНУСОВ Ҳайдарали**
МУРОЖААТ ҚИЛИШ ҲУҚУҚИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ВА ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ........ 95
**13. МАХАМАТОВ Махмуд**
ХОДИМЛАР ВА ИШ БЕРУВЧИЛАР ВАКИЛЛИГИНИ ХАЛҚАРО ВА МИЛЛИЙ ДАРАЖАДА ТАРТИБГА СОЛИНИШИ ........ 102
**14. САИДОВ Олим Чорикулович**
ЖАЗО ЎТАШНИ ДАВОМ ЭТТИРИШ УЧУН ФУҚАРОСИ БЎЛГАН ДАВЛАТГА МАҲКУМЛАРНИ ТОПШИРИШНИ РАД ЭТИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ ........ 109
**15. МИРУКТАМОВА Феруза Лутфуллаевна**
АХБОРОТ АСРИДА БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ ВА ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ ........ 115
**16. VALIJONOV Daler Dilshodovich**
KORRUPSIYAGA QARSHI KURASHISHDA XALQARO HAMKORLIKNING AYRIM MASALALARI ........ 122
**17. РАСБЕРГЕНОВА Сарбиназ Алишеровна**
РЕАЛИЗАЦИЯ НОРМ МЕЖДУНАРОДНОГО ЭКОЛОГИЧЕСКОГО ПРАВА В НАЦИОНАЛЬНОЙ ПРАВОВОЙ СИСТЕМЕ ........ 129
**18. СУЛАЙМАНОВ Одилжон Раббимович**
ЎЗБЕКИСТОНДА ИНСОННИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ ДАВЛАТНИНГ ОЛИЙ МАҚСАДИДИР ........ 137
**19. РАХМАНОВ Абдумухтор Режжаббаевич**
ПРАВА ЧЕЛОВЕКА И СТАТУС ЛИЧНОСТИ В ИСЛАМСКОМ ПРАВЕ ........ 145

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ
ВЕСТНИК ЮРИСТА
LAWYER HERALD

ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

**ХОДЖАЕВ Бахшилло Камолович**
Тошкент давлат юридик университети проректори,
юридик фанлар доктори
E-mail: bakhshillo.khodjaev@tsul.uz

## ҲУҚУҚ УСТУВОРЛИГИ ИНДЕКСИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎРНИНИ ЯХШИЛАШ МАСАЛАЛАРИ

**For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): ХОДЖАЕВ Б.К.** Ҳуқуқ устуворлиги индексида ўзбекистоннинг ўрнини яхшилаш масалалари // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 3 (2023) Б. 8-12.

doi 3 (2023) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2023-3-1

**АННОТАЦИЯ**

Сўнгги йилларда юртимизда қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қонунчилик ва ташкилий-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш ҳамда қонун устуворлиги индексини яхшилаш бўйича тизимли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Шу сабабли мақолада ҳуқуқ устуворлиги индекси, унинг аҳамияти хусусида фикр юритилган. Ҳуқуқ устуворлиги тушунчаси, унинг келиб чиқиш тарихи ҳақида маълумотлар берилган. Халқаро рейтинг ташкилотларининг ҳуқуқ устуворлигини аниқлаш бўйича фаолиятига тўхталган. Халқаро индекс кўрсаткичлари бўйича Ўзбекистоннинг амалдаги ўрни масаласи муҳокама қилинган. Бунда World Justice Project халқаро нодавлат ташкилоти томонидан Ўзбекистоннинг барча 8 индикатор бўйича сўнгги кўрсаткичлари келтириб ўтилган. Мазкур индекс кўрсаткичлари бўйича Ўзбекистоннинг ўрнини янада яхшилаш юзасидан фикр-мулоҳазалар бериб ўтилган.

**Калит сўзлар.** Ҳуқуқий давлат, ҳуқуқ устуворлиги, ҳуқуқ устуворлиги индекси (Rule of Law Index), Венеция комиссияси, Жаҳон одил судлов лойиҳаси (World Justice Project), индикаторлар.

**ХОДЖАЕВ Бахшилло Камолович**
Проректор Ташкентского государственного
юридического университета, доктор юридических наук
E-mail: bakhshillo.khodjaev@tsul.uz

## ВОПРОСЫ ПОВЫШЕНИЯ ПОЗИЦИИ УЗБЕКИСТАНА В ИНДЕКСЕ ВЕРХОВЕНСТВА ПРАВА

**АННОТАЦИЯ**

В последние годы проводятся системные реформы, направленные на обеспечение верховенства права, укрепление организационно-правовой базы защиты прав человека, имплементацию международных стандартов в области прав человека в национальное законодательство и улучшение индекса верховенства права в нашей стране. В статье рассматриваются Индекс верховенства права и его значение. Даны понятие верховенства права, и изучена история его возникновения. Затронута деятельность международных рейтинговых организаций по определению верховенства права. Обсужден вопрос о текущем месте Узбекистана по показателям международных индексов. Приводятся последние данные Узбекистана по 8 индикаторам международной неправительственной организации World Justice Project. Были даны предложения по улучшению положения показателей индекса по Узбекистана.

**Ключевые слова.** Правовое государство, верховенство права, Индекс верховенства права (Rule of law Index), Венецианская комиссия, Всемирный проект правосудия (World Justice Project), индикаторы.

---

**KHODJAYEV Bakhshillo**
Vice-rector of Tashkent State University of Law, Doctor of Law
E-mail: bakhshillo.khodjaev@tsul.uz

## ISSUES OF IMPROVING THE PLACE OF UZBEKISTAN IN THE RULE OF LAW INDEX

**ANNOTATION**

In recent years, systematic reforms have been carried out in our country to ensure the rule of law, strengthen the legal and organizational legal framework for human rights protection, implement international human rights standards into national legislation, and improve the priority index. Therefore, the article discusses the rule of law index and its importance. Information on the concept of the priority of law and the history of its origin is given. The activity of international rating organizations in determining the priority of law was touched upon. The issue of the current position of Uzbekistan according to international index indicators was discussed. The World Justice Project, an international non-governmental organization, cited the latest indicators of Uzbekistan on all 8 indicators. Opinions were given on how to further improve Uzbekistan's position according to this index's indicators.

**Keywords:** legal state, rule of law, rule of law index, Venice Commission, World Justice Project, indicators

---

**“Конституция ва қонун устуворлиги – ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонидир”**

**Ш.М. Мирзиёев**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

2023 йил 30 апрель куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 1-моддасида белгиланишича, Ўзбекистон – бошқарувнинг республика шаклига эга бўлган суверен, демократик, **ҳуқуқий,** ижтимоий ва дунёвий давлат [1].

Ҳуқуқ устуворлиги (ҳукмронлиги), энг аввало, ҳуқуқий мазмунга эга бўлган қонунлар мавжудлигини ҳамда давлат ҳокимиятининг ҳуқуқ билан боғлиқлигини тақозо этади. Ҳуқуқий давлатнинг ҳам бош ғояси – унинг ҳуқуқ билан боғланганлигидир [2, Б.795-796].

"Ҳуқуқ устунлиги" атамаси инглиз тилида "rule of law", ўзбек тилида эса "ҳуқуқ ҳукмронлиги", "ҳуқуқ устунлиги", "ҳуқуқ устуворлиги" маъноларида келиб, ҳуқуқий давлатчиликнинг муҳим шарти ва омили сифатида қаралади.

"Ҳуқуқ ҳукмронлиги" ёки "ҳуқуқ устуворлиги" доктринасининг асосчиси сифатида Оксфорд унивеситети профессори Алберт Дайси (1835–1922) эътироф этилади. А. Дайси ҳуқуқ ҳукмронлигининг мазмунига **учта** тушунчани киритган:

**биринчидан,** "ҳуқуқ ҳукмронлиги" ҳокимият ўзбошимчалиги йўқлиги билан тавсифланади;

**иккинчидан,** "ҳуқуқ ҳукмронлиги" принципининг асосида "қонун ва суд олдида барчанинг тенглиги" ғояси ётади;

**учинчидан,** "ҳуқуқ ҳукмронлиги" ва қонунийлик руҳи устун бўлган Англия шу жиҳати билан бошқалардан фарқланадики, бу ҳам бўлса, айнан Англия судларининг қарорлари Англия Конституциясининг умумий принципларини шакллантирган [3, Б.153-170].

Замонавий инглиз судья-олимларидан бири Том Бингхэм (1933–2010)нинг таърифича ҳуқуқ устуворлигига қонун ҳужжатларининг мазмунига эътибор бериш кераклигига урғу беради. Қонун ҳужжатларидаги нормалар ҳуқуқни ташкил этиши учун улар, энг аввало, инсоннинг табиий ҳуқуқларининг ҳурмат қилинишини эътиборга олиши зарур [4, Б.18].

Кейинчалик "Ҳуқуқ орқали демократия сари" Европа комиссияси (Венеция комиссия) нинг 2011 йил 25-26 мартда бўлиб ўтган анжуманида Ҳуқуқ устуворлигининг муҳим жиҳатларига ойдинлик киритилган [5, Б.105].

Сўнгги йилларда юртимизда қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қонунчилик ва ташкилий-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш бўйича тизимли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Халқаро ҳужжатларда қонун устуворлигининг асосий элементлари сифатида:

қонун ижодкорлигининг шаффоф, ҳисобдорлик ва демократик жараённи қамраб олган қонунийликка асосланиши;

ҳуқуқий аниқлик;

ўзбошимчаликнинг тақиқланганлиги; мустақил ва холис одил судловнинг очиқлиги;

шунингдек, маъмурий ҳужжатлар устидан суд назоратининг ўрнатилганлиги;

инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва камситмаслик ҳамда қонун олдида тенглик ҳисобланади.

Мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлашнинг зарур норматив-ҳуқуқий ва ташкилий институционал асослари шакллантирилган.

Халқаро миқёсда "Жаҳон одил судлов лойиҳаси" (World Justice Project) халқаро нотижорат ташкилоти "Ҳуқуқ устуворлиги" индексини ишлаб чиқиш бўйича 44 та субфактордан иборат бўлган 8 та асосий индикатор асосида олимлар, амалиётчилар ва халқаро ҳамжамиятлар раҳбарлари иштирокида концептуал асос ишлаб чиққан.

Мазкур индексни тузишда 139 та мамлакатдаги (2020 йилда 128 та) 138 мингта уй хўжалиги ва 4 мингдан ортиқ ҳуқуқшунослар ўртасида сўровлар ўтказилиб, ҳуқуқ устуворлиги даражаси баҳоланган. Ушбу ҳолат унинг кенг қамровлилиги ва ишончлилигидан далолат беради [6, Б.232].

"Жаҳон одил судлов лойиҳаси" халқаро ноҳукумат ташкилотининг (Вашингтон) "Ҳуқуқ устуворлиги" индексининг 2021 йил учун эълон қилган ҳисоботида Ўзбекистон жами 0,49 балл (2020 йилда 0,47 балл) билан ўз рейтингини **14 поғонага яхшилаб 78-ўринга кўтарилди [7].**

Ўзбекистоннинг баҳолари **4,1 фоизга ошиб,** рейтингда энг яхши ўсган давлат бўлди.

Индекс таркибидаги жами **8 та индикатордан 5 тасида** Ўзбекистонга берилган баллар сезиларли ўсган бўлса, **2 тасида ўзгаришсиз** қолган, яна **1 тасида** минимал пасайиш кузатилган. Хусусан:

**1. Ҳукумат ваколатлари чекланганлиги индикатори** доирасида мамлакатимизнинг баллари **0,33 дан 0,38 га** ортиб, рейтингдаги ўрни **10 поғона кўтарилди (110-ўрин)**.

Бунда “Жаҳон одил судлов лойиҳаси” ташкилоти томонидан ҳукуматнинг парламент олдида ҳисобот бериши тартиби киритилгани, маъмурий судлар фаолияти такомиллаштирилгани, жамоатчилик назорати механизмлари кенгайгани ижобий баҳоланган.

**2. Коррупциянинг мавжуд эмаслиги индикатори** бўйича баллар **0,40 дан 0,46 га** кўтарилган ва рейтингда ўрин **26 поғона ўсган (63-ўрин)**.

Бунда ташкилот давлат харидлари соҳасида очиқлик ва рақобат муҳити яхшиланганини, лицензиялар бериш жараёнида шаффофлик ортганини, коррупциянинг олдини олиш бўйича қабул қилинган комплекс чоралар кўрилаётганини ижобий баҳолаган.

**3. Ҳукумат очиқлиги индикатори** доирасида ҳам мамлакатимизнинг баллари **0,33 дан 0,37 га** ортган ҳамда рейтингдаги ўрни **8 поғона ўсган (112-ўрин)**.

Бунга давлат органларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини муҳокама қилишда фуқароларнинг иштирок этиши учун яратилган имкониятлар, аҳоли мурожаатлари билан ишлаш тизимининг тубдан яхшилангани ижобий таъсир кўрсатган.

**4. Фундаментал ҳуқуқлар индикатори** доирасида баллар **0,41 дан 0,44 га** ошган ва рейтингдаги ўрни **9 поғона ўсган (101-ўрин).**

Ушбу йўналишда рейтингнинг ўсишига суд жараёнида процессуал қоидаларга риоя қилиш борасидаги ижобий ўзгаришлар, фуқароларнинг сиёсий мавзуларда ўз фикрини эркин ифода қилиш имкониятлари ошгани, фуқаролик жамияти институтларининг фаоллиги ошгани, болалар ва мажбурий меҳнатга чек қўйилгани ижобий таъсир кўрсатган.

**5. Тартиб ва хавфсизлик индикаторида** кўрсаткичлар **0,90 балл** билан ўзгаришсиз қолган бўлсада, рейтингдаги ўрин **1 поғона пасайган (12-ўрин)**.

Ушбу индикаторда жиноятчиликка қарши кураш самарадорлиги ошганлиги ижобий баҳоланган. ***Бунда одамлар ўртасидаги низоларни ўзбошимчалик билан ҳал қилиш ёки қасос олиш мақсадида зўравонликка йўл қўйиш (самосуд) ҳолатлари мавжудлиги мазкур индикаторга салбий таъсир кўрсатган.***

**6. Қонунларга риоя қилиш индикатори**да ҳам **0,44 балл** ўзгаришсиз қолган бўлсада, рейтингдаги ўрин **1 поғона кўтарилган (95-ўрин)**.

Мазкур индикаторда давлат хизматларини кўрсатишда ортиқча тўловлар қилишга чек қўйилгани, маъмурий тартиб-таомилларни амалга ошириш муддатларига риоя этиш яхшилангани ижобий баҳоланган, ***фуқароларга тегишли мулкларнинг суд қарорисиз ва компенсация берилмасдан олиб қўйиш ҳолатлари мавжудлиги қайд этилган***.

**7. Фуқаролик одил судлови индикаторида** баллар **0,51 дан 0,50 га** пасайган бўлсада, рейтингдаги ўрнимиз **1 поғона ўсган (71-ўрин)**.

Индикатор кўрсаткичларининг яхшиланишига аҳолининг фуқаролик судларига мурожаат қилиш имкониятлари ошганлиги ва фуқаролик судларида коррупция омили камайганлиги ижобий баҳоланган. ***Фуқаролик судларида давлат органларига ён босиш мавжудлиги, суд қарорлари ижросини самарали ва ўз вақтида амалга ошириш аҳволи, низоларни ҳал этишда муқобил механизмлар самарадорлигининг пастлиги қайд этилган.***

**8. Жиноий одил судлов индикатори** доирасида баллар **0,44 дан 0,45 га** ортган ва рейтингдаги ўрни **6 поғона кўтарилган (60-ўрин) [8]**.

Мазкур индикаторнинг бундай суръатда ижобий ўсишига суриштирув ва тергов тизимига янги технологияларнинг жорий этилгани, пробация хизмати ташкил этилгани, жабрланувчининг ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар одил судлов тизимининг холис ишлаётгани, жиноий одил судлов тизимида коррупция даражаси пасайгани, қийноқ қўллаш ҳолатларининг камайгани таъсир қилган.

**Шу билан бир қаторда,** “ҳуқуқ устуворлиги” индексида ўрнимизни янада мустаҳкамлаш учун қуйидаги йўналишлардаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

1. Фуқароларнинг давлат ҳокимияти ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ишончини ошириш учун ҳар қандай ноқонуний ҳатти-ҳаракатларга тезкорлик билан чора кўриш амалиётини йўлга қўйиш;

2. Низоларни ҳал қилиш ва мурожаатларни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган мансабдор шахсларнинг касбий малакаси ва компетентлигини ошириш;

3. Хусусий мулкнинг ноқонуний олиб қўйилишидан сақланиш, хусусий мулкдан фақатгина тўлиқ ва адолатли компенсация эвазига жамият эҳтиёжлари учун фойдаланилиши мумкинлиги ҳақида қатъий нормани конституция даражасида белгилаш ва амал қилиш;

4. Суднинг ҳақиқий мустақиллигини ҳудудларда таъминлаш ҳамда судьяларни ҳар қандай ташқи таъсир ва тазйиқларда ҳимоя қилиш чораларини кўриш;

5. Одил судловни амалга ошириш жараёнида тарафларнинг мавқеи ёки ижтимоий-иқтисодий аҳволига қараб дискриминация қилиш ҳолатларига кескин чек қўйиш;

6. Давлат ҳокимияти оргарлари ва суд қарорларининг ўз вақтида, кечикмасдан ва асослантирилган ҳолда чиқарилишини, шунингдек тўлиқ ижро этилишини таъминлаш;

7. Фуқаролик ва иқтисодий суд ишини юритишда тарафларнинг тортишувчанлик принципини янада мустаҳкамлаш учун электрон далилларни судлар томонидан мақбул далил сифатида баҳолаш механизмларини такомиллаштириш;

8. Низоларни судгача ҳал қилиш усулларини кенг ва самарали қўллаш мақсадида рақамли медиация ва электрон ҳакамлик суди жараёнларини йўлга қўйиш.

**Иқтибослар/Сноски/References:**


1. Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (2023 йил 30 апрель куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинган) // URL: https://lex.uz/uz/docs/-6445145.
2. Улуғбек Мамадалиев. Ҳуқуқий давлатда қонун устуворлиги бош мезондир. Academic research in educational sciences, 2022.
3. Mark D. Walters. The Spirit of Legality: A. V. Dicey and the Rule of Law. The Cambridge Companion to the Rule of Law, Cambridge University Press, 2021.
4. Tom Bingham. The Rule of Law. Allen Lane, 2010.
5. Юнусов Ҳ.М. Европа Иттифоқи ҳуқуқи (Европа Иттифоқи ва ҳамжамиятлари ҳуқуқи): Дарслик. – Тошкент: “Yangi asr avlodi”, 2007.
6. Гафурова Нозимахон. Верховенство права как универсальный принцип обеспечения прав человека. Юридик фанлар ахборотномаси, 2020 2-сон.
7. Ўзбекистон ҳуқуқ устуворлиги индексида 14 поғона юқорилади // URL: https://gov.uz/uz/news/view/32541;
8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. Ўзбекистон “Ҳуқуқ устуворлиги” Индексида МДҲ мамлакатлари орасида энг яхши ижобий ўзгаришни қайд этди // URL: https://xs.uz/uzkr/post/ozbekiston-huquq-ustuvorligi-indeksida-mdh-mamlakatlari-orasida-eng-yakhshi-izhobij-ozgarishni-qajd-etdi.

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ
# ВЕСТНИК ЮРИСТА
# LAWYER HERALD



**СОДИКОВ Акмал Шавкат ўғли**
Тошкент давлат юридик университети
Давлат ва ҳуқуқ назарияси кафедраси доценти в.б.,
юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
E-mail: akmalsodikov81@gmail.com


## НОРМА ИЖОДКОРЛИГИ ЖАРАЁНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШЛАРИ


**For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): СОДИКОВ А.Ш.** Норма ижодкорлиги жараёнини такомиллаштиришнинг истиқболли йўналишлари // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 3 (2023) Б. 13-19.

doi 3 (2023) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2023-3-2



**АННОТАЦИЯ**

Ушбу мақолада норма ижодкорлигини ахборот билан таъминлаш механизмини такомиллаштириш масалалари таҳлил қилинган ва норма ижодкорлигини ахборот билан таъминлашнинг истиқболли йўналишлари ишлаб чиқилган. Мақоладан миллий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, миллий давлат дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда норма ижодкорлигини илмий-назарий жиҳатдан бойитишда фойдаланиш мумкин.



**Калит сўзлар:** ахборот, норма ижодкорлиги, норма ижодкорлигини рақамлаштириш, малака ошириш, юридик хизмати, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ахборот айланиши.


---

## ПЕРСПЕКТИВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ НОРМОТВОРЧЕСКОГО ПРОЦЕССА


**СОДИКОВ Акмал**

И.о. доцента кафедры Теория государства и права
Ташкентского государственного юридического университета,
доктор философии по юридическом наукам (PhD)
E-mail: akmalsodikov81@gmail.com



**АННОТАЦИЯ**

В статье анализируются вопросы совершенствования механизма обеспечения информацией нормотворческого процесса. В заключении статьи разработаны перспективные направления информационного обеспечения нормотворческого процесса. Содержание статьи с научно-теоретической точки зрения нормотворческого процесса могут быть использованы для совершенствования национальных нормативных правовых актов, разработки национальных государственных программ.



**Ключевые слова:** информация, нормотворчество, цифровизация нормотвотворчества, повышение квалификации, юридическая служба, нормативные правовые акты, информационный оборот.

**SODIKOV Akmal**
Acting associate professor at Tashkent State University of Law,
Doctor of Philosophy in Law (PhD)
akmalsodikov81@gmail.com

# PROSPECTIVE DIRECTIONS FOR IMPROVING THE PROCESS OF RULE-MAKING

**ANNOTATION**

This article analyzes the issues of improving the mechanism of providing the rule-making process with information. In the conclusion of this article, promising directions for providing the rule-making process with information have been developed. This article can be used to improve national normative legal acts, develop national state programs, and enrich the rule-making process in terms of scientific and theoretical point of view.

**Keywords:** information, rule-making, digitization of rule-making, professional development, legal service, normative legal acts, information circulation.

Мамлакатимизни ривожлантиришнинг бугунги босқичида давлат органлари фаолиятини такомиллаштириш ва норма ижодкорлиги самарадорлигини ошириш мақсадларига эришиш борасида кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилмоқда. Фикримизча, норма ижодкорлиги учун зарур бўлган ахборотни йиғиш, қайта ишлаш ҳар доим ҳам барқарор амалга оширилавермайди, аммо тегишли муаммоларни бартараф этиш учун, албатта, мазкур фаолиятнинг самарадорлигини ошириш учун истиқболли йўналишларни ишлаб чиқиш талаб этилади.

Бундай истиқболли йўналишларни ишлаб чиқиш, биринчи навбатда, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга эътибор қаратишдан бошлашни тақозо этади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги "Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ–5505-сон Фармони [1] мамлакатимизда норма ижодкорлигини янги босқичга ўтиши учун замин яратди. Ушбу фармон билан тасдиқланган Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш Концепцияси бешта асосий йўналишларни белгилаб берди. Бу, ўз навбатида, норма ижодкорлиги жараёнини ахборот билан таъминлашнинг истиқболли йўналишларини ишлаб чиқиш, илмий тадқиқотлар ўтказиш, илмий таҳлил қилиш, бу борада ҳуқуқшунос олимларнинг фикр-мулоҳазаларига тўхталиб ўтиш жоиз.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқданган 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг [2] биринчи йўналиши 8-мақсади "норма ижодкорлиги жараёнини модернизация қилиш, қонунчилик ҳужжатларининг қатъий ижросини таъминлаш" деб номланиши, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сонли Фармони билан тасдиқланган 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг [3] биринчи йўналишининг мантиқий давоми бўлиб хизмат қилди.

А.В.Ильин ва Г.А.Мартьяновнинг илмий тадқиқотларида [4, Б.12], норма ижодкорлиги жараёнининг самарадорлигини ошириш таҳлил этилган бўлиб, самарадорликни ошириш тегишли истиқболли йўналишларни ишлаб чиқиш орқали амалга ошириш мумкинлиги қайд этилади.

Норма ижодкорлиги жараёнини ахборот билан таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича истиқболли йўналишлар П.А.Рустамов томонидан тегишли норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш [5, Б.113], Е.В.Скурко томонидан эса мутахассислар билимидан норма ижодкорлигида фойдаланишнинг интеграцион методларини ишлаб чиқиш таклиф этилади [6, Б.81].

Фикримизча, олимлар томонидан илгари сурилган тенденциялар ижобий натижаларни бериши эҳтимолга яқин бўлсада, истиқболли йўналишлар асосида ёндашиш кенг қамровли натижаларга эришишда туртки бўлиши мумкин.

Фикримизча, норма ижодкорлиги жараёнида ахборот билан таъминлашни такомиллаштиришнинг қуйидаги истиқболли йўналишлари илгари суриш ва илмий-назарий жиҳатдан асослантириш мумкин:

биринчидан, норма ижодкорлиги жараёнининг шаффофлигини ошириш, ахборот алмашинувини мақбуллаштириш, илмий асослантириш, эксперт-таҳлил маълумотлари билан бойитишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

иккинчидан, норма ижодкорлигини зарурий ахборот билан таъминлашда масъулият ҳамда тегишли мансабдор шахсларнинг билим ва малакасини ошириш;

учинчидан, норма ижодкорлиги жараёни илмий ахборот билан таъминлаш аниқ механизмини ишлаб чиқиш;

тўртинчидан, норма ижодкорлиги жараёнида эксперт-таҳлил маълумотларидан самарали фойдаланиш, эксперт ва мутахассисларга қўйиладиган малака талабларини ишлаб чиқиш, уларнинг норма ижодкорлигидаги фаоллик даражасини рейтинг кўрсаткичларда жорий этиш.

Мамлакатимизда Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш Концепциясида ҳам "Норма ижодкорлиги жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш" [7] истиқболли йўналишлардан бири сифатида белгиланган.

Фикримизча, Қонун лойиҳалари устида амалга ошириладиган чора-тадбирларнинг хранологиясини реал вақт режимида кузатиб бориш имкониятини берувчи – *"E-qonun"* [8, Б.1], норма ижодкорлигига мутахассис ва экспертларни жалб этиш ва рағбатлантиришни таъминловчи – *"E-ekspert"*, норма ижодкорлиги жараёнини илмий ахборот билан таъминлашга хизмат қилувчи – *"Ilmiy axborot"* миллий илмий-техник базасини яратиш мақсадга мувофиқдир.

Иккинчи истиқболли йўналиш – норма ижодкорлиги жараёнини ахборот билан таъминловчи субъектларнинг бу борадаги масъулиятини ҳамда малакасини оширишга тўхталиб ўтадиган бўлсак, бу масалада Низомулмулкнинг "Сиёсатнома" асарининг биринчи ва иккинчи фасллари [9, Б. 16-18] айнан қарор қабул қилишда одиллик ва халқ олдидаги масъулият масалаларига бағишланганлигини қайд этиб ўтиш жоиз.

Ҳозирги замон олимларидан В.Мабийяр, А.София ва М.Паскиларнинг фикрича, норма ижодкорлиги учун зарур бўлган маълумотларни тўплашдаги асосий тўсиқларга техник, молиявий ресурсларнинг етишмаслиги, мансабдор шахсларнинг малака ошириш тренингларида қатнашмаслиги ва маъмурий жиҳатдан ёмон бошқаришни кўрсатиб ўтишади [10, Б.31].

Миллий ҳуқуқшунос олимларнинг фикрларига эътиборимизни қаратадиган бўлсак, муайян мансабдор шахслар гуруҳининг малакасини оширишга оид таклифлар илгари сурилган.

Д.Р.Артиков Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабида махсус ўқув курси ташкил этиш лозимлигини [11, Б.24], Ж.Н.Неъматов маъмурий тартиб-таомиллар бўйича ҳуқуқий амалиётда фаолият юритаётган мутахассислар учун махсус ўқув курсларини ташкил этишни [12, Б.30], Ф.Х.Отахонов давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари юридик хизмат вакилларининг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятидаги ўрнини мустаҳкамлаш [13, Б.32], Ш.Х.Зулфиқоров бу борада норма ижодкорлиги субъектларининг илмий салоҳиятини янада ошириш зарурлигини [14, Б.26], Х.С.Хайитов норма ижодкорлиги жараёнига жалб этилган экспертларнинг зарурий билим ва кўникмаларга эга бўлиши лозимлигини [15, Б.14], Ш.Н.Бердияров [16, Б.24], З.С.Исраилова [17, Б.50] ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларда ҳам тегишли мансабдор шахсларнинг салоҳиятини оширишга эътибор қаратиб ўтилган.

Шунингдек, Б.Алимов ва О.Махкамовлар мансабдор шахсларнинг умр давомида ўқиш ("life long learning") тамойили асосида таълим олишлари зарурлигини [18, Б.116],

Қ.Рахмоновлар бу борада масофавий дарсларни ташкил этиш зарурлигини қайд этиб ўтишади [19, Б.125].

Қайд этилган олимларнинг ёндашувлари уларнинг илмий тадқиқот мавзуларидан келиб чиққан, аммо норма ижодкорлиги жараёнини ахборот билан таъминлаш самарадорлигини ошириш масаласида ўзига хос фикр-мулоҳаза юритиш мақсадга мувофиқ.

Назаримизда, нафақат норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахслар, балки норма ижодкорлиги жараёнини ахборот билан таъминловчи бошқа субъектларнинг (эксперт ва мутахассислар) билим ва кўникмаларини ошириш бўйича махсус малака курсларига жалб этиш зарур. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган органлар ёки мансабдор шахслар фаолиятининг самарадорлигини ошириш, улардаги ходим ва мутахассислар малакасини ошириш мақсадида қуйидаги масофавий ўқув тренингларини йўлга қўйиш зарур, деб ҳисоблаймиз:

янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида "Қонунчилик техникаси" масофавий ўқув тренинглари;

янги сайланган вилоят, шаҳар ва туман халқ депутатлари кенгашлари депутатлари, давлат бошқарув органлари юридик хизмат ходимлари учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази томонидан "Норма ижодкорлиги техникаси" масофавий ўқув тренингларини ташкил этиш.

Шу билан бирга, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган органларнинг масъул ходимлари малакасини ошириш тизимини яратиш, ишга қабул қилиш бўйича танлов шартларини қайта кўриб чиқиш, уларнинг малакасини узвий равишда ошириб бориш тизимини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ. Акс ҳолда, масъул ходимнинг айби билан жамият ва давлат манфаатларига сезиларли зарар етиши ҳолатлари келиб чиқиши мумкин.

Бизнинг фикримизча, норма ижодкорлиги жараёни самарадорлиги, аввало, ахборот айланиши, унинг сифати ҳамда қайта алоқага боғлиқ бўлиб, бу борада масъул шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарликни эмас, балки интизомий жавобгарликни қатъийлаштириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Таҳлиллар натижасида шундай хулосага келиндики, норма ижодкорлиги жараёнида зарур ахборот билан таъминлаш асосан ташаббускор субъект томонидан амалга оширилади. Демак, биринчи навбатда, уларнинг масъулиятини ошириш бўйича хорижий мамлакатларнинг тажрибасига эътиборимизни қаратиб ўтамиз.

Ҳуқуқшунос олимларнинг илмий ишлари ҳамда илғор хориж тажрибасини тадқиқ этиш орқали норма ижодкорлиги жараёнида ахборот билан таъминлаш самарадорлигини ошириш мансабдор шахсларнинг масъулиятини қатъийлаштириш мақсадида "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 31-моддаси қуйидаги таҳрирда баён этиш зарур, деб ҳисоблаймиз:

"31-модда. Норма ижодкорлиги жараёнини ахборот билан таъминлаш қоидаларини бузилганлик учун жавобгарлик

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган органнинг тегишли мансабдор шахслари ёки норма ижодкорлигини ахборот билан таъминловчи субъектлар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари ва уларга илова қилинадиган ахборот-таҳлилий материалларда қасддан сохта ёки нотўғри маълумот бериш, шахсий манфаатдорликка (бевосита ёки билвосита) йўл қўйиш, норма ижодкорлиги учун зарур бўлган ахборотни тақдим этиш тўғрисидаги сўровни кўриб чиқмасдан қолдириш ёки уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш ижро интизоми доирасида шахсий жавобгарликни келтириб чиқаради.

Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи органлар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ўз вақтида кўриб чиқиш, келишиш, норма ижодкорлиги жараёни тартиб-таомилларига амал қилиш устидан назоратни Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамаси амалга оширади”.

Норма ижодкорлиги жараёнини ахборот билан таъминлаш самарадорлигига эришиш масаласи тегишли субъектларнинг масъулиятини ошириш билан бир қаторда, норма ижодкорлиги жараёнини ахборот билан таъминловчи субъектларни рағбатлантириш тизимига ҳам эътибор қаратишни талаб этади. Бу борада А.Холов [20, Б.84] ва Ш.Кодировалар [21, Б.74] томонидан давлат хизматчилари фаолиятини баҳолаш тизимини йўлга қўйиш таклифини қўллаб-қувватлаш мумкин.

Шунингдек, муайян ҳисобот даври мобайнида норма ижодкорлиги жараёнида жамоатчилик фикр-мулоҳазаларини энг кўп ўрганган, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини тайёрлаш бўйича энг кўп танловлар ўтказган давлат органлари, энг кўп норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари, шунингдек уларга илова қилинадиган ахборот-таҳлилий материалларни тайёрлаган субъектлар, норма ижодкорлиги жараёнига энг кўп жалб этилган эксперт ва мутахассислар рейтингини аниқлаш ва рағбатлантириш механизмини ишлаб чиқиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Бундай механизмлар хорижий мамлакатларда жорий этилган бўлиб, мисол тариқасида АҚШнинг govtrack.us платформаси – қонун ҳужжатларини киритувчиларнинг рейтинги [22], “Америка президентлик лойиҳаси” (American presidency project) [23] – президентлар томонидан қабул қилинган қонуности ҳужжатларининг (executive orders) рейтинги, штатларнинг қонун ижодкорлари самарадорлиги рейтингини аниқловчи Самарали қонун ижодкорлиги маркази (Center for effective lawmaking) фаолияти [24, Б.52], Ҳуқуққа таъсир кўрсата оладиган “Ҳуқуқ мактаблари” рейтингини (Ranking the academic impact of 100 American law schools) мисол тариқасида келтириб ўтиш мумкин [25, Б.12].

Албатта, бундай рағбатлантириш ҳамда рейтинг тизимини амалиётга жорий этиш норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган органларнинг мансабдор шахсларини ва норма ижодкорлигини зарурий ахборот билан таъминловчи субъектларнинг ташаббусларини жадаллашишига замин яратиб беради.

Фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан муайян ҳисобот даври мобайнида норма ижодкорлиги жараёнида жамоатчилик фикр-мулоҳазаларини энг кўп ўрганиб чиққан, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини тайёрлаш бўйича энг кўп танловлар ўтказган давлат органлари, энг кўп норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари, шунингдек уларга илова қилинадиган ахборот-таҳлилий материалларни тайёрлаган субъектлар, норма ижодкорлиги жараёнига энг кўп жалб этилган эксперт ва мутахассислар рейтингини аниқлаш ҳамда кенг жамоатчиликка эълон қилиш механизмини йўлга қўйилиши лозим.

Норма ижодкорлиги жараёнини ахборот билан таъминловчи субъектларнинг рейтингини аниқлаш бўйича мезонларга ҳисобот йили давомида тайёрланган таҳлилий материалларнинг сони, сифати, инобатга олинган таклифлар, ходимларининг салоҳияти, ОАВларда кенг жамоатчилик учун очиқ бўлган қонунчиликни ривожлантириш бўйича юқори сифатли таҳлилий материалларнинг эълон қилинганлиги кабиларни қамраб олиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, норма ижодкорлиги жараёнида унинг келажакда ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда қай даражада ишлаб кетиши, ўзининг самарали натижасига эришиши учун мазкур фаолиятда ахборот таъминоти, ахборотлар алмашинув механизми билан бир қаторда тегишли субъектларнинг масъулиятини қатъийлаштириш ҳамда уларни рағбатлантириш тизимини ҳам қайта кўриб чиқишни тақозо этади.

Фикримизча, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган органлар ёки мансабдор шахсларга зарурий ахборотни тақдим этмаганлик, шахсий манфаатдорликка йўл қўйиш, муддат ва сифат талабларига жавоб бермайдиган ҳолатлар бўйича интизомий жавобгарликни жорий этиш ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтириш ахборотга бўлган жиддий ёндашувни таъминлаш, сифат ва самарадорликни оширишга хизмат қилиши мумкин.

Норма ижодкорлиги жараёнида ахборот билан таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича истиқболли йўналишларни ишлаб чиқиш соҳанинг ривожланиш тенденцияларини белгилашга мамлакатимизда норма ижодкорлиги жараёнини ахборот билан таъминлаш соҳасидаги масъулиятни ошириш масаласига алоҳида эътибор берилмаганлиги, шахсий манфаатдорликка йўл қўйган тегишли мансабдор шахсларга нисбатан юридик жавобгарликни қатъий белгиланмаганлиги, кечиктирилган, ишончсиз ёки сифат талабларига жавоб бермайдиган ахборот билан таъминлаш натижасида амалга киритилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ноаниқликлар топилишига, амалиётда зиддиятли вазиятларни юзага келишига сабаб бўлмоқда. Шу сабабли, бу борада ахборот технологияларини кенг жорий этиш, масъул шахсларнинг малакасини ошириш, жавобгарлик чораларини ишлаб чиқиш, норма ижодкорлиги жараёнини зарурий ахборот билан таъминлаш бўйича рейтинг механизмини жорий этиш ҳамда масъул шахсларни рағбатлантириш чора-тадбирларни кўриш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

**Иқтибослар/Сноски/References:**


1. Исраилова З.С. Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш механизмини такомиллаштириш // 12.00.02 – ю.ф.ф.д. (PhD) диссертацияси автореферати. – Т.: ДБА, 2020. – Б. 12.
2. Кайнов В.И., Зарецкая Э.В. Актуалные проблемы бюджетного процесса в Российской Федерации: административно-правовой аспект. Монография // СПб.: “КультИнформПресс”, 2019. – С. 12.
3. 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сонли Фармони билан тасдиқланган 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси // URL: https://lex.uz/docs/3107036;
4. Ильин А.В. Оптимизация правотворческой деятельности в современной России (вопросы теории и практики): Монография / Под ред. С.А. Комарова. – СПб., 2010. – 309 с.
5. Рустамов П.А. Научно-информационное обеспечение законодательной деятельности в Республике Узбекистан // Диссертация к.ю.н.: 12.00.01. – Т.: ТГЮИ, 2001. – С. 113.
6. Скурко Е.В. Информационно-правовое обеспечение законодательной деятельности в Российской Федерации // Диссертация к.ю.н.: 12.00.01. – М.: РГБ, 2003. – С. 81.
7. Sodikov Akmal “Norm-making based on evidence and science is one of the main factors of development” // 2020, Review of law sciences, №. 4, – С. 1-5.
8. Миллий қонунчилик базасини комплекс тизимлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида 30.04.2021 й. // URL: https://lex.uz/docs/5400414.
9. Сиёсатнома (Сияр ул-мулук) / Форс тилидан таржима, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Воҳид Ш., Эркинов А. – Т.: Янги аср авлоди, 2008. – Б. 16-18.
10. Mabillard V., Pasquie M., Sofia A. The use and effects of access to information laws. A study in 14 countries // Working paper de l’IDHEAP, 2019. – No. 6/2019. – P. 31.
11. Артиков Д.Р. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишларни судда кўришнинг маъмурий-ҳуқуқий жиҳатлари // 12.00.02. юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Т.: ТДЮУ, 2021. – Б. 24.
12. Неъматов Ж.Н. Ўзбекистон Республикасида маъмурий тартиб-таомилларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш (қиёсий-ҳуқуқий таҳлил) // 12.00.02. ю.ф.д. (DSc) диссертацияси автореферати. – Т.: ДБА, 2019. – Б. 30
13. Отахонов Ф.Х. Ўзбекистон Республикасида юридик хизматнинг назарий-ҳуқуқий муаммолари // 12.00.02 ю.ф.д. (DSc) диссертацияси автореферати. – Т.: ДБА, 2019. – Б. 32
14. Зулфиқоров Ш.Х. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари // 12.00.02. – ю.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган

диссертация автореферати. – Т.: ТДЮИ, 2008. – 26 б
15. Хайитов Х.С. Қонун ижодкорлиги экспертлик таъминоти: миллий ва хорижий тажриба // Юридик фанлар ахборотномаси. – Т.: ТДЮУ, 2018. – №2. – Б. 14-19.
16. Бердияров Ш.Н. Икки палатали парламент шароитида қонунчилик техникаси // 12.00.01. ю.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Т.: ТДЮИ. 2009. – 24 б.
17. Исраилова З.С. Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш механизмини такомиллаштириш // 12.00.02 – ю.ф.ф.д. (PhD) диссертацияси автореферати. – Т.: ДБА, 2020. – 53 б.
18. Алимов Б., Махкамов О. Бошқарув кадрларини ўқитишнинг ҳуқуқий асослари ва таълим жараёнини такомиллаштириш истиқболлари // Жамият ва бошқарув. 2020. – №2 (88), – Б. 116.
19. Махкамов О., Рахмонов Қ. Ўзбекистонда бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда масофавий таълимни такомиллаштириш масалалари // Жамият ва бошқарув. 2019. – №3 (85), – Б. 125-132.
20. Холов А. Давлат хизматчилари фаолияти самарадорлигини баҳолаш // Жамият ва бошқарув, 2019. – №3 (85). – Б. 84-90.
21. Кодирова Ш. Оценка эффективности деятельности государственных служищих: современное состояние и переспективы развития // Жамият ва бошқарув, 2019. – №3 (85). – Б. 74-83.
22. https://www.govtrack.us/about – The official webpage of GovTrack NGO. (GovTrack нодавлат нотижорат ташкилотининг расмий веб-саҳифаси)
23. https://www.presidency.ucsb.edu/statistics/data/executive-orders – The official webpage of The American Presidency Project (The American Presidency Projectнинг расмий веб-саҳифаси)
24. Bucchianeri P., Volden C., Wiseman A.E. Legislative Effectiveness in the American States // Center for Effective Lawmaking Working Paper, 2020. – 52 p.
25. Heald P.J. and Sichelman T.M. Ranking the academic impact of 100 American law schools // University of Illinois College of Law Legal Studies Research, 2019. – No. 20-433. – P.11-20.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ
ВЕСТНИК ЮРИСТА
LAWYER HERALD

## КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ. МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ

**УМИДУЛЛАЕВ Қаҳрамон Усманович**
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Давлат ва ҳуқуқ институтининг катта илмий ходими,
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)
E-mail: umidullaevkahramon@gmail.com

# ИЖРО ЭТУВЧИ ҲОКИМИЯТ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ БАҲОЛАШ БОРАСИДАГИ КАМЧИЛИКЛАР ТАҲЛИЛИ

**For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): УМИДУЛЛАЕВ Қ.У.** Ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини баҳолаш борасидаги камчиликлар таҳлили // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 3 (2023) Б. 20-26.

3 (2023) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2023-3-3

**АННОТАЦИЯ**

Ушбу мақолада асосий эътибор ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини баҳолаш борасидаги камчиликлар ва муаммоларни ўрганиб таҳлил қилишга қаратилган. Мазкур мавзуда олимлар томонидан олиб борилган илмий тадқиқот ишлари ҳамда амалиётчиларнинг фикр мулоҳазалари ўрганилди. Ўрганиш натижасида ижро этувчи ҳокимият органлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизими мураккаб илмий тадқиқот мавзулардан бири эканлиги маълум бўлди. Шунингдек, ижро этувчи ҳокимият органлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини амалиётга жорий этиш ҳам мураккаб жараён эканлиги, ҳозирда баҳолаш тизими жорий этилган аксарият даватларда баҳолаш тизимининг ташкилий-ҳуқуқий ва методологик асослари такомиллашув жараёнида эканлиги аниқланди. Илмий изланишлар натижаларига асосланиб тегишли хулосалар қилинди ҳамда мавжуд муаммолар ва камчиликларни бартараф этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Калит сўзлар:** Ижро этувчи ҳокимият органлари, муаммо, камчилик, самарадорлик, баҳолаш.

**УМИДУЛЛАЕВ Қаҳрамон Усманович**
Старший научный сотрудник Института государства и права Академии наук Республики Узбекистан, доктор философии по юридическим наукам (PhD)
E-mail: umidullaevkahramon@gmail.com

## АНАЛИЗ НЕДОСТАТКОВ В ОЦЕНКЕ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ОРГАНОВ ИСПОЛНИТЕЛЬНОЙ ВЛАСТИ


**АННОТАЦИЯ**

В статье, основное внимание уделяется изучению и анализу недостатков и проблем в оценке деятельности органов исполнительной власти. Изучены научные исследования, проведенные учеными, и мнения практиков по исследуемой теме. В результате проведенного анализа выявлено то, что система оценки эффективности деятельности органов исполнительной власти является одной из актуальных вопросов комплексного научного исследования. Установлено, что внедрение в практику системы оценки эффективности деятельности органов исполнительной власти также является сложным процессом, в большинстве случаев организационно-правовые и методологические основы системы оценки находятся в процессе совершенствования, внедряемая в настоящее время. По итогу анализа были сформулированы выводы, и выработаны соответствующие предложения и рекомендации по устранению проблем и недостатков.



**Ключевые слова:** органы исполнительной власти, проблема, дефицит, эффективность, оценка.


---


**UMIDULLAYEV Khahramon**
Senior Researcher of the Institute of State and Law,
Doctor of Philosophy in Law (PhD)
E-mail: umidullaevkahramon@gmail.com


## GAP ANALYSIS IN THE ASSESSMENT OF THE ACTIVITIES OF THE EXECUTIVE AUTHORITIES


**ANNOTATION**

In this article, the main focus is on explaining the concept and types of methodology for evaluating the effectiveness of executive authorities. Definitions given by scientists to the efficiency evaluation methodology were studied and analyzed. As a result of the study, it became known that the system for assessing the effectiveness of the activities of executive authorities is one of the topics of complex scientific research. It was also found that the introduction into practice of the assessment system of the effectiveness of the activities of the executive authorities is also a complex process, the organizational and legal and methodological foundations of the assessment system are in the process of improvement in most cases where the assessment system is currently introduced. Based on the results of the studies, conclusions were made, relevant proposals and recommendations were developed.



**Keywords:** Methodology, efficiency, executive authorities, criterion, assessment.


---

Маълумки ҳозирда дунёнинг ривожланган ва ривожланаётган аксарият давлатларида ижро этувчи ҳокимият органлари фаолияти самарадорлигини рейтинг баҳолаш борасида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Мазкур соҳада илмий изланишлар олиб борган олимлар ва амалиётчилар баҳолаш борасида кўплаб ижобий фикрлар билан бир қаторда ушбу янги тизим айрим камчиликлардан ҳам холи эмаслиги тўғрисида фикр ва мулоҳазалар билдиришмоқда.

Ижро этувчи ҳокимият органлари, уларнинг раҳбарлари ва ходимлари фаолиятини баҳолаш билан боғлиқ бўлган ҳар бир фикр ва амалиётни синчиклаб ўрганиш, уларни чуқур таҳлил қилиш, ушбу тизимни Ўзбекистон Республикасида жорий этиш жараёнида дуч келган камчиликларни зудлик билан бартараф этишга ёки дуч келиши мумкин бўган муаммоларнинг олдини олишга, ортиқча вақт ва харажатларни камайтиришга ҳамда тизимини самарали ташкил этишга илмий ва амалий замин яратади.

Айниқса охирги ўн йилликда давлат бошқаруви органлари фаолиятини такомиллаштириш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнида уларнинг фаолиятини мезонлар ва кўрсаткичлар асосида баҳолаш амалиётчилар ва олимлар ўртасида кенг муҳокама қилинмоқда, айни масала юзасидан танқидий фикр ва мулоҳазалар ҳам билдирилмоқда.

Хусусан, С.К.Мордовиннинг фикрига кўра, "Ижро этувчи ҳокимият органлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш энг мураккаб тадқиқот вазифаларидан бири бўлиб, кўплаб маҳаллий олимлар учун мустақил ўрганиш мавзусидир. Давлат органларининг самарадорлигини баҳолаш янада мураккаброқ. Бундай ҳолда, натижалар ва харажатларнинг нисбати учун оддий формуладан фойдаланиш мумкин эмас, чунки давлат органларининг фаолияти жамият ҳаётининг кўплаб соҳаларини бошқаришга қаратилган. Бироқ, давлат органлари ишининг мақсади пировarди аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини оширишдан иборат бўлиб, бу ўз навбатида уларнинг фаолияти самарадорлигини баҳолаш ҳатто зарурлигини англатади" [1, Б.28].

С.К.Мордовиннинг юқоридаги фикри ўринли бўлиб, ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини баҳолаш мураккаб бўлиб, баҳолашнинг аниқ ва мунтазам мезонларини ишлаб чиқиш осон эмас. Бу нафақат ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг кўп қиррали функциялари билан, шу билан бир қаторда вазифалар тақсимоти ўзгариб туриши, ривожланиш ва тараққиёт билан боғлиқ ҳолда янги хизмат ва вазифалар қўшилиб, доимий такомиллаштириб боришни талаб қиладиган узлуксиз жараёндир. Аммо ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини мунтазам баҳолаш бошқарув тизимини демократик талаблар асосида такомиллаштириш, мамлакат тараққиётини таъминлашда сезиларли роль ўйнайди.

О.Ю.Ереминанинг фикрга кўра, "Давлат органлари фаолиятига, умуман, давлат бошқаруви сифатига холис баҳо беришга уринишлар дунёнинг деярли барча мамлакатларида турли ҳил тарихий босқичларда амалга оширилди. Баҳоларнинг аксарияти, қоида тариқасида, танқидий тусга эга бўлиб, давлат раҳбарларини давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш учун чораларини кўришга ундар эди. Ўтган асрнинг ўрталаридан бошлаб маъмурий ислоҳотлар тўлқини дунёнинг кўплаб давлатларини қамраб олди. Натижада, давлат бошқаруви парадигмаси ўзгарди. Бошқарув эътиборининг диққат маркази ресурслардан натижага қаратилди. Шундай қилиб, энг кенг тарқалган тушунча бу "Янги давлат бошқаруви" – натижалар бўйича бошқарувдир. Ушбу давлат бошқаруви концепцияси дунёнинг кўплаб мамлакатларида тез тарқалиши билан тасдиқланди. Шундай қилиб, натижаларга асосланган бошқарув тизими Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИҲТТ) мамлакатларида мустаҳкамланди ва БРИКС (Бразилия, Россия, Ҳиндистон, Хитой, ЖАР) мамлакатларида фаол татбиқ этилмоқда" [2, Б.86-94].

А.Г.Жукованинг фикрига кўра, "Баҳолаш борасидаги муаммоларни аниқлаш уларни бартараф этиш самарадорликни таъминлашга хизмат қилади. Баҳолаш борасидаги муаммолар қуйидаги асосий сабаблар билан изоҳланади:

1. Кўпгина давлат муассасаларида товарлар ва хизматларда монополиянинг мавжудлиги.

2. Корхоналар фаолиятининг натижаси бу – маҳсулот ишлаб чиқариш, давлат муассасалари фаолиятида бу қисман мавжуд.

3. Давлат идораларида охирги фойдаланувчини аниқлаш ҳар доим ҳам осон эмас.

4. Тижорат ташкилотлари ва давлат муассасаларининг мақсадлари сезиларли даражада фарқланади, чунки иккинчиси учун асосий қадриятларга қонунийлик, ижтимоий адолат, қонун ва тартиб талаблари ва бошқалар киради.

5. Давлат муассасаларининг кам сонли ишларида нормалар ва стандартлар қўлланилгани сабабли сифатни баҳолаш қийин.

6. Маъмурий ва сиёсий жараёнда бошқарувдаги муваффақият манбасини аниқлаш қийин"[3, Б.61-68].

Айрим таҳлилчиларнинг фикрига кўра, бошқарув фаолиятини қисқа муддатда баҳолаш қийин. Давлат даражасида қабул қилинган кўпгина бошқарув қарорларининг натижаси узоқ муддатда намоён бўлиши мумкин. Бундай ҳолатларда фаолият натижасини фақат узоқ муддатда баҳолаш мумкин.

Т.А.Кулакованинг фикрига кўра, "Давлат ҳокимияти органлари моддий маҳсулот ишлаб чиқармас экан, уларнинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳолатига ва мамлакатнинг макроиқтисодий кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш анча қийин. Аксарият ривожланган мамлакатлар давлат ҳокимияти органлари фаолияти самарадорлигини баҳолашга катта эътибор берадилар, шу билан бирга давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлаш ва жамият фаровонлигини оширишнинг энг муҳим шартларидан бири эканлигини эътироф этадилар. Илғор технологиялардан фойдаланиш давлат бошқаруви сифатига ҳам таъсир кўрсатади" [4, Б.96].

В.И.Майоровнинг фикрига кўра, хусусий сектор самарадорлигини баҳолаш учун идеал бўлган баҳолаш тизимини давлат хизматчилари фаолиятини баҳолаш учун тўлиқ қўллаш мумкин эмас" [5, Б.164-169].

К.И.Апканиева ўзининг "Россия Федерацияси давлат бошқаруви органлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш: ҳолат, муаммолар ва ечимлар" номли ишида "Фуқаролик жамияти ўз манфаатлари ва ҳуқуқларига таъсир этувчи қарорларни тайёрлаш ва қабул қилишда ижро ҳокимияти органларига таъсир кўрсата оладиган самарали каналларга эга бўлиши керак. Яна бир жиддий муаммо бу – давлат ва унинг органларининг ўз фаолияти ва олинган натижалар тўғрисида ишончли ахборот беришни истамаслиги ҳамда давлат органлари баҳолаш натижаларини қабул қилишни истамаслигидир", – деб ёзади [6, Б.184].

Давлат бошқаруви органлари фаолиятини баҳолаш борасида илмий тадқиқотлар олиб борган Л.Г.Соколованинг таъкидлашича, "Амалиёт шуни кўрсатдики, ишлаб чиқилган ва ишлатилган кўрсаткичларнинг кўпчилиги классик талабларга жавоб бермайди, масалан, фойдаланиш ва тушуниш қулайлиги, статистик ишончлилик, бошқарувчанлик, янгиланишлар тезлиги, мақсадга мувофиқлик ва бошқалар" [7, Б.142].

А.В.Волкованинг ушбу мавзуга оид тадқиқот ишида "Давлат ҳокимияти органлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш бошқарув фаолияти соҳаларининг қай даражада яхши танланганлиги ва амалда қандай натижалар бераётганлигини аниқлаш имконини яратади. Шуни таъкидлаш керакки, давлат бошқаруви самарадорлиги билан боғлиқ бўлган тадқиқотчиларнинг аксарияти фаолият натижаларининг ўзига хослиги, шунингдек, давлат органлари учун белгиланган мақсад ва вазифалар туфайли самарадорликни баҳолаш мезонларини танлаш одатда жуда қийинлигини таъкидлайди", – деб ёзади [8, Б.45].

Шунингдек, А.В.Волкова ҳам баҳолаш мезонларини танлаш қийинлигини таъкидлайди. Баҳолаш жараёнларини ташкил этишда баҳолаш мезонлари жуда муҳим бўлиб, баҳоланаётган органнинг ваколати ва вазифаларидан келиб чиқиб, айнан ва тўлиқ белгилаб олиш баҳолаш жараённинг натижадорлигини таъминлайди. Баҳолаш предметининг кўплаб элементлари ва мураккаб тузилиши кўп сонли омилларни ҳисобга олиш ва таҳлил қилиш зарурлигини англатади.

Фикримизга кўра, давлат бошқаруви органлари, хусусан, ижро этувчи ҳокимият органлари, уларнинг раҳбарлари ва хизматчилари фаолиятини баҳолаш тизимининг мураккаблигини қўйидаги омиллар билан ҳам изоҳлаш мумкин.

– Давлат бошқаруви органлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимида кўплаб кўрсаткичларнинг мавжудлиги баҳоланаётган давлат органларини таққослашни қийинлаштиради;

– Давлат башқаруви органлари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг мураккаблигининг яна бири, бу – ижтимоий эхтиёжларни қондириш даражаси билан белгиланади. Бу иқтисодий натижаларини баҳолашдан кўра мураккаб;

– баҳолаш учун ишончли кўрсаткичларнинг мавжуд эмаслиги баҳолаш натижалари

бўйича нотўғри хусолаларга сабаб бўлиши мумкин;

– ташқи омилларининг таъсири сабабли баҳолашнинг объективлигини таъминлашни қийинлаштиради;

– баҳолаш жараёнларига ташқи (мустақил) экспертларнинг етарли даражада жалб этилмаслиги.

И.Ю.Зинченконинг фикрига кўра, бошқарув қарорлари сифатининг пасайишига сезиларли таъсир кўрсатиши ва шунга мос равишда уларни баҳолашни қийинлаштирадиган муаммолар қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Турли таркибий бўлинмалар ўртасидаги фаолиятнинг етарли даражада мувофиқлаштирилмаганлиги (тартибсиз бошқарув механизми), натижада турли таркибий бўлинмалардан (вертикал ва горизонтал бўйича) келадиган қарорлар кам мувофиқлаштирилади ва баъзан зиддиятли бўлади.

2. Белгиланган мақсадлар ва уларнинг ресурс таъминоти ўртасидаги тез-тез муаммолар. Бунинг оқибатида кўп ҳолларда қарорлар ижроси бажарилмайди.

3. Маъмуриятда амалдаги расмий ва норасмий норма ва қоидалар ўртасидаги зиддият. Масалан, мавжуд, лекин расмий белгиланмаган нормалар.

Шундай қилиб, баҳолашдан олдин айрим қарорларни қабул қилиш ва ижросини таъминлашда уларнинг қанчалик яхши тайёрланганлигини ва юқоридаги мезонлар ҳисобга олингани ва асосланганлигини таҳлил қилиш лозим” [9, Б.185-189].

И.Ю.Зинченконинг юқоридаги фикрлари асосли бўлиб, нафақат баҳолаш жараёнларини ташкил этишга оид нормалар, шу билан бир вақтда ижро органлари фаолиятига оид нормалар ҳам баҳолаш қоидаларига мос бўлиши керак.

Ҳуқуқшунос олим Ж.Ў.Тошқуловнинг фикрига кўра, “Давлат органлари фаолиятини баҳолаш хизматини ахборотлаштириш давлат хизматлари кўрсатишда шаффофлик, тезкорлик билан бирга, меҳнат харажатларини ҳам камайтиради. Ахборот олиш имкониятининг мавжудлиги ва ахборотнинг объективлиги демократик бошқарув тизимининг муҳим қисмидир. Баҳолаш тизими меҳнатга қараб ҳақ тўлаш, давлат хизматчиларини вазифага тайинлашда уларнинг эришган ютуқларига асосланиш, кадрлар билан боғлиқ жараёнларда инсон омили аралашувини камайтириш имкониятини беради” [10, Б.141-148].

Шу соҳада илмий изланишлар олиб борган Д.Анварованинг фикрига кўра, “Давлат бошқаруви фаолиятининг самарадорлиги қуйидаги омилларга боғлиқ:

– ҳар бир давлат органининг аниқ мақсади (вазифаси), таркибий бўлимлар ўртасида вазифалар, функциялар ва жавобгарликнинг аниқ тақсимланганлиги;

– функцияларнинг бажариш механизмлари мавжудлиги;

– фаолиятнинг аниқ режалаштирилганлиги;

– меҳнат шароитларининг яратилганлиги;

– малакали мутахассислардан иборат персонал билан тизимли ишлаш, самарали ва адолатли рағбатлантириш (иш ҳақи, мукофотлар ва бошқалар);

– давлат хизматчиларининг меҳнат унумдорлигини баҳолаш мезонлари мавжудлиги;

– баҳолаш натижаларига кўра таклифларни ишлаб чиқиш билан давлат органлари фаолияти самарадорлигини пасайтирадиган муаммоларни аниқлаш имконияти мавжудлиги” [11, Б.309-369].

Юқорида кўриб ўтилганидек ижро органлари фаолиятини баҳолаш борасида кўплаб ижобий, шу билан бирга танқидий фикрлар ҳам мавжуд. Давлат бошқаруви органлари фаолиятини баҳолаш борасидаги асосий муаммолар жараёнлар ва объектнинг катталиги ҳамда кўплаб ташқи ва ички омилларни ўз ичига олиши билан боғлиқ. Яна бир муҳим муаммо бу – натижага таъсир қилиши мумкин бўлган субъектив омилларнинг мавжудлигидир. Аммо кўплаб давлатларда давлат органлари фаолиятини такомиллаштириш борасида олиб борилаётган ислоҳотларда айнан давлат органлари ва хизматчилари фаолиятини мезонлар ва кўрсаткичлар асосида баҳолашга эътибор қаратилмоқда.

Фикримизга кўра, баҳолаш борасидаги асосий муаммолардан яна бири бу – уларнинг фаолиятини баҳолаш мезонлари ва методикасининг барқарор эмаслиги билан боғлиқ. Баҳолаш мезонлари ва методикасининг ўзгариб туришини табиий ҳол сифатида қабул қилиш мумкин, аммо баҳолаш мезонларини ўзгартириш, янгиларини қўшиш, мос равишда баҳолаш методикасини ишлаб чиқишда аниқликка риоя қилиш талаб этилади. Бунинг учун соҳа мутахассисларидан аниқ ҳисоб-китоб билан бирга синчковлик ҳам талаб этилади. Шунингдек, баҳолаш жараёнларининг самарасизлигига “таниш-билишчилик”, “қўшиб ёзиш”, “натижаларни ўзгартириш” (натижаларни ўзгартиришда қўшиб ёзиш ёки камайтириб ёзиш бўлиши ҳам мумкин) аниқлиги таъминланмаган баҳолаш методикаси, баҳолаш жараёнларининг тўғри ташкил этилмаслиги каби омиллар ҳам сабаб бўлади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, умуман олганда ижро ҳокимияти органлари фаолиятини баҳолаш уларнинг фаолиятини мониторинг қилиш, кўрсаткичларни яхшилаш воситасидир. Баҳолаш самарадорлиги кўп жихатдан мезон, кўрсаткич ва методологиянинг аниқ ишлаб чиқилишига боғлиқ. Баҳолаш тизими ижро органлари фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган ягона механизм сифатида ишлашини таъминлаш, нафақат самарадорликка, шу билан бир қаторда давлат бошқаруви сифатини оширишга ҳам хизмат қилади.

Айрим таҳлилчиларнинг фикрига кўра, бошқарув фаолиятини қисқа муддатда баҳолаш қийин. Давлат даражасида қабул қилинган кўпгина бошқарув қарорларининг натижаси узоқ муддатда намоён бўлиши мумкин. Бундай ҳолатда самарадорлигини фақат узоқ муддатда баҳолаш мумкин. Шунингдек, ҳудудларнинг иқтисодий асоси бир ҳил эмаслиги, баҳолаш мезонлари эса умумдавлат миқёсида бир хиллиги, ҳар бир соҳа ва ҳудуд учун алоҳида мезонлар ишлаб чиқиш ва унинг ҳисоблаш тизимини жорий имконияти йўқлиги танқидларга сабаб бўлган. Аммо ижро ҳокимияти органлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш натижалари йўл қўйилган камчиликларнинг сабабларини аниқ кўрсатиб беради. Бу эса ўз навбатида камчиликларни бартараф этиш ҳамда ишни тўғри ва оқилона режалаштириш имкониятини яратади. Ижро ҳокимияти органлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичларини умумлаштириш орқали узоқ муддатли режалаштириш ва стратегик ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш мумкин. Аниқ баҳолаш ижро ҳокимияти органлари фаолиятини самарали мониторинг қилиш билан биргаликда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятини холис баҳолашга, муаммоли йўналишларни аниқ кўрсатиб беришга ва ижро ҳокимияти органлари томонидан самарали бошқарув қарорларини қабул қилишга амалий замин яратади.

Умуман олганда ижро этувчи ҳокимият органлари ва хизматчилари фаолиятини баҳолаш борасидаги танқидий фикр ва мулоҳазаларнинг асосий қисми баҳолаш тизимининг мезонлари ва методикаси борасидаги камчиликлар ҳақида бўлиб, ижро ҳокимияти органлари, уларнинг раҳбарлари ва ходимлари фаолиятини баҳолаш истиқболли эканлиги тўғрисида якдил фикрда эканликларига гувоҳ бўлиш мумкин.

Илмий изланишлар натижалари давлат органлари фаолиятини баҳолаш назарий, услубий ва амалий жиҳатдан ҳали ҳам яхши ўрганилмаган, кўп қиррали муаммо эканлигини кўрсатади. Ижро этувчи ҳокимият органлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимидан кўзланган мақсадларига эришиш кўп жиҳатдан баҳолашни ташкил этишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар баҳолаш талабларига айнан мос келишини таъминлашга, баҳолаш тизимига масъул органлар ва ходимларнинг тажрибасига, баҳолаш жараёнлари аниқ хисоб-китобларга асосланган ҳолда ташкил этилишига боғлиқ деган хулосага олиб келади.

**Иқтибослар/Сноски/References:**

1. Мордовин С. К. Управление персоналом: современная Российская практика. (Серия «Теория и практика менеджмента»). СПб.: Питер, 2007. – С. 28.

2. Еремина О.Ю. О правовых проблемах оценивания органов государственной власти

// Журнал Российского права. №11-2016. – С. 86-94.

3. Жукова А.Г. Формы и методы оценки качества деятельности организаций сектора государственного управления» 2019 – С 61-68.

4. Кулакова Т. А. Вовлечение в публичность: связи с правительством // Исторические, философские, политические и юридические науки, культурология и искусствоведение. Вопросы теории и практики. – 2015. – № 1–2. – С. 96.

5. Майоров В.И. Разработка и проведение оценки эффективности и результативности профессиональной деятельности государственных служащих (на примере Челябинской области) // Евразийский юридический журнал. 2016. №7 (98). – С. 164-169.

6. Апканиева К.И. Оценки эффективности деятельности органов государственной власти в РФ: состояние, проблемы и пути решения // Молодой ученый. – 2018. № 45 (231). – С. 123-127.

7. Соколова Л.Г. Основы государственного и муниципального управления: учеб. пособие. – Иркутск: Изд-во БГУЭП, 2015. – 142 с.

8. Волкова А. В. Управляемость государства и гражданская состоятельность // Исторические, философские, политические и юридические науки, культурология и искусствоведение. Вопросы теории и практики. – 2014. № 4–1. – С. 45.

9. Зинченко И.Ю. Оценка эффективности деятельности органов исполнительной власти субъектов РФ // Социально-экономические явления и процессы. 2014. №1.

10. Тошқулов Ж.Ў. Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожланишини рейтинг баҳолашнинг муҳим жихатлари // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. 2 сон 1 жилд. 2020. – Б. 141-148. // URL: https://yuristjournal.uz/index.php/lawyer-herald/article/view/65;

11. Анварова Д. Давлат бошқарувини баҳолаш ёхуд бюджет маблағлари қандай тежалади. // URL: https://huquqburch.uz.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ
ВЕСТНИК ЮРИСТА
LAWYER HERALD

## ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ

**ОКЮЛОВ Омонбой**
Тошкент давлат юридик университети
“Фуқаролик ҳуқуқи” кафедраси профессори,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист,
юридик фанлар доктори

**ЮЛДАШЕВ Жахонгир Иномович**
Тошкент давлат юридик университети
“Фуқаролик ҳуқуқи” кафедраси профессори в.б., юридик фанлар номзоди
E-mail: jahongir.civilist@mail.ru

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХУСУСИЙ МУЛК ҲУҚУҚИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БОРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН САМАРАЛИ ИСЛОҲОТЛАР (ҚОНУНЧИЛИК ТАҲЛИЛИ ВА МАВЖУД МУАММОЛАР)

**For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): ОКЮЛОВ О., ЮЛДАШЕВ Ж.** Ўзбекистон Республикасида хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилган самарали ислоҳотлар (қонунчилик таҳлили ва мавжуд муаммолар) // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 3 (2023) Б. 27-38.

doi 3 (2023) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2023-3-4

**АННОТАЦИЯ**

Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси худудида ҳусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилган ислоҳотларнинг тадрижий ривожланиши, ҳамда мулкдор ҳуқуқларини кафолатлари борасидаги мавжуд муаммолар ёритилган. Унда мустақилликнинг ўтган даври мобайнида хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва мулк даҳлсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилган кўплаб ислоҳотларга эҳтиёткорона муносабатда бўлинганлиги маълум бўлди. Энг асосийси мол-мулкни давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун мулкдордан олиб қўйиш ҳақидаги қарорнинг қонунийлигини суд орқали низолашиш имкониятини яратиб берилганлиги аниқланди. Мақолада бугунги кунга қадар қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари таҳлил қилинди ҳамда мулкдор ҳуқуқларини ҳимоялаш ва мулк ҳуқуқини бекор қилишда қонунийлик, мақсадга мувофиқлик ва зарарни тўлиқ қоплаш билан боғлиқ нормалар “де факто” ишламаганлиги маълум бўлди. Мамлакатда эришилаётган ютуқлар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан “Янги Ўзбекистон – янги давр” Концепцияси доирасида тубдан ўзгарганлиги таҳлил қилинди. Соҳани рақамлаштириш зарурлиги, соҳада мониторинг ва шаффофлик кузатилмаслиги танқидий ўрганилди. Таҳлиллар натижасида мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишда ва мулкдан маҳрум қилиш билан боғлиқ компенсация тўлашда “мутаносиблик”, “қулайлик”, “тўлақонли қаноат”, “адолатлилик”,

“мулкдор манфаатлари устуворлиги” каби омиллар инобатга олиниши таклиф этилди.

**Калит сўзлар:** Хусусий мулк, давлат ва жамоат эҳтиёжи, зарарни қоплаш, “снос”, хусусий мулк даҳлсизлиги, мулкдор манфаатлари устуворлиги, мутаносиб компенсация, виндикация, негатор даъво.

---

**ОКЮЛОВ Омонбой**
Профессора кафедры Гражданского права
Ташкентского государственного юридического университета, доктор юридических наук, Заслуженный юрист Республики Узбекистан

**ЮЛДАШЕВ Жахонгир Иномович**
И.о. профессора кафедры Гражданского права Ташкентского государственного юридического университета, кандидат юридических наук
E-mail: jahongir.civilist@mail.ru

## ЭФФЕКТИВНЫЕ РЕФОРМЫ В ОБЛАСТИ ЗАЩИТЫ ПРАВ ЧАСТНОЙ СОБСТВЕННОСТИ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН (ПРАВОВОЙ АНАЛИЗ И ПРОБЛЕМЫ)

**АННОТАЦИЯ**

В статье описываются поэтапное развитие проводимых реформ в области защиты прав частной собственности в Республики Узбекистан, а также существующие проблемы, касающиеся гарантий прав собственников. Как известно за прошедший период независимости было проявлено настороженное отношение ко многим реформам, осуществляемом для защиты права на частную собственность и обеспечения неприкосновенности собственности. Установлено, что законность решения об изъятии имущества у собственника для государственных и общественных нужд осуществлялось судом. В статье проанализированы законодательные акты, принятые на сегодняшний день, и установлено, что нормы, не работали «де-факто», касающиеся правомерности, целесообразности и полного возмещения убытков при защите прав собственника и аннулировании права собственности. Исследовано, что достигнутые достижения в стране были коренным образом изменены Президентом Республики Узбекистан в рамках концепции «Новый Узбекистан – новая эпоха». Критически изучены необходимость оцифровки сектора, отсутствие мониторинга и прозрачности в секторе. В результате анализа даны предложения по защите прав собственности и выплат компенсации, с лишением имущества.

**Ключевые слова**: Частная собственность, государственная и общественная потребность, убытки, «снос», неприкосновенность частной собственности, приоритет интересов собственника, соразмерное возмещение, виндикация, негаторный иск.

---

**OQYULOV Omonboy**
Professor of the Department of Civil Law of Tashkent State University of Law, Doctor of Law Sciences, Professor, Honored Lawyer of the Republic of Uzbekistan

**YULDASHEV Jahongir**
Professor of the Department of Civil Law of Tashkent State University of Law
E-mail: jahongir.civilist@mail.ru

**EFFECTIVE REFORMS IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN REGARDING THE PROTECTION OF PRIVATE PROPERTY RIGHTS (LEGAL ANALYSIS AND EXISTING PROBLEMS)**

**ANNOTATION**

This article describes the phased development of reforms carried out on the territory of the Republic of Uzbekistan in the field of protection of private property rights, as well as existing problems related to guarantees of the rights of owners. It became known that during the past period of independence, a wary attitude was shown towards many reforms carried out to protect the right to private property and ensure the inviolability of property. Most importantly, it was established that the legality of the decision to seize property from the owner for state and public needs was created by the court. The article analyzes the legislative documents adopted to date, and found that the rules relating to the legality, expediency and full compensation for losses in the protection of the rights of the owner and the annulment of property rights did not work "de facto". It is analyzed that the achievements achieved in the country were radically changed by the President of the Republic of Uzbekistan within the framework of the concept of "New Uzbekistan - a new era". The need to digitize the sector, the lack of monitoring and transparency in the sector have been critically examined. As a result of the analysis, it is proposed to take into account the protection of property rights and the payment of compensation associated with the deprivation of property.

**Keywords**: Private property, state and public needs, losses, "demolition", inviolability of private property, priority of the owner's interests, proportional compensation, vindication, negatory claim.

---

Ўзбекистонда мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш, ер участкаси ва турар жой дахлсизлиги масаласи ҳамиша ўз долзарблигини йўқотган эмас. Чунки мулкдорнинг розилигисиз унинг ерига, турар жойига киришга ёки зарар етказишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Мустақилликнинг ўтган даври мобайнида гарчи хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасида қаторислоҳотлар амалга оширилган бўлса-да, бироқ мулк даҳлсизлигини таъминлаш юзасидан самарали ечим топиш жуда мураккаб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Ушбу фикрни исботи сифатида мулк ҳуқуқини Ўзбекистонда ҳимоя қилишнинг эволюциясини таҳлил қилишнинг ўзи кифоя.

Собиқ Иттифоқ даврида давлат мулки устувор бўлиб, алоҳида ҳимоя қилинган. Масалан давлат мулкини ўзга шахснинг ноқонуний эгалигидан талаб қилишга нисбатан (виндикацион даъво) даъво муддати йўқ эди. Хатто давлат мулкини талан-тарож қилганлик учун ўлим жазосига қадар бўлган жиноий жавобгарлик белгиланган эди. Бироқ бу даврда хусусий мулк ҳимояси тугул хатто бу мулк шаклининг ўзига ҳам эътибор берилмаган.

Хусусийлаштириш, мулк ҳуқуқини ҳимоялаш борасидаги дастлаб қадам "Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида"ги Қонун қабул қилиниши билан боғлиқ [1]. Ўтган асрнинг 90 йиллар бошида мазкур қонуннинг қабул қилиниши хусусий мулк қарор топиши борасида дастлабки қадам бўлиб, ушбу ҳолатни қонун чиқарувчининг "катта жасорати" сифатида баҳолаш ўринли.

Шунингдек, мустақилликнинг илк даврида корхоналарни хусусийлаштиришга эҳтиёткорона муносабатда бўлиб, уларнинг назорат пакет акцияларини давлат ўз тасарруфида сақлаб қолганди [2].

Юқорида қайд этилган Қонунда мулкдор ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва мулкий ислоҳотлар борасида энг катта "ташаббус"лардан бири мулк ҳуқуқи бекор бўлиши билан боғлиқ айрим қоидаларнинг ўрнатилишига қаратилди. Бу қоидалар мулк ҳуқуқини бекор қилиш ҳақидаги қарорнинг **қонуний бўлишлиги**, **мақсадга мувофиқлиги** ҳамда мулк ҳуқуқи бекор қилиниши оқибатида **етказилган зарарни батамом тўланиши** билан боғлиқ бўлиб, мустақилликнинг дастлабки даврида хусусий мулкни ривожланиши,

мулкдорлар манфаатини ҳимоясининг кафолатлари билан боғлиқ инқилобий норма сифатида баҳолашимиз мумкин.

Мол-мулкни давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун мулкдордан олиб қўйиш ҳақидаги қарорнинг қонунийлигини суд орқали низолашиш имкониятини яратиб берилганлиги диққатга сазовор. Шунингдек, “**мақсадга мувофиқлик**” масаласи ҳокимият мулкни давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш охирги чора эканлигини исботлаб бериши орқали намоён бўлиши лозим эди. Масалан, хусусий мулкдорга тегишли турар жой ёки бошқа кўчмас мол-мулкни умумжамият манфаатидаги бузишдан бошқа илож йўқлигини исботлаш, бу борада қарор қабул қилувчи ваколатли давлат ҳокимияти идораси зиммасига юклатилган. Бундан ташқари мулк ҳуқуқи бекор қилиниши оқибатида етказилган зарарни батамом тўлаш орқали мулкдор рози қилингандан сўнггина, мулкдан маҳрум этиш ҳаракатларини амалга ошириш тартиби белгиланган.

Амалдаги Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 29 майдаги 97-сон Қарори билан тасдиқланган “Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш тартиби тўғрисида”ги Низомда назарда тутилган бузилаётган кўчмас мулк учун бозор баҳосида компенсация тўлаш ҳақидаги қоидалар инобатга олинмади [3].

Мулкдор ҳуқуқларини ҳимоялаш ва мулк ҳуқуқини бекор қилишда қонунийлик, мақсадга мувофиқлик ва зарарни тўлиқ қоплаш билан боғлиқ нормалар “*де-юре*” мавжуд бўлсада, “*де факто*” ишламаган. Натижада давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун мол-мулкларни олиб қўйиш, кўчмас мулкларни, шу жумладан, аҳолининг яшаш жойларини бузиш авж олган. Бирор бир суд ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора на ҳоким қарорининг қонунийлигига баҳо берган, на зарарни тўлиқ қопланишига эътибор қаратган. Қўпол қилиб айтганда “снос”лар компаниячилик даражасига қадар олиб чиқилган.

Кейинчалик, ушбу ҳолатлар таҳлил этилган ҳолда 2012 йил 24 сентябрга келиб, хусусий мулк ҳуқуқини кафолатларини белгиловчи янги – “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди [4]. Мазкур Қонуннинг 23-моддасида ҳусусий мулк муносабатларини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжати мулкдорнинг ҳуқуқий ҳолатини ёмонлаштирган ёки мулкдорга қўшимча мажбуриятлар юклаган тақдирда, орқага қайтиш кучига эга эмаслиги ҳақидаги норма белгиланди. Дастлаб ушбу норманинг мулкдор ҳуқуқларини кафолатларини белгиловчи аҳамияти оммавий ахборот воситаларида жуда юқори баҳо берилган бўлсада, лекин бу норма ҳам амалда “ишламайдиган ўлик норма” бўлиб қолаверди.

Бундан ташқари, юқоридаги Қонуннинг 24-моддасида “давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш натижалари қайта кўриб чиқилмаслиги ҳамда бекор қилинмаслиги ҳамда, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш натижаларини, шу жумладан объектларнинг қийматини баҳолаш натижаларини қайта кўриб чиқиш, ҳақиқий эмас деб топиш ва бекор қилиш масалалари юзасидан давлат органлари, шу жумладан назорат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва судлар томонидан ташаббус билан чиқиш тақиқланиши ҳақидаги нормаларнинг киритилиши ҳам айтарли ўз самарасини бермади.

Мазкур қоида на ҳокимият ва на судлар томонидан инобатга олинди, адвокатларнинг ушбу нормага асосланиб, судларда келтирган важлари эса эътиборсиз қолдирилди. Мулкдор ҳуқуқларига нисбатан “эски ҳаммом-эски тос” қабилидаги муносабат сақланиб қолди. Судларнинг тўлақонли мустақил бўлмаганлиги оқибатида, мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасидаги низоларда асосан бир томонлама, давлат манфаатига “хизмат қилувчи” қарорлар қабул қилиниши кузатилган.

Сносга ташабускор “тадбиркорлар, ҳокимият вакиллари, баҳолаш ташкилотлари ва судьялар томонидан “гўёки давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши лозим бўлган ер участкалари ва бошқа мулклар”нинг бозор баҳоси белгилаш ва шу асосда компенсация қийматини белгилашга умуман эътибор қаратилмади. Хусусийлаштириш

натижаларини ҳоким ёки прокурор талабига кўра зўраки асосларда бекор қилиниши мулкдор ва тадбиркорларда норозилик кайфиятини уйғотганлиги табиий.

Н.Ашурова ушбу Қонунни таҳлил этар экан, хусусий мулк ҳуқуқи бузилганда мулкдорга моддий зарар билан бирга маънавий зарар ҳам етказилиши мумкинлиги, лекин бу масала бирор нормативда йўқлигини билдиради [5, Б.35-39].

Мулкдор ҳуқуқларининг кафолатлари борасида том маънодаги ўзгариш 2017 йилларга келиб, аниқроғи давлат сиёсатида "**аҳолини рози қилиш**", "**халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халққа хизмат қилиши**" ва "**халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади**" каби тамойиллар асосида давлат сиёсатидаги туб бурилиш, мулкдор ҳуқуқларининг кафолатлари борасида том маънодаги ўзгаришларга олиб келди. Бу ҳолатлар давлат идоралари мансабдорлари ва масъуллари зиммасига аҳоли, хусусан ҳуқуқи топталаётган мулкдорларнинг мурожаатини, оммавий ахборот воситалари, айниқса ижтимоий тармоқлардаги чиқишларни беэътибор қолдирмаслик вазифасини юкланиши билан боғлиқ десак муболаға бўлмайди.

Лекин 2018–2019-йилларда бу борада амал қилган тартибда айнан нималар давлат ва жамият эҳтиёжи деб аталиши бўйича аниқ рўйхат мавжуд бўлмаган. Шунинг учун ҳам бино ва иншоотлар жойлашган ер майдони нодавлат (масалан тадбиркор) манфаатида олиб қўйилса ҳам, давлат ва жамоат эҳтиёжи сифатида баҳоланаверган. Хатто айрим мансабдор шахслар айнан айрим тадбиркорлар учун имконият яратиб бериш мақсадида муаяйн худудларни снос эвазига бўшатиб бериш мақсадида коррупцияга қўл уриш ҳолатлари ҳам кўпайди. Бу каби салбий иллатлар оқибатида йилдан йилга Ўзбекистоннинг коррупция борасидаги ҳалқаро рейтинги пасая бошлади (180 давлат ичида Ўзбекистон 2016 йилда 156, 2017 йил 157, 2018 йил 158 ўрин) [6]. Бу нафақат халқнинг норозилиги балки ҳалқаро инвесторлар ва экспертларнинг ишончсизлиги ортишига ҳам сабаб бўлди.

Натижада ҳар қандай важ билан хусусий мулкни, шу жумладан аввал хусусийлаштирилган мулкни олиб қўйиш, заруратсиз мулкни бузиб юборишнинг ғайриҳуқуқийлиги танқидий таҳлил қилинган ҳолда давлат ҳимоясида бўлган хусусий мулкнинг дахлсизлиги, мулкдорларнинг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоялаш кафолатларини кучайтириш ва бундай ҳуқуқбузарликларга йўл қўйганлиги учун ушбу масъул шахсларнинг жавобгарлигини оширишга жиддий эътибор қаратилиш бошланди.

Бу эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида"ги ПФ-5780-сон Фармони қабул қилинишига олиб келди [7]. Мазкур фармон билан ҳокимликлар, ваколатли давлат идоралари раҳбарларига хусусий мулкнинг дахлсизлиги, иқтисодий фаолият ва тадбиркорлик эркинлигини таъминлаш, тажовузлардан ҳимоя қилиш, хусусий мулкни сақлаш ва янада кўпайтириш учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш тўғрисидаги нормаларини сўзсиз ижро этиш, уларга қатъий риоя қилиш бўйича шахсан жавобгарлик белгиланди. Шу билан биргаликда хусусий мулкдорларга уларнинг ҳуқуқларини бузган ҳолда зарар етказиш, мулк ҳуқуқини ноқонуний чеклаш ёки ундан маҳрум қилиш, хусусий мулкка (аввал хусусийлаштирилганга ҳам) тажовуз қилиш, мулкдорга қасддан номақбул шартларни, шу жумладан мулкни ёки мулкий ҳуқуқни топширишга доир асоссиз талабларни қўйиш, мулкни олиб қўйиш ёхуд мулк эгасини шахсий мулк ҳуқуқидан воз кечишга мажбур қилишга йўл қўйилмаслиги устидан тизимли назорат ўрнатилди.

Бундан ташқари мулкдорларнинг хусусий мулк дахлсизлиги ва уларнинг ҳимоясини янада кучайтириш, мулкдорларга давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилган ер майдонининг бозор қийматида тўлиқ қопланиши бўйича амалий ўзгаришлар учун

дастлабки қадамлар қўйилди. Зеро 2019 йил 21 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатасининг йиғилишида снослар туфайли юзага келган компенсация қарздорлиги 1,1 трлн сўм (114,7 млн АҚШ доллари) га етганлига ҳақида маълумот берилди [8].

Ушбу ўзгаришлар асносида амалда давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилган ер майдонининг бозор қийматида тўлиқ қопланилмаслиги ёки хусусий мулк даҳлсизлигига қарши ҳар қандай ҳаракатга аҳолининг муносабати жиддий ўзгарди.

Сўз эркинлиги ва ошкоралик борасидаги ҳаракатлар ортидан хусусий мулк уқуқи бузилаётган ёки тажавузга учраётган мулкдорларнинг оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар орқали чиқишлари кўпайди. Ваколатли идораларга шахсан ёки виртуал кўринишдаги мурожаатлари сони ортди. Масалан, снослар борасидаги жиддий эътирозлар Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Риштон, Янгийўл, Яккабоғ, Урганч ва бошқа кўплаб худудларда оммавий тус ола бошлади. Бу ҳолатлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан жиддий танқидга олиниб, айрим раҳбарларнинг бу борадаги хатти-ҳаракатлари Ўзбекистоннинг ташқи имиджига салбий таъсир кўрсатаётганлигини таъкидлаб ўтди. Давлат раҳбарининг бундай жиддий танқиди ҳамда аҳоли мурожаатлар таҳлили натижасида биринчилардан бўлиб Адлия вазирлиги мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасидаги қонунбузарлик ҳолатларини бартараф этиш, масъулларга нисбатан жиддий чоралар кўриш бўйича жиддий таклифлар билан чиқди [9]. Бу таклифлар адвокатлар, блогерлар ва кенг жамоатчилик томонидан илиқ кутиб олинди.

Ушбу воқеалар ривожи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 ноябрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мулк ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш ҳамда ер участкаларини олиб қўйиш ва компенсация бериш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 911-сон Қарори қабул қилинишига сабаб бўлди.

Мазкур қарор билан бузиладиган кўчмас мулк объектлари мулкдорларига компенсация бериш учун етарли ресурслар (маблағлар, ер участкаси ва бошқа мулк) мавжудлигини ўрганиш, “снос”ларнинг мақсадга мувофиқлигини Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ёки халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига исботлаш, олиб қўйилиши ёки бузилиши режалаштирилаётган ер участка (кўчмас мулк) мулкдорлари билан очиқ муҳокамани ташкил этиш, ташаббускор ва мулкдор ўртасида компенсация миқдори, тури ва бериш муддати назарда тутилган келишувлар тузиш, унинг мониторингини юритиш ҳақидаги қоидалар мустаҳкамланди. Энг асосийси давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғармалар ташкил этилди. Мазкур қарорнинг ишлаши маълум даражада ижобий натижалардан бири бўлди, шу билан бирга «снослар» муаммоси хусусий мулк дахлсизлиги билан боғлиқ қонунчиликдаги мавжуд камчиликларни амалда кўрсатиб берди.

Мамлакатда эришилаётган ютуқлар ва марралар таҳлил қилинар экан, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан “**Янги Ўзбекистон – янги давр**” Концепцияси доирасида давлат ва жамият ҳаётига дахлдор ҳар қандай масалани, энг аввало, халқ фикри, талаб ва истакларини инобатга олган ҳолда ҳал этишга қаратилган иш услубига ўтилди ҳамда муаммоларни туб моҳиятини англаб етиш ва уларни хал қилишнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш бошланди. Аниқроқ айтганда мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган ишларнинг мазмун ва моҳияти тубдан ўзгарди.

Энг диққатга сазовор ҳолат кўчмас мулк ва автотранспорт воситаларини сотиб олиш тартиби соддалаштирилди, бу борада турли ҳужжатлар йиғиш жараёнига барҳам берилди, ҳар қандай субъект ер участкаси айниқса, Тошкент шаҳри ва вилоят марказларида кўчмас мулк сотиб олиш имконияти яратилди.

Ўзбекистон барча жабҳаларда, шу қатори мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш, мулкдорлар синфини шакллантириш, инвестиция муҳитини ривожлантириш борасида халқаро стандартларни инобатга олиш, халқаро индекслар ва рейтингларни доимо мониторинг қилиб борган ҳолда ислохотларни белгилаш тизими йўлга қўйилди [10]. Натижада мулк ҳуқуқи ҳимояси борасида "оғриқли нуқталар" аниқланиб бартараф қилиш, амалга оширилаётган ишларни холис баҳолаш, ҳалқаро экспертлар хулоса ва тавсияларини инобатга олиш йўлга қўйилди.

Бундан ташқари мулк ҳуқуқи объектлари доирасининг кенгайиб аксинча чекланган доирада ёки муомаладан чиқарилган мол-мулклар "рўйхати" қисқариб бораётганлиги ҳам мулкий ислоҳотларга ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Шу сабабли ҳам аҳолининг фаол қатламлари, ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари ва ваколатли идора масъуллари ушбу муаммоларни ҳал қилиш бўйича ўзаро мулоқотга кириша бошладилар.

Аҳолининг кўплаб эътирозлари ва мурожаатлари натижасида 2021 йилнинг бошларида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига айнан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мулк ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш ҳамда ер участкаларини олиб қўйиш ва компенсация бериш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 2019 йил 16 ноябрдаги 911-сонли Қарори билан тасдиқланган "Ер участкалари олиб қўйилиши ва олиб қўйилаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектлари мулкдорларига компенсация бериш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг айрим бандларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлигини аниқлаш тўғрисида масала киритишига сабаб бўлди. Ўз-ўзидан "снослар" масаласи бўйича Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ҳам ўз муносабатини билдириши вазият жиддий тус олганлиги билан изоҳланади [11].

Гарчи Конституциявий суд юқоридаги Низом талабларини Ўзбекистон Республикаси Конституциясига зид эмас деб топган бўлса-да, "Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси тайёрланиб, умумхалқ муҳокамасига қўйилганлиги инобатга олиб, юқоридаги низомда қўлланилган айрим тушунчаларни қайта кўриб чиқиш, Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексига юқоридаги муаммо билан боғлиқ нормаларни ўзгартирувчи тегишли Қонун лойиҳасини Парламентга киритиш тавсия этилди.

Мулкдор ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва мулкдан маҳрум қилиш бўйича чекловларни ўрнатиш борасидаги мамлакатимизнинг позицияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланган "2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси"да янада яққол намоён бўлди. "Мулкий ҳуқуқларнинг дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш ҳамда давлат органларининг мулкий муносабатларга ноқонуний аралашувини чеклаш, хусусий мулк дахлсизлиги ва ҳимояси кафолатларини кучайтириш, мулкий, шу жумладан ер участкасига бўлган ҳуқуқларни сўзсиз таъминлаш, хусусий мулк устуворлигини асосий тамойил сифатида белгилаш, шу жумладан давлат идорасининг расмий маълумотига ишониб мол-мулк сотиб олган шахснинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш тизимини жорий этиш" билан боғлиқ масалалар Стратегиянинг 13-мақсадида ўз аксини топди [12].

Натижада 2022 йил 29 июнда хусусий мулк даҳлсизлиги ва мулкдор ҳуқуқларини кафолатларини белгиловчи янги «Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Қонун қабул қилинишига олиб келди [13]. 3 миллионга яқин ҳужжатсиз уйларни бузилишдан "суғурталайдиган" мазкур қонун билан хусусий мол-мулклар давлат ва жамият эҳтиёжи учун олиб қўйилиши борасида бир қатор шартлар белгиланди. Ушбу шартлардан бири эҳтиёж учун, аввало, бўш ер майдони қидирилиши, бўш ер топилмасагина, аҳоли мулкини "снос" қилиш бўйича мурожаат қилиниши билан боғлиқ. Эътиборлиси, ташаббускор снос қилиниши лозим бўлган ер майдони қанчалик зарур эканини ваколатли органига

исботлаб бериши, бу борада бир тўхтамга келингандан сўнггина аҳоли билан бу масалани муҳокама қилиш мумкинлиги назарда тутилди.

Ер участкасини олиб қўймоқчи бўлган ташаббускор (давлат органи ёки тадбиркор) унинг заруриятини аҳолига тушунтириб бериши ва унинг асослантирилган важи давлат ва жамоаят эҳтиёжлари рўйхатида бўлиши шартлиги белгилаб қўйилди. Бузилиши мўлжалланган ҳар бир кўчмас мулк ёки уй-жой мулкдорининг розилиги олингандан сўнг тегишлича келишув битими имзоланиши ва келишувда компенсация олиш муддати, миқдори, бузилишга тушган ер участкаси ёки бинони қачон бўшатиши масалалари кўрсатиладиган бўлди.

Шу билан бирга муқаддам мавжуд бўлмаган яна бир янгилик снослар учун компенсация манбаси яратилганлиги билан боғлиқ. Муқаддам бундай манбанинг мавжуд эмаслиги кўп йиллар давомида ҳал қилинмаган “энг оғриқли” масала бўлиб, барчаси молиявий маблағларга бориб тақалар, бу эса рози бўладиган компенсацияни олиш учун мулкдор узоқ муддат кутиши ёки таклиф этилаётган компенсацияни олишга мажбур бўлишига олиб келар эди.

Эндиликда давлат ва жамият эҳтиёжларига олиб қўйилган ер участкалари учун етказилган зарарни қоплаш учун махсус жамғармада маблағ йўқ бўлса, ер участкалари ёки молк-мулкларни олиб қўйиш ёки бузиш мумкин эмас. Энг эътиборлиси “снос”га тушган ер участкаси ёки бино-иншоат учун мулкдор рози бўладиган миқдорда компенсация тўлаш давлат томонидан бу масаласига жиддий эътибор қаратиши билан боғлиқ.

Жисмоний ва юридик шахсларга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкаларига нисбатан юқоридаги қонун татбиқ этилмайди. Бу мазкур қонуннинг энг катта ютуқларидан бири, зеро бу орқали снослар билан боғлиқ мулк ҳуқуқини ҳимоя қилувчи мутлоқ тизим яратилди. Эндиликда ер участкаси хусусийлаштириб олинган бўлса, суд қарори билан ҳам снос қилиниши мумкин эмас. Бу ҳолатда ер участкаси ва унда жойлашган иморат хусусийлаштирилган бўлса, бу мулкларни снос қилиш учун фақат ва фақат мулкдор билан келишиш талаб этилади.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 47-моддасига асосан ҳеч ким суднинг қарорисиз ва қонунга зид тарзда уй-жойидан маҳрум этилиши мумкин эмас. Уй-жойидан маҳрум этилган мулкдорга уй-жойнинг қиймати ҳамда у кўрган зарарларнинг ўрни қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда олдиндан ҳамда тенг қийматда қопланиши таъминланади [14] тарзидаги қоидаларнинг ўрин олганлиги ҳам, бу масалани ечимига Конституция даражасида эътибор қаратила бошланаётганлигидан далолат беради.

Айни вақтда адвокатлар ёки ҳуқуқшунос олимларнинг бу борадаги “**хадик**”лари ёки уларни ўйлантираётган масалалардан бири “**мутаносиб компенсация тўланиши**” билан боғлиқ. Чунки амалдаги қонунчилик ҳужжатларида “**мутаносиб компенсация критерийси**” тўлиқ ишлаб чиқилмаган. Масалан, шаҳар марказида бузилган бино ёки олиб қўйилган ер участкаси учун шаҳар чеккасидан гарчи мулкдор рози бўладиган даражада бошқа бино берилса ҳам лекин, шаҳар марказидаги каби коммуникация ва қулайлик имкониятларининг етарли эмаслигини баҳолаш мезонлари мавжуд эмас. Бу ҳолатда “мутаносиблик”ни баҳолаш қай даражада ўринли деган ҳақли савол туғилади.

Бугунги кундаги амалиёт фақат бузилишга тушган иморат қиймати доирасида “мутаносиблик”ни баҳолаш билан боғлиқ. Аслида ер участкаси жойлашган худуд ҳам мутаносиблик критерийсининг асосий белгиловчи манбаси бўлиши лозим.

Шунингдек, компенсация тўлашда нафақат “мутаносиблик” балки, “**қулайлик**”, “**тўлақонли қаноат**”, “**адолатлилик**”, “**мулкдор манфаатлари устуворлиги**” каби омиллар инобатга олиниши мумкинлиги хеч бир нормативда қатъий белгиланмаган ва табиийки улар хар бирининг мезонлари ишлаб чиқилмаган. Бу эса суд амалиётида мулкни баҳолашда эксперт ва мутахассислар томонидан тақдим этилган суммага нисбатан тарафларнинг ҳақли эътирозларини ҳам келтириб чиқармоқда.

Назаримизда амалдаги меъёрий ҳужжатларда мутаносиблик мезонини мулкдор снос оқибатида маҳрум бўладиган барча қулайликларни инобатга олиб белгилаш зарур.

Бунда ҳар бир мулкдор, мол-мулк жойлашган худуд учун индивидуал ёндашув талаб этилишини эсдан чиқармас лозим. Зеро Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 20-моддасига асосан инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилади.

Бугунги кунда миллий цивилистикада, иқтисодиётда ҳамда амалиётда шаклланаётган хусусий мулкка нисбатан қарашлар ва ёндашувлар ҳам ўзига хослигини таъкидлаш зарур [15, Б.23-28].

Сир эмаски, ҳозирги кунда мол-мулклар ва мулкий ҳуқуқларни янги, замонавий технологияларга асосланган турлари (криптавалюталар, рақамли активлар в.ҳ.к) вужудга келмоқда, уларнинг режимини белгилаш, ҳуқуқларни амалга ошириш ва ҳимоялаш механизми секинлик билан шаклланмоқда. Бироқ, бугунги кунда мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш, айниқса мулкни ўзга шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олиш (виндикация) ва мулк ҳуқуқини амалга оширишга тўсқинлик қилиш (негатор даъво) борасида ҳам ҳал қилиниши лозим бўлган қатор муаммолар мавжуд. Масалан, мол-мулкдан фойдаланишга тўсқинлик қилиш (шовқин, экологик таъсир (чанг, қуёш нури, бадбўй хидлар, ерларни захлаб кетиши) ва бошқалар) билан боғлиқ ягона суд амалиётини шакллантириш, ҳуқуқни қўллаш борасида якдил норматив меъзонларни белгилаш борасидаги масалаларни кўтаришда адвокатлар "фаол", бироқ бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва судларнинг тизимли ёндашуви сезилмаяпти.

Шу билан бирга гарчи мулкий ҳуқуқларнинг ишончли ҳимоясини яратиш, ушбу ҳуқуқларни чеклаётган омилларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 24 августдаги "Мулк ҳуқуқининг дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш, мулкий муносабатларга асоссиз аралашувга йўл қўймаслик, хусусий мулкнинг капиталлашув даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" ПФ-198-сон Фармони[16] ва 2022 йил 28 наябрда "Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида"ги Қонун [17]. қабул қилинган бўлсада, бу йўналишда ҳам тизимли муаммолар мавжуд. Зеро бугунги кунга қадар мулк ҳуқуқини бевосита ёки билвосита чеклашни назарда тутувчи, мулкий муносабатларда бозор иқтисодиёти тамойилларини тўлиқ жорий этишга тўсқинлик қилувчи омилларни аниқлаш, бартараф этиш соҳаси тўлиқ рақамлаштирилмаган. Шу сабабли ҳам бу соҳани доимий мониторингини амалга ошириш, муаммоларни олдини олиш борасидаги ишларда шаффофлик кузатилмайди.

в) ҳимоя қилинаётган шахсга нисбатан хавфсизлик чораларини қўллаш тўғрисидаги сўров юборувчи давлат қонунчилигига мувофиқ чиқарилган асослантирилган қарор (қарор) нусхаси [21].

Уюшган ва трансмиллий жиноятчилик (ноқонуний миграция, терроризм, гиёҳванд моддалар савдоси, одам савдоси, контрабанда ва бошқа оғир жиноятлар) соҳасида глобаллашув жараёнининг кучайишига қарши курашиш мақсадида халқаро ҳамжамият ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича биргаликдаги саъй-ҳаракатларни амалга ошириб, жабрланувчилар, гувоҳлар ва бошқа одил судловни таъминловчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича таъсирчан чоралар кўришни назарда тутади.

2005 йилда Латвия, Литва ва Эстония Европа Иттифоқига аъзо давлатларнинг минтақавий ҳамкорлиги доирасида Гувоҳларни ҳимоя қилиш ва хавфсизлиги соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битимни имзоладилар. Битим Болтиқбўйи давлатларининг фуқаролари бўлган жиноят гувоҳлари ёки жабрланувчиларини номлари кўрсатилган исталган давлатдан бошқа Болтиқбўйи давлатига вақтинча ёки доимий равишда кўчириш имкониятини назарда тутади [1].

Жиноят процесси иштирокчилари хавфсизлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни ҳуқуқий тартибга солиш ва амалга ошириш алоҳида давлатлар даражасида ўзига хос хусусиятларга эга. Улар маълум даражада миллий жиноят-процессуал муносабатларнинг табиати билан боғлиқ. Роман-герман (континентал) ҳуқуқ тизимининг давлатлари (аксарият Европа мамлакатлари) учун жиноят процессида иштирок этувчи шахсларнинг хавфсизлигини таъминлашда процессуал чоралар устунлик қилади [2,3,4,5,6,7,8,9]; англо-саксон ҳуқуқий тизими давлатлари (АҚШ, Канада, Англия, Уелс ва бошқалар) учун эса бундай чоралар асосан процессуал характер касб этмайди [10,11,12].

Баъзи мамлакатларда тергов хизматлари билан жиноят процессида ахборот берувчи сифатида ҳамкорлик қилувчи шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун

махсус қонунчилик қоидалари мавжуд. Бошқа мамлакатларда уларнинг хавфсизлигини таъминлаш чоралари процессуал жиҳатдан мавжуд эмас [13]. Давлатларнинг ноаниқ ёндашувларини жиноят процессида аноним гувоҳларнинг иштироки масаласида ҳам кузатиш мумкин.

Германияда жиноят қурбонлари нафақат ишни судда кўриш жараёнида, балки бундай суд жараёнидан олдин ва кейин жабрланувчиларга ёрдам бериш бўйича қатор тадбирлар давомида ҳам юқори даражадаги хавфсизлик билан таъминланади. Шу билан бирга, Германия Федератив Республикаси қонунчилиги гувоҳга нисбатан уларни кўчириш ва янги жойга жойлаштиришга ёрдам бериш билан боғлиқ чораларни қўллаш муаммосини, шу жумладан пул компенсациясини талаб қилади, бундай чораларни айбловчи кўрсатма бериши учун гувоҳга пора беришга уриниш сифатида баҳолайди. Шундай қилиб, қонун чиқарувчи хавфсизлик чораларини қўллаш ҳимоя қилинадиган шахснинг яшаш шароитларини яхшиламаслиги керак бўлган принципни белгилайди [14].

Италияда гувоҳларни ҳимоя қилишнинг махсус дастури ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорлик қилган ва озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган шахслар жазо муддатининг камида тўртдан бир қисмини ўташи ёки умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилинган бўлса, камида 10 йил қамоқ жазосини ўташини назарда тутади [15].

АҚШ, Австралия, Германия, Австрия, Янги Зеландияда эса гумон қилинувчи, айбланувчи ёки унинг жиноий муҳитидан ҳимояланган шахсни ташвишга солган тақдирда чиқарилган суд қарори (чекловчи суд буйруғи) қўлланилади. Бундай ҳукмнинг мақсади жиноят қурбонининг хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчига нисбатан жиноий жазо қўлланилгунга қадар уни жиноятчидан ҳимоя қилишдир.

Айрим Европа давлатларида гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг айрим жамоат жойларига, у ҳимоя қилинаётган шахс билан учрашиши мумкин бўлган уйларга бориши, шунингдек, очиқ суд жараёнида шахсларнинг суд мажлисларига кириши тақиқланган [20].

Австралия, Америка Қўшма Штатлари ва Буюк Британияда ҳимояланган шахс ҳаётига таҳдид солиши мумкин бўлган жиноятчининг ҳибсга олиниши, ҳибсдан ёки жиноий жазони ўташ жойидан қочиши, озод қилиниши ёки бошқа жазони ижро этиш муассасасига ўтказилиши тўғрисида маълумот билан таъминланади [16].

Кўпгина мамлакатларда жиноят гувоҳлари ва жабрланувчиларига ёрдам бериш функцияси юкланган махсус давлат ва жамоат (инсон ҳуқуқлари ва бошқа) ташкилотлари ташкил этилган.

Шундай қилиб, Қўшма Штатларда гувоҳлар ва жабрланувчиларни ҳимоя қилиш функциялари федерал суд ижроси хизмати (Маршаллар хизмати)га; Австрияда – махсус полиция бўлимига; Францияда – Адлия вазирлигининг Жабрланганлар билан ишлаш бюроси ва Жабрланувчилар ва Медиация миллий институтига; Италияда – Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги бошқармасининг гувоҳларни ҳимоя қилиш бўйича махсус марказий хизматига; Германияда – федерал ва штат даражасидаги жиноят полиция бўлимининг гувоҳларни ҳимоя қилиш бўлинмаларига юкланган.

Буюк Британияда жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида гувоҳлар ва жиноят қурбонларини қўриқлаш хизмати, шунингдек, ихтисослашган гуруҳлар – гувоҳларга ёрдам кўрсатиш бўлинмалари фаолият юритади, уларда жабрланганларга полиция ва прокурорлар биргаликда ёрдам кўрсатади [17]. Гувоҳлар ва жабрланувчилар тергов ёки суд жараёнининг муайян босқичида психологик, ижтимоий ва молиявий ёрдам сўраб турли саволлар билан исталган вақтда ишонч телефонига мурожаат қилишлари мумкин.

Швейцарияда, 2007 йилдаги “Жиноят қурбонлари тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, жиноят қурбонларига зудлик билан ва узоқ муддатли юридик ёрдам махсус мустақил, давлат ёки хусусий маслаҳат муассасалари томонидан тақдим этилади. Ушбу тузилмалар, қоида тариқасида, психологлар билан яқин алоқада ишлайди, улар маълум бир гувоҳ,

жабрланувчи, уларнинг қариндошлари ва яқинлари учун қандай индивидуал ёндашув талаб қилиниши, шунингдек, уларнинг хавфсизлигига нисбатан адолат қилишда суд жараёнини бошқариш жараёнида юзага келадиган муаммоларни қандай ҳал қилиш бўйича тавсиялар беради.

Жиноят процесси соҳасидаги амалдаги хорижий давлат тажрибаси ва уларни қонунчилигини умумлаштириш ва таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, ҳимоя қилинадиган шахсларга нисбатан умумий қабул қилинган жиноят-процессуал ва бошқа хавфсизлик чоралари қуйидагилардан иборат:

- қурол ва якка тартибдаги махсус ҳимоя воситаларини бериш ва хавф ҳақида огоҳлантириш;
- хавфсизликни таъминловчи жойларга (шу жумладан, бошқа давлатга) вақтинча кўчириш;
- иш, хизмат ёки ўқиш жойини ўзгартириш; шахсий ҳимоя ва уйни муҳофаза қилиш;
- транспорт воситаларининг ҳужжатлари ва давлат рақамларини алмаштириш;
- шахсий ва биографик маълумотлар, шу жумладан қариндошлар тўғрисидаги маълумотларнинг ўзгариши; жарроҳлик билан юзни ниқоблаш ва ташқи кўринишини ўзгартириш;
- аудио, видеоёзув ёки телекоммуникация воситаларидан (шу жумладан овозни бузиш билан) ва бошқа муқобил усуллардан фойдаланган ҳолда далилларни тақдим этиш;
- суд мажлисида видеоконференцалоқадан фойдаланиш;
- гувоҳлар ва жабрланувчиларнинг шахси тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланишни чеклаш;
- гувоҳни судда номақбул маълумотлар ошкор этилишидан ҳимоя қилиш мақсадида дастлабки тергов жараёнида олинган кўрсатувлардан гувоҳни судга чақирмасдан фойдаланиш;
- суд муҳокамасининг бутун ёки унинг бир қисми давомида оммавий ахборот воситалари ва (ёки) жамоатчилик вакилларининг ҳозир бўлишини истисно қилиш ёки чеклаш;
- жиноят процессида гувоҳлар ва ёрдам берувчи шахсларни аниқлашнинг олдини олиш учун махсус воситалардан фойдаланиш (масалан, ҳимояланган шахсни яширадиган экранлар ва ширмалар, овозни бузадиган аудио қурилмалар акустик шовқини);
- судьялик ихтисослигини қўллаш;
-тезкор-қидирув бўлинмалари билан ҳамкорлик қилувчи шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаш [22].

Шу билан бирга, халқаро ҳуқуқ жиноят процесси иштирокчилари хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий механизми билан бевосита боғлиқ бўлган масалаларни тартибга солмайди ва уларни ҳал қилишни муайян давлатнинг миллий қонунчилиги доирасида қолдиради.

Жиноят судлови соҳасида шахс хавфсизлигини таъминлаш бўйича халқаро институтларни амалга ошириш жараёнида конституциявий назорат ва конституциявий одил судловнинг миллий институтлари фаол иштирок этишга чақирилади. Аксарият штатларда конституциявий суд процесслари жиноий судловни амалга ошириш фаолияти сифатида жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқларига риоя қилиш ва хавфсизлигини таъминлаш кафолати сифатида қаралади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилнинг фаолиятини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, фуқароларнинг мурожаатлари кўпинча жиноят иши бўйича судгача ва суд жараёнлари, шу жумладан жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ.

Жиноят процесси соҳасида Инсон ҳуқуқлари бўйича ихтисослаштирилган вакил институтини яратиш ва унинг Жиноят-процессуал кодексида жиноий процесс иштирокчиси сифатидаги ҳуқуқий мақомини белгилаш мақсадга мувофиқ кўринади. Бу Омбудсманни жиноят иши билан таништириш ва назорат инстанцияси судларига

аризалар билан мурожаат қилиш учун процессуал ваколатларни яратади [18].

Айни пайтда айрим хорижий мамлакатларда жиноят қурбонлари ҳуқуқлари бўйича ихтисослаштирилган вакил лавозими тақдим этилган. Шундай қилиб, Қўшма Штатларда бундай Комиссарнинг фаолияти Федерал қоидалар кодексининг 28-бўлими § 45.10 билан тартибга солинади. Польшада жиноят қурбонларининг манфаатларини умумий ваколат доирасида ҳимоя қилиш Фуқаролик ҳуқуқлари бўйича вакил ва болалар ҳуқуқлари бўйича вакилнинг саъй-ҳаракатлари билан амалга оширилади [19].

Шу муносабат билан, фикримизча, турли мамлакатлар олимлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари ходимларининг жиноят процесси иштирокчилари хавфсизлиги тўғрисидаги халқаро конвенцияни яратиш бўйича таклифлари айниқса долзарб бўлиб бормоқда.

Шундай қилиб, ривожланган хорижий давлатларнинг жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлашнинг универсал нормаларини шакллантиришга қаратилган умумий ҳуқуқий позициялари қонунчиликда ҳам, ҳуқуқни қўллаш амалиётида ҳам қўлланилиши керак.

**Иқтибослар/ Сноски/References:**


1. Piotr Bakowski. Witness protection programmes. EU experience in the international context//Library Briefing: Library of the European Parliament 28/01/2013. P. 5.
2. “Жабрланганларни жиноятлардан ҳимоя қилишни кучайтириш тўғрисида” Франция қонуни (1983);
3. Франция Жиноят-процессуал кодекси (1958);
4. Испаниянинг 23 йил 19/1994 декабрдаги “Жиноий ишлар бўйича гувоҳлар ва экспертларни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни;
5. Германия қонунлари “Бирлашиш тўғрисида” (2001);
6. “Жиноят процессида жабрланганларнинг ҳуқуқларини ислоҳ қилиш тўғрисида” (2004) Германия қонуни;
7. Германия Жиноят-процессуал кодекси (1993);
8. “Жиноий ҳаракатлар қурбонларига ёрдам бериш тўғрисида” Швейцария Федерал Қонуни (2011);
9. Швейцария Жиноят-процессуал кодекси (2007);
10. АҚШнинг “Гувоҳлар хавфсизлигини мустаҳкамлаш тўғрисида” Федерал қонунлари (1984);
11. “Жиноят қурбонларининг ҳуқуқлари тўғрисида” (2004);
12. “Гувоҳларни ҳимоя қилиш дастури тўғрисидаги қонун” (1996, Канада.);
13. Обеспечение безопасности осведомителей // Борьба с преступностью зарубежом. – М., 1994. - № 4. – С. 32-34.
14. Dildora, Umarkhanova. “INTERNATIONAL COOPERATION IN CRIMINAL MATTERS (BASED ON THE ANALYSIS OF GERMAN AND UZBEK LEGISLATION).” Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities 2.1.4 Legal sciences (2022).
15. Legge 13 febbraio 2001, n. 45 Modifica della disciplina della protezione e del trattamento sanzionatorio di coloro che collaborano con la giustizia nonche’ disposizioni a favore delle persone che prestano testimonianza. La Gazzetta Ufficiale della Repubblica Italiana n.58 del 10.03.2001 – Suppl. Ordinario n. 50.
16. Правовые основы государственной защиты участников уголовного судопроизводства / / URL: http://www.garant.ru/action/interview/10275/
17. No Witness. No Justice. Pilot Evaluation (NWNJ). Final report. 29 October 2004 // URL: http://www.cps.gov.uk/publications/docs/nwnj_pilot_evaluation_report_291004.pdf.
18. Мишин А.В. Охрана прав и обеспечение безопасности участников уголовного судопроизводства: учебное пособие. – Казань: Казан: гос. ун-т, 2010. С. 67-68 и др.
19. Правовая защита потерпевших в зарубежных странах: монография / В.Ю.Артемов, И.С. Власов, Н.А. Голованов (и др.); отв.ред. С.П. Кубанцев. – М: Институт законодательства

и сравнительного правоведения при правительстве Российской Федерации: ИНФРА – М, 2017. С. 151, 165.

20.Умарханова, Дилдора. “Особенности видеоконференцсвязи как формы взаимной правовой помощи по уголовным делам.” Общество и инновации 1.2 (2020): 291-299.

21.Ўзбекистон Республикасининг “Жабрланувчилар, гувоҳлар ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимояси тўғрисида”ги 14.01.2019 йилдаги ЎРҚ-515-сон Қонуни. // URL: https://lex.uz/docs/4159913.

22.United Nations Office on Drugs and Crime. Witness Protection, United Nations Office on Drugs and Crime, 2018 // URL: https://www.unodc.org/e4j/en/organized-crime/module-9/key-issues/witness-protection.html.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ
ВЕСТНИК ЮРИСТА
LAWYER HERALD

**БАРАКАЕВ Лазизжон Отақулович**
Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш
Академияси мустақил изланувчиси
E-mail: arakyevlazizjon08@gmail.com

## ТАФТИШ ТАЙИНЛАШ ВА ЎТКАЗИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ТАРТИБИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

**For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): БАРАКАЕВ Л.О.** Тафтиш тайинлаш ва ўтказишнинг процессуал тартиби ва уни такомиллаштириш масалалари // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 3 (2023) Б. 56-62.

doi 3 (2023) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2023-3-8

**АННОТАЦИЯ**

Ушбу мақолада тафтиш объекти, тафтиш тайинлаш тартиби ва усуллари, тафтишда йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш масалалари ҳамда тафтиш тайинловчи органлар тафтиш тайинлаш жараёнида эътибор бериши лозим бўлган талаблар ва тафтиш жараёнида амалга ошириладиган тадбирлар услубий, тактик аҳамияти муҳокама қилинган. Мақолада бундан ташқари, юридик ва жисмоний шахсларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини тафтиш қилишнинг асосий вазифалари, тафтиш ҳужжатларида йўл қўйиладиган асосий камчиликлар, бўшлиқлар санаб ўтилган ва уларни бартараф этиш масалалари баён қилинган.

**Калит сўзлар:** тафтиш объекти, тафтиш тайинловчи органлар, фактик тафтиш, тафтиш ўтказиш муддатлари.

---

**БАРАКАЕВ Лазизжон Отакулович**
Самостоятельный соискатель
Правоохранительной академии Республики Узбекистан
E-mail: barakyevlazizjon08@gmail.com

## ПОРЯДОК НАЗНАЧЕНИЯ И ПРОВЕДЕНИЯ РЕВИЗИЙ И ВОПРОСЫ ЕГО СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ

**АННОТАЦИЯ**

В данной статье рассматриваются объект ревизии, порядок и способы назначения ревизии, вопросы устранения ошибок и недостатков при их проведении, а также требование органов назначающих ревизию, мероприятий методологического и тактического значения, проводимых в с в связи с этим. Кроме того, в статье перечислены основные задачи ревизии финансово-хозяйственной деятельности юридических и физических лиц, основные недостатки и пробелы в её проведении, и вопросы их устранения.

**Ключевые слова:** объект ревизии, органы назначающие ревизию, ревизия фактов, сроки ревизии.

**BARAKAEV Lazizjon**
Independent researcher of the Law Enforcement Academy
of the Republic of Uzbekistan
E-mail: barakyevlazizjon08@gmail.com

## PROCEDURE FOR APPOINTING AND CARRYING OUT REVISION AND ISSUES OF ITS IMPROVEMENT

**ANNOTATION**

This article discusses the object of the revision, the procedure and methods for assigning the audit, the issues of eliminating errors and shortcomings during the revision, as well as the requirements that the authorities appointing the revision should pay attention to when appointing the audit, the methodological and tactical significance of the activities carried out during the revision. In addition, the article lists the main tasks of the revision of the financial and economic activities of legal entities and individuals, the main shortcomings and gaps in the provision of the revision, and the issues of their elimination.

**Keywords:** revision object, authorities appointing revisions, fact revision, revision deadlines.

---

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига 2016 йил 29 декабрда киритилган муҳим ўзгаришлардан бири бу мазкур кодекснинг “Тафтиш” деб номланган 22[1]-боб билан тўлдирилиши бўлди. Унга кўра, тафтиш терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахсининг, суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими асосида тайинланади.

Тафтиш – судгача бўлган босқичда ариза ва хабарларга таянган ҳолда иқтисодий жиноятларни аниқлаш ва унинг содир этилганлигини исботловчи далилларни топиш ҳамда текширишга қаратилган дастлабки текширишдир [1, Б.77].

Ушбу фикрга тўлиқ қўшилсак бўлади. Чунки ушбу тергов ҳаракати жиноят ишини қўзғатишдан олдин ўтказилиб, унга асос бўлиши мумкин ҳисобланади.

Тафтишда йўл қўйилган хато ва камчиликларни бошқа ҳаракатлар билан аниқлаш жуда ҳам мураккаб, чунки у иқтисодий ҳолатга оид барча маълумотларни комплекс текширишни назарда тутади. Экспертиза эса берилган саволларни аниқлаштиришга қаратилган бўлади. Шу боис тафтишни тайинлашда жиноятларнинг латент бўлиб қолиб кетишини, текширишни бир томонлама ўтказишнинг олдини олиш талаб қилинади.

Тафтиш жиноят ишини қўзғатишдан олдин ҳам, кейин ҳам тайинланиши мумкин, лекин тадбиркорлик субъекти бундан мустасно. Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, тадбиркорлик субъектини тафтиш қилишга фақат қўзғатилган жиноят иши бўйича амалга оширишга йўл қўйилади. Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳолатлар унга нисбатан жиноят ишини қўзғатишга фақат Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорларининг ёхуд Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки унинг ўринбосарининг розилиги билан рухсат этилади [2, Б.1].

Қўзғатилган жиноят иши юзасидан тафтиш ўтказилганда жиноят иши билан боғлиқ фаолият ва шу жараёндаги ҳаракатлар текширилади холос [3, Б.100].

Ушбу фикр ЖПКда ўз аксини топган бўлса ва амалиётда риоя қилиниши талаб қилинсада, амалда тафтишчи мутахассис хохлаган муддатини олиб текшириш ўтказади, бу эса амалиётда муҳим хатолардан бири саналади.

Айрим адабиётларда баён қилинишича, тадқиқотлар ўтказиш жараёнида тафтиш ўтказувчи шахс фактик назорат усулларини (кўздан кечириш, хатлов, амалга оширилган ишларни ҳисоблаш) фақатгина терговчи ва судьянинг рухсати билангина амалга оширади [4, Б.17]. Тафтишчи ҳар қандай ҳаракатни тафтиш тайинловчи шахс билан маслаҳатлашган ҳолда унинг рухсати билан амалга ошириши талаб қилинади. Экспертдан фарқли равишда тафтишчида ташаббус ҳуқуқи мавжуд бўлмайди.

Тафтиш ҳамма ҳужжатларни текшириш, сўнгра бир хулосага келиш ва далолатнома тузишни тақозо қиладиган ҳаракат саналади. Шу сабабли тажрибали суриштирувчи, терговчи, судьялар жиноят иши қўзғатилишидан олдин иқтисодий жиноят содир этилган деган тахмин остида тафтиш тайинлашади.

Судгача бўлган босқичдаги текширишлар ўзида жиноят аломатларини тўлиқ акс эттириши талаб қилинади. Шу ҳолатларни инобатга олиб терговчилар жиноят ишини қўзғатишдан олдин тафтиш тайинланаши ва ўтказилиши талаб қилинади, чунки тафтиш якунлари бўйичагина ҳаракатларни жиноят аломатлари борлигини аниқлаш ва ҳолатга тўғри баҳо бериш мумкин бўлади.

Тафтиш тайинловчи органларнинг тафтишнинг текшириш тизими ҳақидаги билимлари етарли бўлмаганлиги боис унинг имкониятларидан жиноятларни тергов қилиш жараёнида тўлиқ ҳажмда фойдалана ололмайди [5, Б.60].

Тафтишни ваколатли орган тайинлайди, тафтиш ўтказувчи ташкилот раҳбари эса унинг топшириғига асосан ҳаракат қилади. Терговчи билан тафтиш ўтказувчи шахс ўртасида жиноят-процессуал муносабатлар юзага келади, тафтиш ўтказувчи мутахассис терговчи топшириқларига (тафтиш ўтказувчи ташкилот раҳбарининг эмас) кўра фаолият юритади. Бу ҳолатда маъмурий тегишлилик билан жиноят-процессуал муносабатларни бир-биридан фарқлаш талаб қилинади.

Агар жиноят иши юзасидан тафтиш тайинланадиган бўлса, уни тайинлаш ваколатига эга бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ёки суд томонидан тафтиш доираси ва у доирасида аниқланадиган масалаларни белгилайди.

Тафтиш **объекти** – текширилаётган ташкилотнинг бухгалтерлик ва бошқа ҳисоб ҳужжатлари ҳисобланади. Тафтишни ўтказиш жараёнида тафтиш ўтказувчи мутахассислар тадқиқот объектларидан ташқари жиноят иши материаллари билан ҳам танишиши мумкин, чунки бу ҳолатда жиноят ишига алоқадор маълумотларни жиноят иши материалларидан олиш имконияти пайдо бўлади.

Жиноят иши билан боғлиқ бўлмаган тафтишда мутахассис текширилаётган, уни тайинлаган ташкилот раҳбари, бухгалтер билан ҳамкорлик қилади, жиноят иши бўйича эса ушбу шахслар билан муносабати ўзгаради, яъни энди у ташкилотдаги ноқонуний ҳолатларни аниқлашга қаратади. Ушбу ҳолатда тафтиш тайинлаган шахс мутахассисга топшириқлар бериб туради. Ҳар қандай тафтиш жараёнида уни ким тайинлаганидан қатъи назар, мутахассис ҳужжатдаги шаклан ва мазмунан ўзгартиришларни уларни кўздан кечириш усулларини қўллаш орқали аниқлайди.

Тафтишни тайинлаш усулига қараб қуйидаги тоифаларга ажратиш мумкин:

1) тафтиш ўтказилиши режалаштирилган ташкилотга бевосита талабларни юбориш орқали;

2) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг талабларини бевосита бажариш орқали.

Тафтиш ташкилот молия-хўжалик фаолиятининг ҳамма йўналишларини қамраб олади. Тафтиш молия интизомига риоя қилинганлиги бухгалтерлик ҳисобининг тўғри юритилганлиги ҳамда ҳисоботларнинг тўғри тузилганлигини текширишга хизмат қилади.

Тафтиш ўтказиш жараёнида текширувчилар ҳужжатларда ва фактик жиҳатдан текширилаётган ташкилот томонидан пул воситалари, қимматбаҳо қоғозлар, кредит ва ҳисоб операцияларининг, бюджет ва бюджетдан ташқари фондлардаги ҳисоботларнинг тўғри юритилганлигига ишонч ҳосил қилиши талаб қилинади.

Бюджет ташкилотларида бюджет воситаларини мақсадли ишлатилишига эътибор қаратиш алоҳида аҳамият касб этади. Ташкилот томонидан давлат бюджетдан ташқари маблағларини тўғри шакллантириш ва сарфланиши текширилиши лозим.

Жиноят иши юзасидан тафтиш тайинловчи шахс ўз раҳбарига тафтиш ўтказишга эҳтиёж борлиги бўйича қуйидаги масалаларни кўрсатган ҳолда билдирги бериши мақсадга мувофиқ: воситалар ва жалб қилинганлар нисбати; текширилаётган ташкилот ва унинг филиаллари ҳақида, ушбу ташкилот жойлашган жой, унинг раҳбари, бош бухгалтер ҳақида маълумот; текширилаётган ташкилотга нисбатан қўлланилган тезкор-қидирув ҳаракатлари; бирламчи ҳужжатлар, молия-хўжалик фаолиятга бағишланган ҳужжатлар

ҳамда жиноят аломатлари мавжуд ҳолатлар баён қилинади; ҳолатга тафтиш тайинлаган шахснинг баҳоси, унинг малакаси, етказилган тахминий зарар миқдори [6, Б.96-97].

Айрим ҳолатларда тафтиш тайинлаш жараёнида тафтишга бошқа мутахассис (масалан, дастурчи, таржимон, ҳужжатлар бўйича мутахассис ва б.қ.) ҳам жалб қилиниши мумкин. Ушбу шахслар жиноят ишининг боришини таъминлаш мақсадида фаолият юритсада, асосий масалани ҳал этиш тафтишчи мутахассис зиммасида бўлади.

Жиноят иши қўзғатилгандан кейин тайинланган тафтишлар ҳам жуда самарали натижалар беради ёки қўшимча, қайта тайинланган тафтишлар ҳам йўл қўйилган камчиликларни айнан жиноят иши қўзғатилгандан кейин аниқлаш ва бартараф этиш имконини беради.

Тафтиш ўтказиш чоғида тафтишни тайинлаш тўғрисидаги қарорда ёки ажримда кўрсатилмаган масалани кўрилиши тақиқланади. Тафтиш ўтказилаётган ташкилотлар тафтишни тайинлаш тўғрисидаги қарор ёки ажрим олинган пайтдан эътиборан буйруқ чиқариши мақсадга мувофиқ. Чунки тафтишчига ишлаши учун ҳамма шароит яратиб берилиши ва уларни ташкилотдаги ходимлар таниб унга қаршилик кўрсатмаслигини таъминлаш зарур.

Тафтиш тайинлаш тезкорликни талаб этади. Чунки ташкилотда камчиликлар аниқланиши бошлангандан бошлаб ҳужжатлардаги ноқонуний ҳолатларни йўқотишга ҳаракат қилинади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига кўра тафтиш муддати 30 календарь кунидан иборат ҳисобланади. Шу сабабли натижани сифатли бўлиши учун ушбу жараённи тезкорлик билан ташкил қилиш талаб қилинади.

Жиноят иши юзасидан тайинланадиган тафтиш иқтисодий фаолиятда ўтказиладиган тафтишдан фарқ қилиб, ушбу фарқ жиноят ишини қўзғатишга сабаб бўладиган ҳолатлар мавжуд ёки йўқлиги юзасидан амалга оширилишида намоён бўлади.

Жиноят ишини қўзғатиш босқичида тафтиш тайинлаш учун асослар жумласига қуйидагилар киради: ариза ва хабарларни текшириш жараёнида аниқланган иқтисодий жиноятлар, мулкни ўзлаштирилганлик ҳақидаги фактик маълумотларнинг мавжудлиги; моддий жавобгар ёки мансабдор шахснинг моддий қийматликларни, пул воситаларини ўзлаштириш, растрата жинояти устида ушланиши; жиноят содир этганлиги ҳақидаги маълумот етиб келган шахснинг кўрсатувлари; олдинги ўтказилган тафтишларнинг сифатининг пастлиги, маълумотлари ўртасидаги зиддиятлар мавжудлиги, олдига қўйилган саволларга тўлиқ жавоб бермаганлиги; камомад ва ортиқча сумманинг юзага келишининг сабаблари ва вақтини аниқлаш эҳтиёжи бўлганда; текширилаётган шахснинг бошқа ташкилотлар билан жиноий алоқаларини аниқлаш [7, Б.103].

Тафтиш тайинловчи органлар тафтиш тайинлаш жараёнида қуйидагиларга эътибор бериши талаб қилинади: тафтишчи ўзи ўтказаётган молиявий, иқтисодий, тадбиркорлик, бухгалтерлик, савдо, хизмат кўрсатиш соҳаларида пухта билимга эга бўлган ўз соҳасини пухта билиши; ишдан манфаатдор бўлмаслиги, қариндоши масалалари кўрилаётган мутахассисларни ишга жалб қилмаслиги; иш ҳажми, бир неча бор текширилаётган ташкилотларнинг бир-биридан алоҳида узоқ ҳудудларда жойлашганда бир неча мутахассисни жалб қилиш, текшириш бир неча соҳа мутахассиси фаолиятини талаб қилганда, уларни ўз вақтида жалб қилиш; соҳа мутахассисларини тўғри танлай олиш ва уларга бериладиган ойдинлаштиришга қаратилган саволларни, вазифаларни тўғри тақсимлаш ва мақсадни тўғри тушунтира олиш; тафтишчининг тафтиш ўтказиш бўйича малакаси, қобилияти, мутахассислиги, қандай мураккаб ишларда ишлаганлиги, олдинги ишларида амалга оширган хатоликлари билиши; тафтиш ўтказиш учун белгиланган муддатда зарур ҳаракатларни амалга оширишга улгуриши.

Тафтиш тайинлаш жараёнида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан қуйидаги ҳаракатлар кетма-кетлигида ташкилий-тактик тадбирларни амалга ошириш лозим ҳисобланади: бухгалтерлик ҳисоби, ҳисоботлар юритишга оид норматив ҳужжатлар билан танишиш; бухгалтерлик ҳужжатлари, қоралама ҳужжатларни олиб қўйиш; текширишга олинган ҳужжатларни кўздан кечириш, ҳаракатлар кетма-кетлигини ўрганиш, ҳужжатлардан

нусхалар олиш, уларни сақлаб қолиш чораларини кўриш; текширилаётан ташкилот ёки унга тегишли бўлган филиаллар жойлашган жойлар тезкор-қидирув ходимлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш; жиноят содир этилган вазият, олдин ўтказилган инвентаризация ҳужжатлари билан моддий қийматликларни сақлаш шартлари билан танишиш, мулкни ўзлаштириш ҳаракатлари содир этилган вақтни аниқлашга ҳаракат қилиш; гумон қилинувчи ҳақидаги маълумотларни ўрганиш (мансаби, ташкилот билан моддий жавобгарлик ҳақидаги ҳужжатларининг мавжудлиги, иш стажи, текширилаётган шахслар томонидан олдин ҳам суиистеъмоллик ҳолатлари бўлганлиги факти, оилавий аҳволи, моддий шароити); маъмурий ва назорат органлари томонидан қонунбузарликларни аниқлаш мақсадида қандай ҳаракатлар қилинганлиги; текширилаётган шахсларнинг муқаддам судланганлиги, ишончни суистеъмол қилганлиги учун ишдан ҳайдалганлик ҳолатлари текширилади.

Тафтиш жараёнида амалга ошириладиган тадбирлар услубий, тактик аҳамиятга эга ҳисобланади, чунки суриштирувчи, терговчи тафтиш тайинлаш, жиноят ҳолатини аниқлаш учун ўз вақтида ва сифатли бухгалтерлик ҳамда бошқа ҳужжатларни йиғиши; тафтиш жараёнида амалга ошириш лозим бўлган ҳаракатлар кетма-кетлигини белгилаши; ўзини қизиқтирган саволларга жавоб олиши лозим бўлган шахслар доирасини белгилаши лозим [8, Б.236].

Юридик ва жисмоний шахсларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини тафтиш қилишнинг асосий вазифаси бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: амалга ошираётган фаолият ташкилотнинг таъсис ҳужжатларига тўғри келиши; даромадлар ва харажатлар сметасидаги ҳисобларнинг асосланганлиги; сметадаги харажатларнинг тўғри сарфланганлиги; бюджет воситаларнинг мақсадли ишлатилганлиги; моддий қийматликларнинг ва пул воситаларининг хавфсизлиги таъминланганлиги; бюджетдан ташқари бўлган давлат харажатлари асослилиги; молия тартибига риоя қилинганлиги; қимматли қоғозлар ва пул воситалари, кредит операцияларининг асосланганлиги; бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш ва юритиш тўғрилиги; бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар ҳисобининг тўлиқ ва ўз вақтида юритилиши; номоддий активлар билан операциялар; инвестициялар билан боғлиқ операциялар; жисмоний шахслар томонидан меҳнатга ҳақ тўлаш ва бошқа харажатлар; кундалик фаолият жараёнида қилинган харажатлар асосланганлиги; молиявий ютуқларнинг шаклланишининг асослилиги ва уларнинг тўғри тақсимланганлиги [9, Б.633].

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, тафтиш ўтказишда кутилаётган вазифалар жиноят иши материалларидан, ташкилотнинг фаолият турларидан келиб чиқади.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор, судьянинг тафтиш тайинлаш жараёнида вазифаларни ҳал қилишга қаратилган ҳужжатли асослантирилган қуйидаги саволларга жавобларни талаб қилади: нима бузилган (қонун, буйруқ, қарор, йўриқнома ҳамда қайси қисми бузилганлиги); ким бузган (кимнинг талаби билан қилинган); ҳуқуқбузарлик содир этилиш вақти; ҳуқуқбузарлик бажарилиш усули; етказилган зарар миқдори, камомад; ҳуқуқбузарлик содир этилишига сабаб бўлган сабаб ва шарт-шароитлар [10, Б.108].

Жиноят юзасидан аниқланган маълумотларни таҳлил қилиш, унинг содир этилиш сабаб ва шароитларини аниқлаш орқали ушбу ҳаракатларнинг кейинги ривожини ҳам кўриш мумкин бўлади. Прогнозлаштириш ушбу ҳолатларда суриштирувчи, терговчи, судьянинг самарали профилактик воситаларни қўллаш имкониятини беради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, тафтиш жараёнида тафтишчи олдида қуйидаги жиноят сабаб ва шарт-шароитларига алоқадор саволлар қўйиш мақсадга мувофиқ: махсус билимлардан келиб чиқиб, жиноят юзасидан фактларнинг юзага келиш сабаб ва шароитларини аниқлашга; ҳаракатлар ва оқибат ўртасида боғлиқликни аниқлаш, уларнинг ваколат доирасига кирадиган ҳаракат бор ёки йўқлигини белгилаш; жиноятни содир этилишига асос бўлган аниқ ҳолатлар, ҳужжатлардаги камчиликлар; қонун, қоunosти ҳужжатлари талабларининг бажарилмаганлиги натижасида юзага келган оқибат.

Агарда терговчи, жиноятни содир этилиш шароитларини қарорда савол сифатида қўймас экан, тафтишчи ушбу ҳолатга ўзининг ташаббусидан келиб чиқиб жавоб бериши талаб қилинади [11, Б.20].

Тафтиш тайинлашда унинг қайси турини қўллаш масаласига эътибор бериш талаб қилинади. Масалан, одатий тафтиш олдида маълум бир мақсад қўйилади, яъни улар

бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисоботларни тўғрилигини текширишга қаратилган бўлади. Шу сабабли мақсадли йўналтирилганлик ушбу тафтишнинг асосий жиҳати ҳисобланмайди.

Тафтиш жиноят ишининг қайси босқичида ўтказилишига қараб жиноят иши қўзғатилгунча, дастлабки тергов ва суд босқичида ўтказиладиган тафтишларга бўлинади.

Бундан ташқари, тафтишни ўтказувчи органларга қараб, ички идоравий, муассасадан ташқари, ички хўжалик тафтиш турлари мавжуд. Ички идоравий тафтиш – текширилувчи ташкилотнинг юқори турувчи ташкилоти томонидан ўтказиладиган тафтиш. Агарда иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи ташкилот таркибида тафтишчи, тафтиш комиссияси фаолият юритса, ҳамда ушбу ташкилотнинг раҳбари ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиувчи орган топшириғи билан ўтказиладиган тафтиш ички хўжалик тафтиши ҳисобланади. Муассасадан ташқари тафтиш эса махсус жиноят ишлари юзасидан тайинладиган махсус органлар томонидан ўтказиладиган тафтиш ҳисобланади.

Тафтишнинг муассасадан ташқарида ўтказиладиган турида мутахассислар ташқаридан тайинланганлиги ва ходимлар билан алоқаси бўлмаганлиги учун ушбу тафтишнинг сифати яхшироқ бўлади [12, Б.162].

Тафтишни тайинлаш вақтига қараб текширишлар режали ва режасиз бўлиши мумкин. Режали текшириш – текшириш ваколати берилган ташкилот раҳбари томонидан ёки назорат органи томонидан режалаштирилган ва белгиланган вақтга мувофиқлаштириш режаси асосида ўтказиладиган тафтишдир [13, Б.274]. Режадан ташқари текшириш – юқори турувчи ташкилот раҳбарига қуйи турувчи ташкилотнинг молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ қонунчилик бузилишлари ҳолати ҳақида маълумот келиб тушганда ўтказиладиган ёки суд-тергов органларининг топшириғига кўра ўтказиладаган тафтишлар ҳисобланади [14, Б.71].

Текширилаётган фаолият ҳажмига кўра тафтиш тўлиқ ва қисман бўлиши мумкин. Тўлиқ тафтиш – текширилаётган ташкилот молия-хўжалик фаолиятининг ҳамма жиҳатларини қамраб олади. Ушбу тафтишда теширишиқтисодий фаолиятнинг барча турлари қўлланилиниб текширилади.

Қисман тафтиш – текширилаётган ташкилотнинг маълум бир соҳаларини ёки алоҳида хўжалик операцияларини текширишга қаратилган бўлади [15, Б.13].

Тафтиш жараёнидаги текшириш ҳаракатлари муттасил ва танлов асосида ўтказиладиган турларга бўлинади. Танлов асосида ўтказиладиган тафтиш муттасил ўтказилган тафтишлардан асосий фарқи, барча ҳисоб-китоб, бухгалтерлик ҳужжатлари эмас, балки фақат уларнинг айримларинигина ажратиб олиб текширилишини назарда тутади [16, Б.120].

Тафтиш ким томонидан ўтказилишига қараб, тафтишчи бўлган мутахассис ёки бухгалтерлик ҳисоби соҳасида махсус билимга эга бўлган шахсларга бўлинади.

Адабиётларда тафтишнинг фактик, ҳужжатли, аралаш турлари мавжудлиги баён қилинган. Фактик тафтишда объектни ўз ҳолича кўздан кечириш, ҳужжатли ҳужжатлардаги маълумотларга қараб, аралаш, фактик ва ҳужжатли текширишларининг бирикмасидан пайдо бўлади [17, Б. 100].

Айрим манбаларда текшириш йўналиши ҳамда текшириш учун мўлжалланган саволларга қараб тафтишни оралиқ, комплекс, тематик тафтишларга бўлишни тавсия қилишган [18, Б.19].

Амалиёт таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, кўп ҳолатларда тафтиш ҳужжатларида қуйидаги асосий камчиликлар, бўшлиқларга йўл қўйилади: тафтиш ўтказилиш муддати кўрсатилмайди, саволлар тўғри шакллантирилмайди, улар ҳолатни тўлиқ баҳолашга қаратилмайди, тафтиш ўтказувчи орган ўз ташаббуси билан саволларни тўлдирмайди, текширилувчи ташкилотлар доираси аниқ кўрсатилмайди.

Яна бир муҳим масала тафтиш ўтказган мутахассисни сўроқ қилиш масаласи ҳисобланади.

ЖПКда тафтиш ўтказган мутахассисни сўроқ қилишга бағишланган модда акс эттирилмаганлиги сабабли, қонунга қуйидаги мазмунда $187^{12}$-модда киритиш таклиф қилинади:

“$187^{12}$-модда. Тафтиш ўтказувчи мутахассисни сўроқ қилиш

Мутахассис далолатномаси етарли даражада аниқ бўлмай, камчиликларини тўлдириш учун қўшимча текшириш ўтказишга зарурат бўлмаса ёки мутахассис фойдаланган усулларга аниқлик киритиш зарур бўлиб қолса, суриштирувчи, терговчи ёки суд мутахассисни ушбу Кодекснинг 98-108-моддаларида назарда тутилган қоидаларга риоя этган ҳолда сўроқ қилиш ҳуқуқига эга.

Мутахассис фақат ўзи берган далолатнома ва шахсан ўтказган текширувлари юзасидан сўроқ қилиниши мумкин.

Мутахассисни у далолатнома бергунига қадар сўроқ қилиш тақиқланади".

Шундагина мутахасис тафтишчи берган далолатномани янада яхши тушуниш ва ёлғон берган далолатномаси учун жавобгарлик белгилаш имконияти пайдо бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, кўрсатиб ўтилган ҳолатларнинг эътиборга олиниши тафтишдан кўзланган мақсадга эришиш ва унинг самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади.

**Иқтибослар/Сноски/References:**


1. Лазарев Е.В. Подготовка, назначение и производство ревизий и судебно-бухгалтерских экспертиз при расследовании преступлений в сфере экономики. Дис. ...док. юрид. Наук. – Екатеринбург, 2009. – С. 77.
2. "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 2-модда. 2-банди. 20.07.2018 й. ЎРҚ-485. 1- б.
3. Шапиро Л.Г., Степанов В.В. Специальные знания в уголовном судопроизводстве. – М.: Юрлитинформ, 2008. – С. 100.
4. Шадрин В.В. Аудит, ревизия и экспертиза в условиях действия Уголовно-процессуального кодекса РФ // Современное право. – Москва, 2002. – № 10. – С. 17.
5. Степанов В.В. Шапиро Л.Г. Использование документальных проверок и ревизий при возбуждении уголовных дел // Уголовный процесс. – Москва, 2006. – № 11. – С. 60.
6. Лазарев Е.В. Подготовка, назначение и производство ревизий и судебно-бухгалтерских экспертиз при расследовании преступлений в сфере экономики. Диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – Екатеренбург, 2009. – С. 96-97.
7. Шадрин В.В., Шадрин К.В., Мусин Э.Ф. Ревизия по требованию правоохранительных органов при расследовании уголовных дел. – М.: Юрлитинформ, 2004. – С. 103.
8. Еремин С.Г. Организация документальной ревизии и аудиторской проверки по требованию правоохранительных органов для выявления обстоятельств преступлений // «Черные дыры» в Российском законодательстве. – 2006. – № 2. – С. 236.
9. Румянцева Е.Е. Новая экономическая энциклопедия. – М. Инфра-М, 2005. – С. 633.
10. Шадрин В.В., Шадрин К.В., Мусин Э.Ф. Ревизия по требованию правоохранительных органов при расследовании уголовных дел. 2004. – С. 108.
11. Гаджиев Н.Г. Гаджикасумов С.Ф. Использование специальных познаний аудитора в судебно-следственной практике // Российская юстиция. – 1997. – № 5. – С. 20.
12. Дубоносов Е.С. Судебная бухгалтерия: учебно-практическое пособие. – М.: Книжный мир, 2007. – С. 162.
13. Голубятников С.П., Тимченко В.А. Реализация защитных функций бухгалтерского учёта при осуществлении финансового контроля // Судебная бухгалтерия: учебник / под ред. СП. Голубятникова. – М.: Юридическая литература, 1998. – С. 274.
14. М.В. Мельник. Контроль и ревизия: учебник для среднего профессионального образования. Финансовая академия при Правительстве РФ. – М.: Экономисть, 2007. – С. 71.
15. Рябчиков М,П.Контроль финансово-хозяйственной деятельности на промышленных предприятиях. - М.: Финансы и статистика, 1989, – С. 13.
16. Голубятников СП., Леханова Е.С Судебная бухгалтерия: учебное пособие. – М.: ИМЦ ГУК МВД России, 2002. – С. 120.
17. Белов Н.Г. Контроль и ревизия в сельском хозяйстве: учебник. – М., 2005. – С. 100.
18. Степанов М.В. Ревизия как основной метод финансового контроля и ведущая форма деятельности Счетной палаты РФ // Современное право. – 2004. – №7. – С.19.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ
ВЕСТНИК ЮРИСТА
LAWYER HERALD

**ИМОМНАЗАРОВ Алишер Хасанович**
Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш
Академияси мустақил изланувчиси
E-mail: i.alisher1982@mail.ru

# КЎЗДАН КЕЧИРИШ ТЕРГОВ ҲАРАКАТИНИ ЎТКАЗИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ЖИҲАТЛАРИ

**For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): ИМОМНАЗАРОВ А.Х.** Кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказишнинг процессуал жиҳатлари // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 3 (2023) Б. 63-77.

3 (2023) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2023-3-9

**АННОТАЦИЯ**

Мақолада кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказишда юзага келадиган хато ва камчиликлар баён қилинган, ҳамда, уларни бартараф этиш юзасидан амалга ошириш лозим бўлган ҳаракатлар, кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказишни такомиллаштириш масалалари изоҳланган. Бундан ташқари, рақамли далилларни кўздан кечириш тартибини Жиноят-процессуал кодексига киритиш афзалликлари, дипломатик ваколатхоналарни кўздан кечириш тартиби бўйича таклифлар билдирилган, кўздан кечиришга тайёргарлик босқичида эътибор қаратилиши лозим бўлган ҳаракатлар кетма кетлиги баён қилинган.

**Калит сўзлар:** кўздан кечириш, кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказиш, кўздан кечириш баённомаси, кўздан кечириш босқичлари, видеоёзув, кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказишдаги хато ва камчиликлар.

---

# ПРОЦЕССУАЛЬНЫЕ АСПЕКТЫ ПРОВЕДЕНИЯ СЛЕДСТВЕННОГО ОСМОТРА

**ИМОМНАЗАРОВ Алишер**
Самостоятельный соискатель
Правоохранительной академии Республики Узбекистан
E-mail: i.alisher1982@mail.ru

**АННОТАЦИЯ**

В статье описаны ошибки и недостатки, возникающие при проведении осмотра, действия, которые необходимо предпринять для их устранения и и её вопросы совершенствования. Описаны преимущества включения процедуры проверки цифровых доказательств в УПК РУз, предложена процедура осмотра дипломатических представительств и последовательность действий, на которую следует обратить внимание на этапе подготовки осмотра.

**Ключевые слова:** осмотр, проведение осмотра, протокол осмотра, стадии осмотра, видеозапись, ошибки и недостатки при проведении осмотра.

## PROCEDURAL ASPECTS OF THE INVESTIGATORY ACTION INSPECTION

**IMAMNAZAROV Alisher**
Independent researcher of the Law Enforcement Academy
of the Republic of Uzbekistan
E-mail: i.alisher1982@mail.ru

**ANNOTATION**

The article describes the errors and shortcomings that occur during the inspection investigation, the actions to be taken to eliminate them, and the issues of improving the inspection investigation. In addition, the advantages of including the procedure for verifying digital evidence in the Code of Criminal Procedure of the Republic of Uzbekistan are described a procedure for inspecting diplomatic missions and a sequence of actions that should be paid attention to at the stage of preparing the inspection are proposed.

**Keywords:** inspection, conducting an inspection, inspection protocol, stages of inspection, video recording, errors and shortcomings during the inspection.



Кўздан кечириш тергов ҳаракати маълум бир тартибда амалга оширилишини талаб қилади. Жиноят-процессуал кодекси эса ушбу тартибни белгилаб берувчи асосий норматив ҳужжат ҳисобланади.

Кўздан кечириш тергов ҳаракати маълум бир аниқ вазифаларни кўзлайди, улар:

– мумкин бўлган гувоҳлар ва шоҳидларни аниқлаш;

– "жиноятга алоқадор шахслар ва улар фойдаланаётган асбоблар ва транспорт воситаларидан қолиши мумкин бўлган изларни аниқлаш ва ҳ.к" [1, Б.4].

Ушбу ва бошқа вазифаларни ҳал қилиш Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг талабларини бажаришга ёрдам беради:

- ҳодисанинг жиноий характерга эга эканлигини аниқлаш;

- бу қандай шароитда содир бўлганлигини (вақт, жой, усул, етказилган зарарнинг хусусиятлари) аниқлаш;

- айбдорларни ва уларнинг ҳаракат мотивларини аниқлаш;

- жиноят содир этилишига сабаб бўлган сабаблар тўғрисида маълумот олиш.

Кўздан кечириш универсал тергов ҳаракатларидан бири саналади. Чунки ушбу тергов ҳаракати жиноят ишини қўзғатишдан олдин, кейин ва суд тергови босқичида ҳам ўтказилиши мумкин бўлган, далилларни тўплаш, текшириш учун ҳам хизмат қиладиган, асосий далилларни тўплаш усули ҳисобланади.

Кўздан кечириш амалдаги Жиноят-процессуал кодексида 68 марта ишлатилган. Демакки, кўпгина моддалар айнан шу тергов ҳаракати, унинг қўлланилишига бағишланган ҳисобанади.

"ЖПКнинг "Далилларни бевосита ва оғзаки усулда текшириш" деб номланган 26-моддасига асосан, суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд томонидан далилларни бевосита текширишлари бошқа тергов ҳаракатлари баробарида ашёвий далилларни кўздан кечириш орқали амалга оширилади" [2, Б.5].

ЖПКнинг 87-моддасига асосан, далилларни тўплаш бошқа тергов ҳаракатлари баробарида кўздан кечириш йўли билан ҳам амалга оширилади.

Давлат сирлари бўлган ҳужжатлар ёки нарсаларни кўздан кечириш фақат суриштирувчи ёки терговчининг прокурор санкция берган қарори ёки суд ажрими асосида амалга оширилади. Ушбу нормадан кўриш мумкинки кўздан кечириш тергов ҳаракатида ҳам санкция асосида ўтказиладиган турлари мавжуд.

Ўта оғир жиноятлар бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш видеоёзув орқали қайд этилиши шарт ҳисобанади (ЖПКнинг 91-моддаси). Фикримизча, оғир жиноятлар бўйича ҳодиса жойини кўздан кечириш ҳамда рақамли далилларни ташувчи воситаларни кўздан кечириш жараёнида ҳам видеоёзувдан фойдаланиш мақсадга

мувофиқ ҳисобланади. Ушбу таклиф орқали ЖПКнинг ушбу нормаси такомиллашиши ва ҳолатни баҳолаш имконияти янада осонлашган бўларди.

Бундан ташқари ЖПКнинг “Далилларни қайд этишда ёрдамчи усуллар. Баённомага иловалар” деб номланувчи 91-моддасида процессуал ҳаракатлар видеоёзув орқали қайд этилиши шарт бўлган ҳолатлар жумласига **рақамли маълумотларни кўздан кечириш жараёнини** ҳам киритиш таклиф қилинади.

ЖПКнинг 16-боби бевосита кўздан кечириш тергов ҳаракатига бағишланган қисми ҳисобланади. “Кўздан кечириш тергов ҳаракати сифатида Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 135-141- моддалари билан тартибга солинади” [3, Б.75].

Кўздан кечириш оғзаки бўлмаган тергов ҳаракатлари тоифасига киради. Шунинг учун кўздан кечиришга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тергов жараёнида кўрсатилган ҳаракатлар гуруҳини тактик ва техник қўллаб қувватлашнинг умумий тамойилларига таяниши лозим. Шу билан бирга, кўздан кечириш тактикаси ва технологияси фақат шу ҳаракатга хос бўлган ўзгача хусусиятларга эга эканлигини унутмаслик керак.

Жиноят процессуал кодексининг 135-моддаси кўздан кечириш асосларига бағишланган бўлиб, унда кўздан кечиришнинг ҳодиса содир бўлган жой, мурда, ҳайвонлар, теварак-атроф, бинолар, нарсалар ва ҳужжатларни кўздан кечириш каби турлари борлиги изоҳланган.

Инсон баданини кўздан кечириш эса гувоҳлантириш ёки экспертиза ўтказиш қоидаларига асосланган ҳолда ўтказилиши талаб қилинади.

Кўздан кечириш объектларидан бири почта-телеграф жўнатмаларини кўздан кечириш бўлиб ЖПКнинг 167-моддасида ўз аксини топган.

Унга кўра, суриштирувчи ёки терговчи алоқа муассасасига бориб, ушланган почта-телеграф жўнатмаларини кўздан кечириши мумкин бўлади. Унда албатта холислар иштироки талаб қилинади. Жўнатмаларни очишда ёки кўздан кечиришда махсус билим эгаларига сезилганда эса, тегишли мутахассис иштирокида кўздан кечиради.

Жиноят ишига алоқадор бўлган маълумот, ҳужжат, нарсалар топилган кўздан кечирилаётган почта-телеграф жўнатмалари ёки олиб қўйилади ёки ундан нусха олинади. Ушланган жўнатмалар кўздан кечирилган тақдирда баённома тузилади. Баённома ўзида қуйидаги маълумотларни акс эттириши лозим ҳисобланади:

- қайси турдаги почта-телеграф жўнатмаси кўздан кечирилганлиги;
- нималар олинганлиги ёки эгаларига юборилганлиги;
- нималар вақтинча ушлаб қолинганлиги, уларнинг сабаблари;
- уларнинг қайси биридан нусхалар олинганлиги.

Кўздан кечириш жараёнида қуйидагиларга эътибор қаратилиши талаб қилинади:

- кўздан кечириш холислар иштирокида ўтказилиши шарт;
- суднинг кўздан кечириши ажрими асосида ҳамда тарафлар иштирокида ўтказади;
- зарур ҳолларда кўздан кечириш пайтида ўлчовлар ўтказалиши, фотосурат, кинотасвир, видеоёзув каби техник усуллардан фойдаланилади, режалар, схемалар, чизмалар тузилади, излардан эса қолиплар ҳамда нусхалар олинади;
- кўздан кечиришда жиноятга алоқадор деб топилган нарсалар холислар, тарафлар ва кўздан кечиришнинг бошқа иштирокчиларига кўрсатилиши лозим. Демакки, ушбу норма суриштирувчи ва терговчи олдида ушбу нарсаларни кўрсатиш шартини қўймоқда (ЖПК 136-модда).

ЖПКнинг 136-моддаси такомиллаштиришга мухтож ҳисобланади. ЖПКнинг “Кўздан кечириш тартибининг умумий қоидалари” деб номланган 136-моддаси 2-қисмига қуйидаги мазмундаги норма киритиш таклиф қилинади:

“Истисно ҳолларда, яъни:

1) олис ва етиб бориш қийин бўлган ҳудудларда;

2) одамларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдириши мумкин бўлган ҳолларда;

3) тунгги вақтда ёки кечиктириб бўлмайдиган ҳолатлар юзага келганда ва шахсларни холис сифатида жалб қилишнинг имкони бўлмаганда, кўздан кечириш холислар иштирокисиз, видеоёзувга қайд этиш техник воситалардан фойдаланган ҳолда амалга

оширилиши мумкин".

ЖПКнинг "Кўздан кечириш тартибининг умумий қоидалари" деб номланган 136-моддаси 2-қисмидан кейин дипломатик ваколатхоналарни кўздан кечириш тартибини киритиш таклиф қилинди. Унга кўра, ушбу қисм қуйидаги шаклда изоҳланиши мақсадга мувофиқ:

"Дипломатик ваколатхоналар томонидан фойдаланилаётган биноларни, шунингдек дипломатик ваколатхона ходимлари ва уларнинг оила аъзолари истиқомат қиладиган биноларни кўздан кечириш фақатгина дипломатик ваколатхона раҳбари ёки унинг ўрнини босувчи шахснинг иштирокида уларнинг илтимосига кўра ёки рухсати билан амалга оширилиши мумкин. Дипломатик ваколатхонанинг розилиги Ўзбекистон Республикасининг Ташқи ишлар вазирлиги орқали сўралади. Кўздан кечириш жараёнида прокурор ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг вакили иштирок этиши шарт".

ЖПКнинг "Кўздан кечириш тартибининг умумий қоидалари" деб номланган 136-моддаси 4-қисмида кўздан кечириш жараёнида ўз фикрлари юзасидан эътибори қаратилиши лозим бўлган иштирокчилар доирасини кенгайтириш таклиф қилинади. Унга кўра, ушбу қисм қуйидаги шаклда изоҳланиши мақсадга мувофиқ: "Кўздан кечиришда иштирок этаётган шахслар **терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахси,** суриштирувчи, терговчи ва суднинг эътиборини ўзларининг фикрича иш ҳолатларини ойдинлаштиришга ёрдам бериши мумкин бўлган барча ҳолларга қаратишга ҳақлидирлар".

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш айнан ўтказилиши режалаштирилаётган жойда жиноят содир этилган ёки унга оид маълумотлар бор деган тахминлар, маълумотлар, далиллар мавжуд бўлган ҳолатларда ўтказилади.

Кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда кўздан кечириш жиноят иши қўзғатилишидан олдин ҳам амалга оширилиши мумкин ҳисобланади.

"Кечитириб бўлмайдиган ҳолатлар деганда – далилларни топиш ва мустаҳкамлаш ҳаракатларининг кечиктирилиши далилларни йўқолиши, бузилиши, ўзгариши, шикастланишига олиб келиши мумкин бўлган ҳолатлар тушунилади" [4, Б.99].

Жиноят процессуал кодексидан кўриш мумкинки, жиноят ишини қўзғатишдан олдин фақат ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш мумкин ҳисобланади. Амалда эса кўздан кечиришнинг бошқа турларидан ҳам фойдаланишади. Қонунчиликда эса ушбу тартибга йўл қўйилмайди. Масалан ЖПКнинг Жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни кўриб чиқиш тартиби деб номланувчи 329-моддасига кўра, терговга қадар текширув ўтказиш босқичида яъни жиноят ишини қўзғатгунга қадар фақатгина шахсий тинтув ва олиб қўйиш, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, экспертиза ўтказиш, тафтиш тайинлаш, тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш мумкин ҳисобланади. Бошқа тергов ҳаракатларини ўтказиш эса ман қилинади.

Фикримизча, ЖПКнинг "Жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни кўриб чиқиш тартиби" деб номланувчи 329-моддаси иккинчи қисмидаги "ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш" жумласини "кўздан кечириш" жумласига алмаштириш талаб қилинади.

Ҳодиса содир бўлган жой катта майдонларни ташкил қилиганда ушбу тергов ҳаракати бир неча суриштирувчи ёки терговчи томонидан амалга оширилади. Ушбу ҳолат кўздан кечиришни бир вақтда, тезкор ва ҳар томонлама олиб бориш мақсадида амалга оширилади. Ушбу ҳолатда ҳар бир суриштирувчи ва терговчига камида иккитадан холис иштирок этиши талаб қилинади.

Олинган нарсалар, ҳужжатлар ва излар ва бошқа ашёвий далиллар ўралади ва муҳрланади.

Ўраш ва муҳрлаш имкони бўлмаган объектлар яъни катта ҳажмдаги нарсалар терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи ёки терговчи томонидан сақланади (ЖПКнинг 137-моддаси).

ЖПКнинг Мурдани кўздан кечиришга 138-моддасига кўра, кўздан кечиришни

ўтказувчи ваколатли шахс томонидан мурданинг ташқи кўринишини у топилган жойда кўздан кечирилади. Ушбу жараён холислар ва суд-тиббиёт соҳаси мутахассис шифокори иштирок этиши талаб қилинади.

Суд-тиббий мутахассис иштирок эта олмаган тақдирда бошқа шифокор иштирок этиши таъминланиши талаб қилинади. Зарур ҳолларда мурдани кўздан кечириш маълум бир соҳа мутахассиси ёки эксперт томонидан амалга ошириши мумкин ҳисобланади.

Мурда топилган жойда таниб олиниши лозим. Таниб олинмаган мурдалардан эса бармоқ излари олиниши ва шахсини тасдиқлаш учун тегишли муассасага юборлиши талаб қилинади. Тергов эҳтиёжларидан келиб чиқиб, ДНК ва бошқа экспертизаларни ўтказиш учун намуналар ҳам олиниши лозим. Таниб олинмаган мурда прокурорнинг рухсати билан кўмилиши талаб қилинади.

“Аммо унга қадар мурдадан намуналар олиниши, унга тегишли ДНК ва бошқа маълумотлар аниқланиши, фото суратга олиниши талаб қилинади” [5, Б.88].

“Теварак-атроф ва биноларни кўздан кечириш” деб номланган 139-моддага кўра, ушбу тергов ҳаракатини амалга оширувчи субъект теварак-атроф ва биноларни қуйидаги қоидаларга риоя қилган ҳолда кўздан кечирилиши лозим:

- уй ёки хизмат жойи кўздан кечирилишга эҳтиёж мавжуд бўлганда қарор ёки ажрим чиқарилиши (турар жой эгаси ёки корхона, муассаса, ташкилот вакили ушбу ҳужжатлар билан танишиши ва ўқиганлигини тасдиқловчи имзо чекиши талаб қилинади);
- корхона, муассаса, ташкилотдаги кўздан кечириш маъмурият вакилининг, ҳарбий муассасаларда ўтказилса қўмондонлик вакилининг, зарур ҳолларда эса, моддий жавобгар шахснинг қатнашиши талаб қилинади.

Нарса ва ҳужжатларни кўздан кечириш тартиби эса ЖПКнинг 140-моддасида акс этган бўлиб, унга кўра, ваколатли орган томонидан нарса ва ҳужжатлар ёки улар топилган жойда ёки суриштирув, дастлабки тергов ёки суд муҳокамаси ўтказилаётган жойда кўздан кечирилади (кўп вақт ёки қўшимча техник воситалар талаб қилса).

Ушбу тергов ҳаракати жараёнида техник воситалардан фойдаланиланиш мумкин ҳисобланади. Ушбу воситалар нарса ёки ҳужжатларнинг йўқолишига ёхуд шикастланишига олиб келмаган ҳолатда йўл қўйилади.

Кўздан кечириш баённомаси муҳим тергов ҳужжати ҳисобланади. Жиноят ишини юритувчи субъектлар кўздан кечириш ўтказилганлиги тўғрисида баённома тузса, суд ушбу тергов ҳаракатини ўтказганлигини ва натижаларини суд мажлиси баённомасида қайд этади.

Баённоманинг ўзига хослиги шундаки кўздан кечиришда амалга оширилган ишлар қандай кетма-кетликда амалга оширилган, нарсалар топилган бўлса шу тартибда изоҳланиши лозим. Демак у баённомани шакллантиришдаги муҳим қоида ҳисобланади. Кўздан кечириш баённомасининг иккинчи ўзига хослиги бу барча излар, нарсалар ва ҳужжатлар ушбу ҳужжатда акс эттирилиши лозим. Учинчидан ушбу ҳужжат ишга алоқадор нарса олинганда унинг эгасига қайтариш имконини берадиган ҳужжат бўлиб, шу мақсадларда мулк эгасига маълумотнома берилади ёки баённоманинг нусхаси тақдим этилади.

Кўздан кечириш баённомасида қуйидаги маълумотлар акс этиши лозим:

- тергов ҳаракати ўтказилган вақт, об-ҳаво ва ёруғлик ҳақида;
- қўлланилган техник восита;
- Ушбу жараёнларга жалб қилинганлар ҳақида уларнинг ёрдами нимада акс этганлиги ҳақида;
- топилган нарсалар ва ҳужжатлар муҳрланиш тартиби;
- кўздан кечирилган мурда ёки ишга алоқадор нарсаларнинг қаерга юборилганлиги (ЖПКнинг 141-модда).

Мурдани эксгумация қилиш таниб олиш, текшириш ёки экспертизага намуналар олиш каби тергов ҳаракатлари баробарида кўздан кечириш учун ҳам ўтказилади (ЖПКнинг 148-модда).

Эксгумациядан сўнг кўздан кечириш тергов ҳаракати ўтказилган бўлса баённома

тузилиши талаб қилинади (ЖПКнинг 151-модда).

Жиноят ишида ўз манфаатларини ифода этувчи иштирокчилардан бошқа шахслардан топилган, олинган нарсалар асосан дарҳол кўздан кечирилиши талаб қилинади.

Кўздан кечириш жараёнида олинган нарсанинг ишга тааллуқлилигини кўрсатувчи ҳамда бошқа нарсалардан фарқловчи белгилари аниқланиши талаб қилинади (ЖПКнинг 206-модда).

Ушланган шахс ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга келтирилган пайтдан эътиборан кўздан кечириш тергов ҳаракати 24 соат ичида ўтказилиши лозим (ЖПКнинг 225-модда).

Мансабдор шахслар ва фуқаролар башарти улар ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришга тўсқинлик қилсалар қонунда назарда тутилган жавобгарликка тортилишлари мумкин ҳисобланади (ЖПКнинг 271-модда).

Дастлабки терговда кўздан кечиришнинг муҳим шарти унда камида икки нафар холис қатнашиши ҳисобланади. Агарда кўздан кечириш бир пайтнинг ўзида турли хоналарда ёки бир-биридан анча узоқ жойларда ўтказаётган бўлсалар ҳар бир кўздан кечиришни амалга оширувчи ҳузурида доимо камида икки нафар холис иштирок этиши лозим ҳисобланади.

Суднинг кўздан кечириш тергов ҳаракати ўтказишга оид қоидалар ЖПКнинг 444-моддасида акс эттирилган. Унга кўра, суд судгача бўлган босқичда ишга қўшилган ашёвий далилларни ҳамда тарафлар ва бошқа шахслар бевосита суд муҳокамасида тақдим этган нарсаларни суд мажлиси залида тарафлар иштирокида кўздан кечиради. Суд кўздан кечириш жараёнида махсус билим эгаларини, гувоҳларни ҳам таклиф қилиши мумкин.

Суд кўчмас мулк объектларини яъни суд залида кўздан кечириш мумкин бўлмаган жойларни, транспорт воситалари ва бошқа объектларни улар турган жойда кўздан кечириши талаб қилинади.

Кўздан кечириш тергов ҳаракати янги очилган ҳолатлар тергов қилинаётганда ўтказилиши мумкин бўлган тергов ҳаракатларидан бири саналади (ЖПКнинг 446-модда).

Суд-психиатрия экспертизаси ўтказиш жараёнида шахс кўздан кечириш тергов ҳаракатида иштирок этишга қодирлиги текширилади (ЖПКнинг 568-модда).

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Олий суди, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Давлат божхона ва солиқ қўмиталарининг қўшма қарори асосида тасдиқланган “Ҳодиса содир бўлган жой ҳолатини ўзгартириш, далилларни йўқотиш ёки йўқ қилишнинг олдини олишга қаратилган биринчи навбатдаги чора-тадбирларни кўриш тартиби тўғрисида”ги Йўриқнома кўздан кечиришнинг муҳим жиҳатларини ўзида намоён этган. “Ушбу йўриқнома 2018 йил 1 мартда қабул қилинган бўлиб, 27 банддан иборат” [6, Б.4].

Унга кўра ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш – жиноят излари, ашёвий далилларни топиш, ҳодиса содир бўлган вазиятни ва иш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни аниқлаш мақсадида терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ёки суд томонидан ўтказиладиган тергов ҳаракати эканлиги изоҳланган.

Лекин фикримизча, ҳодиса содир бўлган жой ҳолатини ўзгартириш, далилларни йўқотиш ёки йўқ қилишнинг олдини олишга қаратилган биринчи навбатдаги чора-тадбирларни кўриш тартиби тўғрисида йўриқноманинг умимий қоидалар акс этган қисмида кўздан кечириш тушунчасини киритиш лозим. Унга кўра, кўздан кечириш - жиноят изларини ва ашёвий далилларни топиш, ҳодиса содир бўлган вазиятни, иш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни аниқлаш ҳамда идрок этиш мақсадида объектларни тадқиқ этиш, жиноятни содир бўлишига сабаб бўлган ҳолатлар ҳақида маълумотларни топиш ва олиш, қайд этишга қаратилган тергов ҳаракатидир деган тушунчани киритиш лозим.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришга тайёргарлик икки босқични ўз ичига олади. Булар ҳодиса жойига боргунча ҳамда ўша жойга борганда тергов ҳаракатини бошлашдан олдинги тайёргарлик.

Кўздан кечириш тергов ҳаракати учун тайёргарликда терговчи жиноят жойига боргунча қуйидагиларга эътибор қаратиши лозим:

1) терговчи, тезкор ходимлар, эксперт-криминалист ва суд-тиббий экспертлари вазифалари билан танишиш;

2) кўздан кечириш иштирокчилари таркибини шакллантириш;

3) зарурат юзасидан турли мутахассислар рўйхати, уларнинг манзиллари ва телефон рақамлари, шунингдек, ҳудуднинг кенг кўламли харитаси мавжудлигини текшириш;

4) асосий илмий-техник жиҳозларининг ҳолатини текшириш;

5) ҳодиса жойига бориш учун транспорт воситасининг мавжудлиги ва тайёрлигини, махсус мобил криминалистик лабораториясини чақириш имконияти мавжудлигини текшириш;

Ҳодиса ҳақида хабар олгандан сўнг, кетиш олдидан тайёргарлик:

1) воқеа жойи қаерда эканлигини, жиноятни ким ва қачон содир этганлигини, қандай оқибатларга олиб келганини ва бошқаларни аниқлайди;

2) ҳодиса содир этилган жойни манфаатдор шахслардан, бегоналардан ва табиат таъсиридан ҳимоя қилишни ташкил қилади;

3) кўздан кечириш иштирокчилари доирасини аниқлайди ва уларнинг ҳодиса жойида бўлишини таъминлайди;

4) воқеа жойида гувоҳлар ва бошқа шахсларнинг борлигини таъминлаш бўйича кўрсатмалар беради, улардан воқеа ва унинг иштирокчилари тўғрисида маълумот олиш мумкин;

5) илмий-техник воситаларни тайёрлигини текшириш;

6) транспорт билан таъминлаш;

Ҳодиса жойига етиб келгач, кўздан кечириш тергов ҳаракатига киришишдан олдинги тайёргарлик:

1) етиб келинган вақтни қайд этиш;

2) жабрланувчи (лар) га ёрдам кўрсатиш;

3) ҳодиса ва унинг иштирокчилари, вазиятнинг ўзгариши ҳақида дастлабки маълумотларни тўплаш мақсадида ҳодиса жойидаги шахслар, ИИБ ходимлари, гувоҳларни сўроқ қилиш;

4) ҳодиса жойи қўриқланаётганини текшириш ва шошилинч қидирув тадбирларини ўтказиш тўғрисида буйруқ бериш;

5) гувоҳлар тўғрисидаги маълумотларни тўплаш;

6) ҳодиса жойини бегона шахслардан тозалаш;

7) ҳолисларни чақириш ва уларга ҳуқуқ ва мажбуриятларни тушунтириш.

Кўздан кечиришнинг кейинги босқичи умумий ва батафсил кўздан кечириш:

1) ҳодиса жойини белгилаш (аниқлаштириш);

2) кўздан кечирилиши керак бўлган ҳудуд чегараларини аниқлаш;

3) кўздан кечириш бошланиш нуқтаси масаласини ҳал қилиш;

4) вазиятни изчил ўрганиш усулини белгилаш;

5) майдонни ўрганиш масаласини ҳал қилиш ва лозим бўлса, жамоатчилик вакилларини таклиф қилиш.

Йўриқномага мувофиқ эса, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришдан олдин амалга оширилиши лозим бўлган ҳаракатлар қуйидагиларни ўз ичига қамраб олади:

– тиббий ёрдамга муҳтож бўлган шахсларга тезда тиббий ёрдам кўрсатиш чораларини кўриш,

– ҳодиса жойни қўриқлаш, махсус лента ва бошқа воситалар ёрдамида ўраб олиш,

– жиноятчини ушлаш, яширинишини олдини олиш,

– гумон қилинувчи шахсни ушлаш ва қидириб топиш чораларини кўриши мақсадида унинг ташқи кўриниши ҳақида маълумот бериш,

– гувоҳларни шахсига оид маълумотларни, шунингдек ҳодиса содир бўлган жойдаги транспорт воситалари тўғрисидаги маълумотларни қайд этиш,

– жиноят излари, қуроллари, ашёвий далиллар ва иш учун аҳамиятли бўлган бошқа нарсаларнинг йўқолиши, йўқ қилиниши, уларга шикаст етказилишини олдини олиш,

– ҳодиса содир бўлган жойга етиб келган тергов-тезкор гуруҳи раҳбарига тўпланган бирламчи маълумотлар ва ҳужжатларни тақдим этиб, иш ҳолати бўйича маълумот бериш.

Йўриқномада тергов-тезкор гуруҳи ҳодиса содир бўлган жойга етиб келганидан сўнг гуруҳ раҳбари бир қатор ҳаракатларни амалга ошириши лозимлиги белгиланган. Энг муҳим вазифлардан бири тиббий ёрдамга мухтожларга тиббий ёрдам кўрсатиш чораларини кўриш ҳисобланади. Жиноятни гувоҳи бўлганлар, жабрланувчилардан содир этилган ҳодиса ҳақида сўраб-суриштириш, ҳодиса содир бўлган жойда бирон-бир ўзгариш бўлган бўлса улар нималарда акс этишини кўздан кечириш баённомасида қайд этиш чорасини кўриши лозим ҳисобланади.

Портловчи моддалар аниқланганда, табиий ва техноген офатлар, авариялар, инсонлар билан боғлиқ бахтсиз ҳолатлар, эпидемия, эпизоотия, ёнғинлар ва бошқа ҳодисалар рўй берганда фақатгина махсус хизмат ходимлари иштирокида ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришни ташкил этиши лозим ҳисобланади. Гуруҳ раҳбари бундан ташқари жиноят содир этилган жойнинг хусусиятини ва жойлашувини ўрганиши, махсус лента ёки бошқа воситалар билан ўраб олинишини, кўздан кечиришга алоқаси бўлмаган шахсларни ҳодиса содир бўлган жойдан четлаштирилишини таъминлаши зарур.

Тергов-тезкор гуруҳи раҳбари жиноят содир этган шахс томонидан далиллар йўқотилишининг олдини олиши талаб қилинади. Ушбу мақсадга эришиши учун ҳодиса содир бўлган жойнинг дастлабки ҳолатларига баҳо бериши, қандай тезкор-қидирув ишларини дарҳол бажариш лозимлигини белгилаши, жиноятчи шахсини аниқлаш чораларини кўриши, лозим бўлганда хизматидан фойдаланиш масаласини ҳал этиши, ҳодиса содир бўлган жой хизмат ҳудуди доирасига кирмаслигини аниқлаган тақдирда, тегишли ҳудуддаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органнинг тергов-тезкор гуруҳи ҳодиса содир бўлган жойга етиб келгунига қадар ҳодиса содир бўлган жойда кечиктириб бўлмайдиган тергов-тезкор ҳаракатларини ўтказиш, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ҳамда иш якунида ички ишлар органлари ходимлари томонидан қўриқланишини таъминлашга оид топшириқ бериши лозим. Бундан ташқари ҳодиса содир бўлган жойда ҳодисага алоқаси бўлмаган ёки эгаси номаълум бўлган нарсаларни аниқлаш, уларни сақлаш ва топшириш чораларини кўриши, иш ҳолатидан келиб чиқиб, ҳодиса содир бўлган жой ҳолатини ўзгартириш, далилларни йўқотиш ва йўқ қилишнинг олдини олишга қаратилган кечиктириб бўлмайдиган бошқа чораларни кўриши лозим.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш давомида амалга ошириладиган ҳаракатлар қонуний ва чуқур олдиндан тайёргарлик кўрилган ҳолда амалга оширилиши талаб қилинади.

Тергов-тезкор гуруҳи раҳбари ҳодиса содир бўлган жой чегарасини аниқлаганидан сўнг ҳодиса содир бўлган жойни ўраб олиши талаб қилинади.

Ҳодиса содир бўлган жойни ўраб олишда махсус лентадан фойдаланилади ва ушбу ҳаракат бирма-бир тартиб билан амалга оширилади.

Ҳодиса жойи ёпиқ жой бўлса яъни уй-жой ёки бино бўлса, кириш эшиги энига қараб ўраб олинади. Ҳодиса транспортда содир этилган бўлса, транспорт воситаси 3 метр узоқликда айланасига ўраб олинади. Ҳодиса очиқ жойда яъни кўча, хиёбон, парк, сузиш ҳавзаси, ўрмон, дала ва ҳоказоларда содир этилган бўлса, айнан жиноят аломатлари яққол кўриниб турган жойдан 5-10 метр узоқликда айланасига тўсилади. Очиқ жойда жиноят аломатлари борлигини кўрсатувчи излар бир нечта жойда бўлса, бундай ҳолатларда ҳар бир жой алоҳида-алоҳида ўраб олиниши талаб қилинади.

“Ҳодиса содир бўлган жойни махсус лента ёки бошқа воситалар ёрдамида ўраб олиш қоида тариқасида қуйидаги тартибда амалга оширилади:” мазмунидаги 11-бандга қуйидаги тартибни ҳам киритиш яъни:

*“– жиноят портлаш орқали амалга оширилган бўлса ҳамда очиқ жойда бўлса, охирги*

*далил топилган жойдан портлаш марказигача бўлган жой 100% деб олиниб, унга яна 50% жой қўшилиб айланасига тўсилади;".*

Йўриқнома талабига кўра, ҳодиса содир бўлган жойни ўраб олиш лентаси ер сатҳидан камида бир метр баландликда бўлиши талаб қилинади.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришга тергов-тезкор гуруҳи раҳбари бошчилик қилиб, кўздан кечириш жараёни иштирокчиларининг ҳаракатларини мувофиқлаштириб боради.

Тергов-тезкор гуруҳи раҳбарининг кўздан кечириш жараёнидаги топшириқлари барча иштирокчилар учун мажбурий ҳисобланади. Агарда прокурор кўздан кечириш жараёнида иштирок этаётган бўлса жараён учун прокурорнинг ўзи масъул ҳисобланади ва жараённи назорат қилади.

Ҳодиса жойига оид ҳар қандай ҳаракат гуруҳ раҳбарининг кўрсатмаси асосида амалга оширилади. Ушбу ҳаракатлар қуйидагиларда намоён бўлади, яъни: ҳодиса жойининг ўзгартирилиши, излар, ашёвий далилларнинг бузилиши, йўқолиши ёки йўқ қилинишининг, иш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатлар аниқланмай қолинишининг олдини олишни акс эттиради. Ушбу ҳолатда жараён иштирокчилари тергов гуруҳи раҳбарининг кўрсатмаси бўйича аниқ тартиб ва режа асосида ҳаракат қилишлари лозим.

Ҳодиса содир бўлган жойда кўздан кечириш тергов ҳаракати иштирокчилари махсус қўлқоп, оёқ бахилласи кийишлари ҳамда ҳодиса содир бўлган жойдаги излар, ашёвий далиллар ва иш учун аҳамиятли бўлган бошқа нарсаларни асл ҳолида сақлашни таъминлашлари, нарсаларнинг яроқсиз ҳолга келтирилиши, йўқотилиши, уларга шикаст етказилиши ёки ҳодиса содир бўлган жойда иштирокчилар томонидан бирон-бир из қолдирилишининг олдини олиши лозим.

Бундан ташқари кўздан кечириш жараёнини амалга оширувчилар жой хусусиятидан келиб чиққан ҳолда махсус кийим бош, респиратор, акс эттирувчи жилет ва бошқа восилардан фойдаланиб ҳаракат қилишлари талаб қилинади.

Иш учун муҳим бўлган ашёвий далилларни яъни қон доғлари, соч толалари, биологик ажратмаларни яроқсиз ҳолга келтириш, ўзгартириш ва уларнинг йўқотилишини олдини олиш мақсадида жараён иштирокчилари ҳодиса жойига бир йўлакдан кириб-чиқишлари ва ҳаракатланишлари, ҳодиса содир бўлган жойдаги мавжуд нарсаларга заруратсиз махсус қўлқоп ва оёқ бахилласи ва махсус кийимсиз тегмасликлари талаб қилинади.

Тергов-тезкор гуруҳи раҳбари ҳодиса жойида ҳолатни инобатга олиб жараён қандай тартибда ўтказилишини белгилаб беради.

Агарда излар, ашёвий далиллар ҳодиса жойининг марказида бўлса, кўздан кечириш марказдан бошланади.

Ҳодиса содир бўлган жойнинг маркази аниқ бўлмаса, жабрланувчининг шахси аниқ бўлса ёки жиноят излари катта ҳудудда ҳар жойда бўлса, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш бир чеккадан, яъни чапдан ўнгга ёки ўнгдан чапга қараб бошланиши керак.

"Хорижий тажрибага яъни АҚШ Федерал бюроси тажрибасига кўра ҳудуд секторларга бўлиб кўздан кечирилиши ва ҳар бир сектор текширилиб кейин умумлаштирилиши талаб қилинади" [7, Б.5].

Агарда ҳодиса содир бўлган жой, ҳудуд катта бўлса уни бир неча қисмларга бўлиб, алоҳида тергов-тезкор гуруҳлари томонидан кўздан кечирилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ҳодиса жойига бегоналарнинг, яъни кўздан кечириш жараёнини ўтказишга масъул бўлган шахслардан бошқаларнинг киритилишига йўл қўйилмайди. Аммо жабрланувчи ва жиноят шоҳида бўлган шахслар далилларни шикастлар ва ўз изларини қолдирмаслик чораларини кўрган ҳолда (бахила, махсус кийим бош) ҳодиса жойига киритилиши мумкин бўлади.

Жисмоний шасхсларга тегишли бўлган уй ёки хизмат хонаси ва жойи ҳамда биноларни ҳамда бошқа муассасаларни қўздан кечиришда фуқаронинг, корхона, муассаса ва ташкилот ҳамда қўмондонлик вакилининг, зарур ҳолларда, моддий жавобгар шахснинг

иштирокида ўтказилиши талаб қилинади.

Ҳодиса жойида топилган, аниқланган ҳар бир жиноятга алоқадор ашёвий далиллар, изларни ўзида сақловчи воситаларга махсус рақамлар қўйилиши ҳамда фотосуратларда лозим деб топилганда видеоёзувларда мустаҳкамланиши, шунингдек, махсус рақамлар ушбу далилларни тўплаш усули ўз якунига етмагунга қадар жойидан қўзғатилмаслиги талаб қилинади.

Ҳодиса жойини кўздан кечиришда фото ва видео тасвирга олиш жараёни муҳим ва амалга оширилган ҳаракатларни, ашёвий далилларни жойлашган жойи ва ҳолати ҳақидаги маълумотни сақлаш жуда муҳим ҳисобланади. Чунки ушбу воситалар орқали прокурор ва судья ҳолатга баҳо бериши ва амалга оширилган ҳаракатларга баҳо бериши, адвокат ҳамда ҳимоячилар эса йўл қўйилган хатоларни аниқлаши мумкин ҳисобланади. Ушбу воситаларни қўллаш фақатгина тергов-тезкор гуруҳининг аъзоси бўлган эксперт-криминалистика бўлинмалари ходимлари томонидан амалга оширилади, агарда улардан ходим бўлмаса, ушбу вазифа терговчи ёки суриштирувчи зиммасида бўлади. Мазкур олинган маълумотлар кўздан кечириш жараёнини юритаётган шахсларнинг рухсатисиз ошкор этилиши мумкин эмас.

Ҳодиса жойида мурда топилганда унинг статик ҳолати тергов-тезкор гуруҳи етиб келгунига қадар ўзгартирилмаслиги талаб қилинади.

Мурда жойлашган жойни бўр ва бошқа воситалар билан белгилаш талаб қилинади.

Ўта оғир жиноятлар юзасидан ҳодиса жойи кўздан кечирилаётганда видеоёзув воситаларидан фойдаланиш талаб қилинади. Ҳолатдан келиб чиқиб суриштирувчи, терговчи бошқа жиноят турлари бўйича ҳам видеоёзув воситаларидан фойдаланиши мумкин ҳисобланади.

Видеоёзувда қуйидагилар акс этиши лозим:

– ҳодиса содир бўлган жойга киришдан бошлаб, ҳодиса содир бўлган жойнинг дастлабки кўриниши;

– ҳар бир жой, хона;

– аниқланган ва олинган ашёвий далиллар ва излар;

– процессуал ҳаракат бошланган ва тамомланган вақт қайд этилиши лозим.

Видеоёзув тергов ҳаракатини олиб борувчи шахс томонидан ёки мутахассис томонидан олиб борилади ва ҳаракат йўналиши, аниқланган барча ҳолатлар тергов-тезкор гуруҳи раҳбари ёки гуруҳ иштирокчиларидан бири томонидан изоҳланиши лозим.

Видеоёзувда қайд этилган ҳолатлар ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомасида ҳам акс эттирилиши лозим.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда фотосуратга олиш ва овоз ёзиш воситалари ҳам қўлланилиши мумкин.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомасида қандай видеоёзув, фотосурат ва овоз ёзиш воситаси қўлланилганлиги қайд этилиши ҳамда баённомага илова қилиниши лозим.

Кўздан кечириш баённомасига видеоёзув видеотасвир ёзиб олинган восита (компакт диск, флеш хотира ва ҳ.к.), фотосуратлар, фотожадвал шаклида илова қилинади.

Ҳодиса содир бўлган жойдан олинган нарсалар, ҳужжатлар ва излар ЖПКда белгиланган тартибда расмийлаштирилиши талаб қилинади. Излар, ҳужжатларнинг шикастланишига ҳамда хусусияти ўзгаришига йўл қўйилмаслиги талаб қилинади. Ашёвий далиллар бутунлигини сақлаш учун имконият даражасида қоғоз пакетларга солиниши, ўралиши керак. Қолиплар эса махсус контейнерга жойлаштирилиши ва муҳрланиши керак.

Ашёвий далиллар ва изларни ўраш ва муҳрлаш имконияти бўлмаса, уларнинг дастлабки ҳолати фотосурат ёки видеога олиниши тасвирга олиниб, асл ҳолича сақлаш чоралари кўрилади.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш бўйича баённома тергов-тезкор гуруҳи раҳбари томонидан тузилади. Унда ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда

аниқланган барча ҳолатлар акс этиши талаб қилинади.

Баённома қуйидаги талабларга жавоб бериши талаб қилинади:

– баённома матни тушунарли, қисқа ва лўнда бўлиши;

– узун жумлалар бўлмаслиги;

– сўзларнинг такрорланмаслиги.

Баённомага ҳодиса жойининг схемаси ҳамда чизмалари илова қилиниши талаб қилинади.

Схемаси ҳамда чизмалар терговчи ёки суриштирувчи томонидан тузилади. Унда ҳодиса жойи манзили, бино, иншоот, хонадон ва бошқа объектнинг умумий кўриниши, жойдаги буюм ва жиҳозларнинг, аниқланган ва олинган ашёвий далилларнинг ҳамда иш учун аҳамиятли бўлган бошқа нарсаларнинг жойлашуви, уларнинг номи шартли белгилар билан изоҳлаб кўрсатилади.

Ушбу схема ва чизмалар кўздан кечиришда иштирок этган холислар ва терговчи ёки суриштирувчи томонидан имзоланади. Зарур бўлган ҳолатларда эса фото ёки видео тасвир ҳам олинади.

Кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказишга оид ҳуқуқшунос олимлар фикрларига алоҳида эътибор қаратиш талаб қилинади. Масалан, “М.Э.Муженская ва Г.В.Костилевнинг фикрига кўра, кўздан кечириш тергов ҳаракатининг ўтказиш учун қуйидаги шартлар белгиланган” [8, Б.123]:

- кўздан кечириш фақат қўзғатилган жиноят иши бўйича амалга оширилади, ҳодиса жойини, ҳужжатларни ва нарсаларни кўздан кечириш бундан мустасно;

- тунги вақтда кўздан кечириш ўтказишга йўл қўйилмайди, тайёрланаётган ёки содир этилаётган жиноятнинг олдини олиш, жиноят изи йўқолишига ёки гумон қилинувчининг қочиб кетишига йўл қўймаслик, эксперимент жараёнида текширилаётган ҳодисанинг ҳолатини қайтадан тиклаш зарурати бўлган ҳоллар бундан мустасно;

- кўздан кечириш вақтида мажбурлаш қўлланилиши мумкин эмас, суд қарори ёки қоидаларга мувофиқ турар жойни кўздан кечириш бундан мустасно;

- мурдани ташқи кўрикдан ўтказишда суд экспертининг, агар унинг иштирок этиши мумкин бўлмаса, шифокорнинг мажбурий иштироки;

- кўздан кечириш баённомасида жабрланувчининг, гувоҳларнинг ва ушбу тергов ҳаракатларида иштирок этган бошқа шахсларнинг кўрсатувларини қайд этиш мумкин эмас;

- кўздан кечиришда иштирок этаётган ва жиноят-процессуал қонуни билан чекланмаган бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилмаслиги чораларини кўриш;

- тергов ҳаракатларида иштирок этаётган шахсларнинг, шунингдек бошқаларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситмаслик;

- кўздан кечириш жараёнида иштирок этаётган шахсларнинг саломатлиги ва ҳаётига хавф туғдирмаслик.

Ю.Ю.Парфенюкнинг фикрига кўра, “холислар иштирокисиз кўздан кечиришни ўтказиш терговчи ва суриштирувчи ишини осонлаштиради, аслида тергов ҳаракатига холисларни жалб қилишнинг ҳожати йўқ” [9, Б.264]. Бироқ, холисларнинг кўздан кечириш тергов ҳаракатида иштирок этиши кўздан кечириш натижаларининг ишончлилигини ва баённоманинг ишончли далил сифатида эътироф этилишини таъминлайди. Холислар, ўз навбатида кўздан кечириш тергов ҳаракатларининг объективлигининг кафилидир, шунинг учун тергов ҳаракатларида, шу жумладан терговни ўтказиш жараёнида ҳеч қандай техник воситаларни холислар ўрнига алмаштириб бўлмайди. Холислар – агар зарур бўлса, терговнинг ишончлилигини тасдиқлаш учун сўроқ қилиниши мумкин бўлган тирик гувоҳлардир.

***Жиноят ишлари бўйича кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказиш жараёнига оид амалиётда мавжуд муаммоларни таҳлил қилсак,***

Масалан, Фуқаро С. Бош прокурор номига ариза билан мурожаат қилиб, унда акаси А.нинг ўлимига сабабчи бўлган айбдорларга чора кўрилмаётганлигини маълум қилган.

Аниқланишича, 2019 йил 15 июнда фуқаро А. нинг мурдаси “Ойимтарра” ариғининг Бувайда тумани, Шўртепа қишлоғи, Маҳорат кўчасида оқиб ўтган қисмидан топилган.

Текширув устидан тизимли назоратнинг йўқлиги оқибатида фуқаро ўлими билан боғлиқ ҳолат бўйича текширув ҳаракатлари ўта сифатсиз ўтказилган.

“Туман прокурори Ш. бошчилигида тезкор-тергов гуруҳи томонидан ҳодиса жойини кўздан кечиришда ЖПКнинг 90-моддасида белгиланган “суриштирувчи ва терговчи топилган моддий объектлар тавсифи ва уларнинг иш учун аҳамиятли бўлган белгиларини баённомага киритиши” ҳақидаги талаб қўпол равишда бузилган, воқеа жойидан топилган бел куракнинг синган сопи ашёвий далил тариқасида олинмаган” [10].

Яна бир ҳолатда эса, 1976 йилда туғилган Ғ. нинг 24.01.2012 йил соат 10:30 ларда ўзининг бошқарувида бўлган 70 O 052 BA давлат рақам белгили, “Нексия-2” русумли автомашинаси билан уйидан киракашлик қилиш мақсадида чиқиб кетиб, қайтиб келмасдан бедарак йўқолганлиги ҳолати юзасидан тўпланган ҳужжатлар асос бўлган.

Дастлабки тергов давомида 25.01.2012 йилда Ғ. га тегишли “Нексия” автомашинаси ичида қон доғлари билан Самарқанд шаҳар, “Кимёгарлар” қўрғони, “Нарпай” кўчаси, 18-уй орқасидан топилган.

Шунингдек, 28.01.2012 йилда Самарқанд шаҳар, “Кимёгарлар” қўрғони, “Нурли келажак” МФЙ ҳудудидаги АЁҚШ ёнида бўлган ташландиқ бино ичидан Ғ. га тегишли кийимлар, қон доғлари, хожатхона ичидан қора матога ўралган ҳолда 2 дона 70 O 052 BA давлат рақам белгиси топилиб, ашёвий далил тариқасида олинган.

Одам ДНКси биологик экспертизаси хулосасида, автомашинадан олинган қон доғлари Ғ. ники эканлиги кўрсатилган.

Тергов давомида Ғ. нинг уяли телефони охирги маротаба 24.01.2012 йил соат 1940 да Қарши шаҳар ҳудудида ва соат $21^{03}$ да “Шайхали” қўрғонида ишлаганлиги аниқланиб, Бош прокуратура томонидан жиноят иши 25.04.2012 йилда ҳудудийлигига кўра терговни давом эттириш учун Қашқадарё вилоят прокуратурасига қайтарилган.

Жиноят бўйича кўздан кечириш тергов ҳаракати сифатли ўтказилмаганлиги сабабли бедарак йўқолган Ғ. нинг мурдаси топилмаган, қотиллик жиноятини содир этган шахслар аниқланмаган.

Жиноят иши бўйича тергов ҳаракатлари охирги маротаба 22.06.2012 йилда ЖПКнинг 364-моддаси 1-қисми 1-бандига асосан тўхтатилган.

Ҳолат юзасидан бедарак йўқолган Ғ. Толипов фойдаланиб келган 90-7226352 рақамли уяли телефон охирги маротаба 24.01.2012 йил соат $19^{40}$ да Қарши шаҳар ҳудудида ва соат 2103 да “Шайхали” қўрғонида ишлаганлиги аниқланиб, тергов давомида уяли телефон аппарати топилмаган.

Самарқанд шаҳар, “Кимёгарлар” қўрғони, “Нарпай” кўчаси, 25-уй орқасидан 26.01.2012 йилда топилган Ғ. нинг “Нексия” автомашинасидан соч толалари ҳамда 14 та скотч бўлагига бармоқ излари олинган бўлсада, уларнинг кимга тегишли эканлиги аниқланмаган. Бунга эса кўздан кечириш тергов ҳаракатлари жараёнида олинган намуналарнинг сифатсизлиги сабаб бўлган. Бошқа бармоқ излари бўйича эса ИИВ ЭКМ Ахборот базаси ҳамда ИИВ ХЧК ва ФРБ маълумотлар базаси орқали кимга тегишли эканлиги аниқланмаган.

Худди шу каби, мисолларни яъни кўздан кечириш тергов ҳаракатини сифатли ўтказилмаслиги сабабли Бахмал туманида фуқаро Б. Худойназарованинг, Пахтаобод туманида Л. нинг бедарак йўқолганлиги ҳолати бўйича жиноят иши қўзғатишни рад этиш ҳақидаги ноқонуний қарорлар бекор қилиниб, жиноят иши қўзғатилганидан сўнггина уларнинг қотиллик қурбони бўлганлиги аниқланган.

Хусусан, тергов давомида фуқаро У. рашк замирида Б. ни 7 йил олдин, Т.тамагирлик ниятида Л. Эргашевани 3 йил аввал қасддан ўлдиргани аниқланиб, жабрланувчиларнинг жасадлари қотиллар кўмиб юборган жойдан топилган.

Бундан ташқари, “Учтепада Л. нинг (2003 йил) жасади топилганлиги, Бўстонликда К. нинг (2007) бедарак йўқолганлиги, Фарғона шаҳрида М. нинг (2007) жасади

топилганлиги, Оққўрғонда вояга етмаганлар Ш., Ё. ва О. нинг (2010) бедарак йўқолганлиги, Зангиотада Б.Кенжаевнинг (2012) бедарак йўқолганлиги, Яшнободда М. нинг (2018) бедарак йўқолганлиги, Марҳаматда И. га нисбатан (2018) қотиллик содир этилганлиги, Нурафшонда И. нинг (2018) бедарак йўқолганлиги, Деновда Ш.нинг (2019) бедарак йўқолганлиги ҳолати юзасидан қўзатилиб, очилмасдан қолган қасддан одам ўлдириш жиноятлари Бош прокуратура 15-бошқармаси ташаббуси билан фош этилиши таъминланган" [11].

Ушбу терговдаги юзага келган муаммоларнинг сабаби дастлабки ва энг муҳим бўлган тергов ҳаракати яъни кўздан кечиришни сифатли амалга оширилмаганлиги ҳисобланади.

Юқоридаги амалий мисолларга таянган ҳолда амалиётда кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказишда қуйидаги хато ва камчиликларга йўл қўйилаётганлигини кўриш мумкин:

**1. Ўта оғир жиноятлар (қасддан одам ўлдириш) содир этилганлиги ҳақидаги маълумот ҳодиса жойини кўздан кечириш учун ваколатли бўлган прокуратура терговчисига жуда кеч (энг охирида десак ҳам бўлади) маълум қилиниши.**

Бундай ҳолатда, ҳодиса жойида бошқа шахсларни эркин ҳаракатланиши, ашёвий далил ёки изларнинг йўқотилиши ёки уларга шикаст етказилиши мумкин.

Жойларда ҳар бир прокуратура терговчиси ҳодиса жойига у ёки прокурор борганига қадар ҳақиқий ҳолатни ўзгартирилишини олдини олиш ва бошқа шахсларни киришини тақиқлаш чораларини кўриши керак.

**2. Ҳодиса жойи лента билан ўраб олинмаслиги ва ҳодиса жойи, яъни жиноят содир этилган ҳудуд аниқлаб олинмаслиги.**

**3. Терговчининг ходиса жойида бошқарувни қўлга олиб, ишларни ташкиллаштира олмаётганлиги.**

– турли маълумотлар талаб қилиниши, зудлик билан вилоят ёки Бош прокуратурага ахборот ёзиш кераклиги важи билан тезроқ кўздан кечиришни якунлаш кераклиги;

– жиноят қурбони ва уни содир этиши мумкин бўлган шахслар ҳақида дастлабки маълумотларга эга бўлмаслиги, масалан жабрланувчи шахси ким, шу ерда яшаганми ва бошқа маълумотларни аниқлаб олиши лозим.

**4. Ҳодиса жойини кўздан кечиришга барча мутахассисларни жалб қилинмаслиги.**

– суд тиббий экспертидан ташқари бошқа экспертлар келмаслиги, бу эса далилларни ва намуналарни олишда қонунбузилишига сабаб бўлмоқда ёки уларни умуман аниқланмасдан қолишига олиб келмоқда.

**5. Ҳодиса жойида бегона шахсларни бўлиши яъни уларни ҳодиса жойидан четлатиш чоралари кўрилмаслиги.**

– далилий ашёлар ёки излар йўқолиши ёхуд уларга шикаст етказилиши;

– тергов маълумотларини ошкор бўлиши.

**6. Терговчи ва мутахассисларнинг етарли криминалистик жиҳозлар билан таъминланмаганлиги.**

– терговчи ва бошқаларни резина қўлқопда бўлмаслиги, улар томонидан ҳодиса жойига из қолиши, оёғига бахила киймаслиги;

– доимий равишда видеотасвирга олинмаслиги ёки тўлиқ олинмаслиги, фотосуратлар белгиланган криминалистик талаблар асосида бажарилмаслиги

– "тергов чемодани" шакллантирилмаганлиги;

**7. Ҳодиса жойини кўздан кечириш жуда юзаки олиб борилиб, баённома расмийлаштирилиши.**

– иш учун аҳамиятли деб топилган барча нарсалар кўздан кечирилмаслиги, натижада қайта кўздан кечирилишига сабабчи бўлиши ёки айнан ишга алоқадор ашёни кўздан кечиришдан кейин оила аъзолари томонидан йўқотилиши;

– жиноятни содир этган шахс ушланганлиги ҳақидаги маълумотга асосан юзаки кўздан кечирилиши ва иш учун аҳамиятга эга бўлган далилларни аниқланмасдан

қолиши;

– мурда тўлиқ текширилмаслиги;

– ўз жонига қасд қилинган даврда арқонни тузилиши, боғланиши, сиртмоқни яъни тугунни танага нисбатан қандай ҳолатда бўлгани, жароҳатлари мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги эътибор қилинмаслиги;

– бедарак йўқолган шахс бўйича маълумот тушганидан кейин одатда уни яшаган уйи юзаки кўздан кечирилиши билан чекланиши.

**8. Ашёвий далилларни олиш, уларни қадоқлашда камчиликлар мавжудлиги, етарли даражада намуналар олинмаслиги**

– мутахассислар иштирок этмаслиги;

– қондан намуна олишда мутахассис дока ёки пахтага суртиб олиши; кейинчалик ДНК тайинлаш керак бўлса, бу намунадан фойдаланиб бўлмайди;

– терговчи ёнида доимий равишда қоғоз пакетлар бўлмаслиги;

– ашёлар масалан кийимлар барчаси битта пакетга солиниб, кейинчалик улар кўздан кечирилиб, ўрамларга солиниши, бунда кийимлардаги мавжуд микрозаррачалар бир-бирига ўтиб, микрозаррачаларни аниқлаш бўйича экспертиза тайинлаш имконияти йўқотилади;

– айрим ҳолатларда ҳодиса жойидан олинган ашёлар баённомага киритилмаслиги;

– ашёлар номланиши ва ранглари тўғри тасвирланмаслиги, чизма йўқлиги.

**9. Экспертизалар тайинлашда “шаблон” тарзидаги саволлар қўйилиши, экспертлар билан ҳамкорлик етарли даражада йўлга қўйилмаганлиги**

– ҳар бир иш юзасидан кўздан кечириш жараёнида аниқланган ҳолатлар, олинган ашёлар, мурда ҳолатидан келиб чиқиб саволлар қўйилиши;

– дастлаб аҳамиятли бўлган экспертизалар тайинланиши, экспертизаларни намуналарни миқдоридан келиб чиқиб тайинланиши (ДНК ёки биология)

– ишда аниқланган ҳолатлар бўйича экспертга қўшимча маълумотлар тақдим қилинмаслиги

– кераксиз саволлар қўйилиши экспертизанинг муддати узайишига олиб келиши.

**10. Таниб олиш тергов ҳаракатини ўтказишда йўл қўйилаётган камчиликлар**

– шахсни ўзини таниб олишга кўрсатиш мумкин бўла туриб, уни ҳақиқий ҳолатдан узок бўлган эски фотосуратларини кўрсатиш ҳолатлари;

– номаълум мурдани ўзини кўрсатилмаслиги

11. Олиб қўйиш тергов ҳаракати ўтказилмасдан, ашёлар олиниб, иш бўйича кейинчалик ашёвий далил деб топилиши.

– ўзи кўрсатувида тақдим қилишини билдиргани учун олинган ёки шундай хужжатсиз олинган;

– ЖПК бўйича ҳар қандай нарса ёки ашё белгиланган тартибда олиниши лозим.

**Иқтибослар/Сноски/References:**


1. Духно Н.А., Суденко В.Е. Осмотр места происшествия по уголовному делу об убийстве. - Москва. 2014 г. С - 4.

2. Жиноят процессуал кодекси // URL: https://lex.uz/acts/111460.

3. Миразов Д.М. Терговга қадар текширув ўтказиш асослари, тартиби ва хусусиятлари: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. 75 – б.

4. Балакшин В.С., Григорьев А.И. Неотложные следственные дейсвия: понятие и перспективы правового регулирования. Российский юридический журнал. №6. 2017 г. С - 99.

5. Порядок работы врача – судебно-медицинского эксперта при осмотре трупа на месте его обнаружения: учебное пособие / сост. В.И. Витер, А.Ю. Вавилов, К.А. Бабушкина. – Ижевск, 2016. С – 88.

6. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Олий суди, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Давлат божхона ва солиқ қўмиталарининг қўшма қарори. 2018 йил 1 март. 5 – б.

7. Расследования по факту взрыва. АҚШ ФТБ ўқув қўлланмаси 2005 й. 5-б.
8. Муженская М.Е., Костылева Г.В. Руководство для следователя и дознавателя по расследованию отдельных видов преступлений. – М.: Проспект, 2014. – С.123.
9. Парфенюк Ю.Ю. Участие понятых в производстве следственных действий // URL: Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук. – 2010.– №9.
10. 15/76ж-2019-сонли терговга қадар текширув ҳужжати.
11. Прокуратура органлари тергов тармоқлари фаолияти устидан назорат соҳасида амалга оширилган ишлар юзасидан маълумотнома.

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ
# ВЕСТНИК ЮРИСТА
# LAWYER HERALD


## ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ


**РАСУЛОВ Журабек Абдусамиевич**
Тошкент давлат юридик университети "Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари" кафедраси доценти в.б., юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
E-mail: rasulovjurabek1982@gmail.com


## ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ДОКТРИНАСИДА ЭРКИН ҲАРАКАТЛАНИШ ҲУҚУҚИ ВА ДАВЛАТ СУВЕРЕНИТЕТИ МАСАЛАЛАРИ


**For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): РАСУЛОВ Ж.А.** Халқаро ҳуқуқ доктринасида эркин ҳаракатланиш ҳуқуқи ва давлат суверенитети масалалари // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 3 (2023) Б. 78-87.

doi 3 (2023) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2023-3-10



**АННОТАЦИЯ**

Мазкур мақолада халқаро ҳуқуқ доктринасида шахсларнинг эркин ҳаракатланиш ҳуқуқи ва давлат суверенитети масалаларига оид мумтоз халқаро ҳуқуқшунос олимларнинг илмий қарашлари асосида таҳлил қилинган. XV-XVIII асрларда одамларнинг чегараларни кесиб ўтиши халқлар ҳуқуқи тўғрисидаги дастлабки мунозараларнинг марказида бўлди. Бу даврларда халқаро ҳуқуқнинг ушбу ўзига хос масаласи мумтоз халқаро ҳуқуқшунос олимлар томонидан учта асосий мактаб бўйича ўрганилган. Мақолада мазкур мактабларга хос бўлган жиҳатлар Витория, Гроций, Пуфендорф, Вольф ва Ваттел каби олимларнинг илмий қарашлари асосида таҳлил қилинган.



**Калит сўзлар:** эркин ҳаракатланиш, давлат суверенитети, мулоқот ҳуқуқи, заруriят ҳуқуқи.


---


**РАСУЛОВ Журабек Абдусамиевич**
И.о.доцента кафедры Международного права и прав человека, Ташкентского государственного юридического университета, доктор философии по юридическим наукам (PhD)
E-mail: rasulovjurabek1982@gmail.com


## ВОПРОСЫ ПРАВА НА СВОБОДНОЕ ПЕРЕМЕЩЕНИЕ И ГОСУДАРСТВЕННОГО СУВЕРЕНИТЕТА В ДОКТРИНЕ МЕЖДУНАРОДНОГО ПРАВА


**АННОТАЦИЯ**

В данной статье анализируются вопросы права на свободное перемещение лиц и государственного суверенитета в доктрине международного права на основе научных взглядов классиков международников-правоведов. В XV-XVIII веках перемещение людей через границы было в центре ранних дебатов о правах наций. В

эти периоды эта специфическая проблема международного права изучалась учеными-международниками по трем основным школам. В статье анализируются аспекты, характерные для этих школ, на основе научных взглядов таких ученых, как Витория, Гроций, Пуфендорф, Вольф и Ваттель.
**Ключевые слова:** свобода перемещение, государственный суверенитет, право на общение, право необходимости.

---

**RASULOV Jurabek**
Acting Assistant Professor of the Department of International
Law and Human Rights, Tashkent State University of Law,
Doctor of Philosophy (PhD) in Law
E-mail: rasulovjurabek1982@gmail.com

## RIGHT TO FREE MOVEMENT AND STATE SOVEREIGNTY IN THE DOCTRINE OF INTERNATIONAL LAW

**ANNOTATION**
This article analyzes the issues of the right to free movement of persons and state sovereignty in the doctrine of international law based on the scientific views of the classics of international law. In the 15th and 18th centuries, the movement of people across borders was at the center of early debates about the rights of nations. During these periods, international scholars in three main schools studied this specific problem of international law. The article analyzes the characteristic features of these schools, based on the views of such scientists as Vitoria, Grotius, Pufendorf, Wolf and Vattel.
**Keywords:** freedom of movement, state sovereignty, the right to communicate, the right of necessity.

---

Халқаро ҳуқуқ одамларнинг эркин ҳаракатланиши ҳуқуқи ва давлатларнинг ҳудудий суверенитети борасидаги қарашлар ўртасида кечган мунтазам мунозаралар натижасида миграция билан боғлиқ асосий концепция (тушунча)ларни шакллантирди. Бундай узоқ давом этаётган мунозаралар халқаро ҳуқуқ тарихида кескин ўзгаришларга учради.

Эркин ҳаракатланиш узоқ вақт давомида халқаро ҳуқуқ доктринаси ва амалиётида мавжуд қоида бўлиб келган, ҳудудий суверенитет эса даставвал давлатларнинг муайян муҳим манфаатларини ҳимоя қилиш учун ушбу қоидадан истисно сифатида тушунилган. Халқаро миграция ҳуқуқининг ушбу иккита асосий тушунчалари орасидаги иерархик тартибот аста-секинлик билан ўзгариб боради, бунинг натижасида давлат суверенитети ушбу соҳада асосий қоидага айланади.

Хронологик нуқтаи назардан бу жараённи халқаро ҳуқуқ тарихида **учта асосий босқич** орқали ифодалаш мумкин. Ҳар бир босқич ўз даврининг руҳига хос бўлган хусусиятларни намоён қилади. Ушбу уч босқичли даврлаштиришдан сўнг, одамларнинг чегараларни кесиб ўтиши *дастлаб* XVI асрдан XVIII асргача бўлган даврда халқаро ҳуқуқнинг асосчилари орасида одатий муҳокама мавзусига айланди.

*Иккинчидан*, кейинги ҳуқуқшунослик амалиёти ва илм-фани XIX – XX асрларда эркин ҳаракатланишнинг юксалиш ва пасайишларига гувоҳ бўлди, чунки ўша пайтларда ҳукмрон бўлган *laissez faire-laissez passer* (фр. *майли бажаришсин ва майли ўтишсин*) қоидаси аста-секинлик билан чекловчи ички иммиграция қонунчилиги билан алмашди. Давлатлар томонидан миграция назоратининг тарқалиши эса, мос равишда, инсоният тарихида XX асрнинг бошларида содир бўлди.

*Учинчидан*, ва ниҳоят, давлат амалиётининг ушбу янги модели XX аср давомида ва XXI аср бошларида инсон ҳуқуқларига оид нормалар кенгайишининг ёндош таъсири сифатида қабул қилувчи давлатларда мигрантлар ҳуқуқларининг ортиб бораётгани тан

олиниши билан ҳамоҳанг равишда пайдо бўлди. Ушбу эволюция натижасида иммиграция назоратининг ҳамма жойда мавжудлиги инсон ҳуқуқлари билан бирга амалда бўлиб келмоқда. Миграция устидан назорат ва мигрантлар ҳуқуқлари ўртасидаги бундай мувозанат замонавий халқаро миграция ҳуқуқининг мураккабликлари ва қарама-қаршиликларини очиб берувчи ўзига хос фарқловчи хусусиятига айланди.

XVI—XVIII асрларда Халқлар ҳуқуқи тўғрисидаги илк таълимот халқаро оммавий ҳуқуқнинг тузилиши, унинг асослари ва асосий тушунчаларини концептуаллаштиришда ҳал қилувчи роль ўйнади. Ушбу дастлабки даврда одамларнинг чегараларни кесиб ўтиши халқлар ҳуқуқи тўғрисидаги дастлабки мунозараларнинг марказида бўлди. Умуман олганда, халқаро ҳуқуқнинг ушбу ўзига хос масаласи дастлабки олимлар томонидан *учта асосий мактаб* бўйича тушунилган [1, Б.901].

Одамларнинг эркин ҳаракатланиши *биринчи марта* Витория ва Гроций томонидан *халқлар ўртасидаги мулоқот ҳуқуқи* орқали халқаро ҳуқуқ нормаси сифатида тан олинган. Ушбу нуқтаи назарга кўра, давлатнинг суверенитети унинг меҳмондўстлигига мувофиқ келади, деб ҳисобланилган. Аксинча, кейинги олимлар (масалан, Пуфендорф ва Вольф) давлат ўз хоҳишига кўра ўзининг ҳудудий суверенитетидан келиб чиққан ҳолда чет элликларни қабул қилишдан бош тортиши мумкинлигини таъкидлашади. Шунга кўра, меҳмондўстлик давлатнинг хоҳиш-истагига кўра кўрсатадиган хайр-эҳсонига айланди. Бироқ, ушбу бир-бирига зид бўлган турли қутблар – меҳмондўстлик ва суверенитет ўртасида кейинчалик Э. де Ваттель олтин ўрталиқни таклиф қилади, унга кўра давлатнинг чет элликларни мамлакатга киришига рухсат бериш тўғрисида қарор қабул қилиш борасидаги суверен ҳокимияти *зарурат ҳуқуқига* асосланган киришнинг чекланган эркинлиги билан мувозанатга келиши лозим.

Одамларнинг чегаралар орқали эркин ҳаракатланиши халқаро ҳуқуқ тарихида узоқ ўтмишига эга. Биринчи марта Гроций уни меҳмондўстлик ҳуқуқидан келиб чиққан халқаро ҳуқуқнинг асосий принципи сифатида тасдиқлашидан олдин, Витория томонидан мулоқот қилиш ҳуқуқи (*ius communicationis*) орқали тан олинган ва тушунилган.

Одамларнинг ҳаракатланиш эркинлигини халқаро ҳуқуқнинг асосий принципи сифатида белгилашда муҳим ролни кўпинча "замонавий халқлар ҳуқуқининг асосчиси" деб аталадиган **Франсиско де Витория** (1480-1546 йй.) ўйнади. Унинг *ius communicationis* тушунчаси 1539 йилда Испаниядаги Саламанка университетида ўқиган машҳур "Америка ҳиндулари ҳақида"ги маърузасида у ўз даврининг энг мунозарали масаласи: Испаниянинг Янги Дунёни босиб олишининг қонунийлигини муҳокама қилганида ривожлантирилган.

Витория дастлаб ҳиндулар ўз ерларининг ҳақиқий хўжайини ва шу тариқа эгалик ҳуқуқига (доминиумга) эга эканлигини таъкидлайди. Шунинг учун испанлар "улардан на хусусий шахслар, на ҳукмдорлар сифатида мулкларини тортиб ололмайдилар" [2, Б.250], дея эътироф этади. Кейинчалик Витория одатда Янги Дунёни мустамлака қилишни оқлаш учун кенг фойдаланиладиган турли асосларни, масалан, *император ва папанинг универсал ҳокимияти, кашф этиш ҳуқуқи* ёки *христиан динидан воз кечиш* кабиларни синчковлик билан рад этади. Шунга кўра, у испанлар истилосини оқлаши мумкин бўлган қонуний асосларни тадқиқ қилишдан аввал *"испанлар илк бор варварлар ерларига сузиб кирганларида, уларнинг мамлакатларини босиб олишга ҳеч қандай ҳуқуқлари йўқ эди",* [2, Б.264] деган хулосага келади.

Саламанка университети профессори томонидан испанлар истилосини оқлаш сифатида "биринчи адолатли титул" деб номланган ёрлиқ "табиий ҳамкорлик ва алоқа ҳуқуқи" (*naturalis societas et Communicationis*)га асосланади. Шахсларнинг эркин ҳаракатланиши халқаро ҳуқуқнинг асосий аксиомаси ҳисобланади. Витория эркин ҳаракатланиш принципини ҳар бир давлат учун (хоҳ европа, хоҳ бошқа минтақага оид бўлсин) мажбурий бўлган, одамларнинг табиий мулоқотига асосланган ва азалий меҳмондўстлик анъанаси сифатида эътироф этилган чинакам универсал норма сифатида урғулади.

Ушбу принципга мувофиқ, “агар испанлар варварларга зарар етказмасалар, ушбу мамлакатларга саёҳат қилиш ва у ерда яшаш ҳуқуқига эгадир”. Бундай ҳаракатланиш ҳуқуқи халқаро ҳуқуққа асосланади: у “ёки табиий ҳуқуқ ҳисобланадиган, ёки ундан келиб чиқадиган халқлар ҳуқуқи (*ius gentium*)дан ўзак олади”.

Виторияга кўра, барча халқлар саёҳат қилиш ҳуқуқини халқаро ҳуқуқ қоидаси сифатида тан олдилар, чунки “барча халқлар орасида бегоналарга нисбатан меҳмондўстларча муносабатда бўлиш инсонийлик қоидаси бўлиб, шунга монанд мажбуриятни ҳам юклайди, деб ҳисобланган” [2, Б.278]. Шунингдек, олим бу қоида дунё пайдо бўлганидан бери мавжуд эканлигини ва у дунёнинг турли халқларга бўлиниши натижасида шубҳа остига олинмаганлигини таъкидлайди.

Шундай қилиб, Витория учун эркин ҳаракатланиш одамларнинг табиий мулоқотига асосланган халқаро ҳуқуқ принципи сифатида меҳмондўстлик бурчидан келиб чиқади.

Виториянинг *ius communicationis* қоидаси бошқа давлатнинг ҳудудига кириш ҳуқуқига тенглаштирилади: агар қабул қилувчи жамиятга зарар етказмаса, чет элликларни бошқа давлат ҳудудига қабул қилиш мажбурий ҳисобланади. Унинг фикрига кўра, бундай кириш фақат бир ҳолатдагини, яъни агар у “варварларга зиён ва зарар етказмаса” “қонуний” ҳисобланади. Гарчи Витория мазкур истиснонинг аниқ мазмунини тушунтирмаган бўлса-да, ҳеч қандай жиноят содир қилмаган хорижликлар бошқа давлатга эркин кириши мумкинлигини аниқ баён қилди: “бирор бир жиноятни содир қилишда айбдор бўлмаган ташриф буюрувчиларни мамлакатдан чиқариб юбориш ноқонунийдир” [2, Б.278].

Виториянинг халқлар ҳуқуқи концепциясининг замирида халқлар ўртасида мулоқот қилиш ҳуқуқи ётади: бундай ҳуқуқ нафақат халқаро ҳуқуққа асосланади, балки унинг асл моҳиятинида ташкил қилади. Ушбу ёндашувга таянган ҳолда, мулоқот қилиш ҳуқуқи тенг ҳуқуқли халқлар ўртасида халқаро муносабатларни ўрнатишнинг зарурий шарти ҳисобланади ва, шундай қилиб, бутун халқаро ҳуқуқ мавжудлигининг моҳиятини ифодалайди.

Виториянинг *ius communicationis* принципи **Гуго Гроций** (1583-1645 йй.) томонидан қўллаб-қувватланган ва ривожлантирилган. Гроций нафақат Виториянинг нуқтаи назарини қўллаб-қувватлади, балки эркин ҳаракатланиш принципининг мазмунини ҳам аниқлаштирди, ҳам бойитди. Гроций ушбу принципнинг энг муҳим таркибий қисмлари – ўз мамлакатини тарк этиш ҳуқуқи ва бегона давлатда қолиш ҳуқуқини бир танганинг икки томони сифатида кўрсатди. Бинобарин, Витория халқаро ҳуқуққа мувофиқ одамларнинг эркин ҳаракатланиши учун асосларни белгилаб берган бўлса, Гроций эса унинг мазмунини мустаҳкамлаб, батафсил баён қилди.

Голланд ҳуқуқшуноси “халқаро ҳуқуқнинг тимсоли” ҳисобланган “Очиқ денгиз” номли (1609 йил) асарида биринчи маротаба *jus communicationis* умумий тушунчасини муҳокама қилган. Ҳуқуқшунос мулоқот эркинлигини халқаро ҳуқуққа хос бўлган фундаментал принцип сифатида қуйидаги тарзда тасдиқлади: *“ҳар бир халқ бошқа халқ билан эркин саёҳат қилиши мумкин ва бу халқаро ҳуқуқнинг бузилмас қоидаси бўлиб, бу ўз-ўзидан равшан ва ўзгармас ҳисобланади”* [3, Б.252].

Кейинчалик Гроций бундай қоида барча учун умумий бўлган мулклар (масалан, денгиз) билан чегараланиб қолмай, балки давлатларга тегишли ҳудудларга нисбатан ҳам тааллуқли эканлигини таъкидлайди: *“ҳатто хусусий мулк қилиб берилган ерга ҳам, хоҳ у бир миллатга, хоҳ давлатга тегишли бўлишидан қатъи назар кўплаб халқларнинг вакиллари бўлган кишиларга ўтиш ҳуқуқидан (яъни, қуролсиз ва тинч мақсадда ўтиш) фойдаланишни тақиқлаш ва ушбу ҳуқуқни инкор этиш адолатсизликдир”* [3, Б.253].

Тинч мақсадда ўтиш ҳуқуқи Гроцийнинг машҳур “Уруш ва тинчлик ҳуқуқи” (1625 йил) асарида янада ривожлантирилган. Ушбу асар “халқаро ҳуқуқ биринчи марта тизимли равишда кўриб чиқилган” манба сифатида юқори баҳоланган. “Барча одамлар учун умумий бўлган нарса”ни муҳокама қилар экан, Гроций яна бир бор қайд этадики, “ҳар қандай қуруқлик ва дарёлар ёки ҳар қандай халққа тегишли бўлган денгизнинг бирор бир қисмидан адолатли шароитлар тақозо этганда одамларга эркин ўтиш ҳуқуқи берилиши шарт”. Виториянинг қарашларини қўллаб-қувватлаган ҳолда, Гроций эркин

ўтиш ҳуқуқи рад этилган тақдирда уни куч билан талаб қилиш мумкин, деган хулосага келади [4, Б.110].

Гроций масалага янада чуқурроқ ёндашиб, иккита энг муҳим тушунчани - *ўз мамлакатини тарк этиш ҳуқуқи* ва *хорижий давлатда қолиш ҳуқуқини* аниқ ва бир оз замонавий атамалар билан ифодалади. Биринчи тушунча борасида, Гроций "бир киши ўз мамлакатини тарк этгандаги ҳолат"га алоҳида эътибор берган [4, Б.110].

Цицероннинг мамлакатдан чиқиш эркинлигини "эркинликнинг асоси" сифатида кўрадиган қарашини қўллаб-қувватлаган ҳолда, Гроций ўз мамлакатини тарк этиш ҳуқуқи мутлақ эмаслигини тан олди, чунки мазкур ҳуқуқ ҳам қарздорлар учун, ҳам уруш даврида жамоат манфаатлари учун чеклашларга учраши мумкин. Бундай истисноли ҳолатлардан ташқари, "халқлар ҳар кимга давлатдан чиқиб кетиш эркинлигини қолдиради" принципи сақланиб қолди.

Ўз мамлакатини тарк этиш ҳуқуқи хорижий давлатда қолиш ҳуқуқи билан тўлдирилади ва мустаҳкамланади. Бу эркин ҳаракатланиш натижасида бегона мамлакатда қолиш масаласини ўрганмаган Витория билан солиштирганда Гроцийнинг яна бир муҳим қўшимча афзаллигини намоён қилади.

Ўз мамлакатини тарк этиш ҳуқуқи каби хорижий давлатда қолиш ҳуқуқи ҳам мутлақ эмас: ушбу ҳуқуқ хорижий мамлакатда қолиш учун "адолатли сабаб"нинг мавжудлигини ва чет элликларнинг мезбон давлат қонунларига риоя қилишларини назарда тутади.

Ҳимояга лойиқ бўлган шахслар ва унга муносиб бўлмаган шахслар ўртасида чегарани белгилаш орқали жабрдийдалар ва жиноятчилар ўртасидаги тафовутли жиҳатлар қочоқ тушунчасининг замонавий таърифини аниқ белгилашда намоён бўлди. Бироқ, Гроцийнинг ҳиссаси бошпана тақдим этиш масаласи билан чекланмайди.

Гроций Витория томонидан бошланган мунозараларни сезиларли даражада бойитди. У нафақат халқлар ўртасида мулоқот қилиш ҳуқуқини халқаро ҳуқуқнинг барча давлатлар учун мажбурий бўлган универсал нормаси сифатида тасдиқлади, балки бу принципни янада мустаҳкамлади ва такомиллаштирди, яъни ўзаро боғлиқ бўлган икки ҳуқуқни: *тарк этиш (ўз мамлакатини) ва кириш (бошқа давлатга) ҳуқуқини эркин ҳаракатланишнинг асосий принциплари* сифатида белгилаб берди.

Витория ва Гроцийдан фарқли ўлароқ, халқлар ҳуқуқи доктринасининг кейинги тадқиқотчилари давлатлар ўз хоҳишларига кўра чет элликларни қабул қилишни рад этиш ҳуқуқига эга эканлигини таъкидладилар. Илмий тафаккурдаги ушбу ўзгариш, афтидан, 1648 йилда Вестфалия тинчлик шартномаси билан тасдиқланган давлат суверенитетининг мустаҳкамланиши билан бир вақтга тўғри келди. Халқлар ҳуқуқи доктринаси доирасида суверен ҳокимиятнинг чет элликларни қабул қилишни рад этишининг асоси иккита бир-бирини тўлдирувчи қуйидаги тушунчаларга асосланган эди: Пуфендорф томонидан таклиф қилинган давлатнинг сабаби ва Вольф томонидан ишлаб чиқилган давлатнинг патримониал концепцияси.

**Самуэль Пуфендорф** (1632-1694 йй.) Виториядан мерос қолган ва Гроций томонидан ишлаб чиқилган халқлар ўртасидаги мулоқот ҳуқуқидан воз кечган дастлабки олимлардан бири ҳисобланади. Немис профессори хорижликларни қабул қилишни рад этишни турли хил нормалар тўплами билан тартибга солинадиган иккита қарама-қарши тушунча сифатида ажратди. Эмиграция масаласида Пуфендорф 1672 йилда нашр этилган "Табиат ва халқлар қонуни" асарида "ҳар бир инсон ўз хоҳишига кўра ҳаракатланиш эркинлигини сақлаб қолади", деб тасдиқлайди [5, Б.26–60].

Пуфендорф учун ўз мамлакатини тарк этиш ҳуқуқи умумий эркин ҳаракатланиш принципидан алоҳида бўлиб, ундан ажралиб туради. Ўз мамлакатини тарк этиш ўзига хос ҳуқуққа айланади, ўз ўрнида бошқа мамлакатга кириш эса давлатнинг суверен ваколатига тааллуқли ҳисобланади.

Натижада давлатнинг чет элликларни мамлакатга киришига рухсат бериш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқи, ўз мамлакатини тарк этиш эркинлиги бошқа давлатга кириш ҳуқуқи билан мос келмади. Биринчиси алоҳида шахсларга тааллуқли ҳуқуқ бўлса, иккинчиси эса давлатга тегишли ҳуқуқ эди. Вақт ўтиши билан ушбу фарқ умумқабул

қилинган бўлса-да, Пуфендорф ўзидан олдинги олимларнинг фикрларидан узоқ бўлган бу қарашларининг аниқ мантиқий сабабларини тушунтирмади.

Пуфендорф ҳаракатланиш эркинлигини халқаро ҳуқуқ қоидаси сифатида рад этиб, мунозара шартларини ўзгартирди: суверенитет принципга айланган бўлса, меҳмондўстлик эса истисно ҳолатга. Шундай қилиб, гарчи ушбу икки тушунчани бир-бирига таққослаш шарт бўлмасада, у биринчисини (суверенитет) иккинчисидан (меҳмондўстлик) афзал кўрди. Пуфендорфга кўра, чет элликларга рухсат бериш нафақат инсонпарварлик масаласи сифатида, балки *утилитаризмнинг илк концепцияси*га мувофиқ давлат манфаатларида ҳам қўллаб-қувватланиши лозим эди:

*Инсонийлик, ҳақиқатдан, бизни ўз ватанларидан ўзларининг камчиликлари ва содир этган жиноятлари учун эмас, балки бошқа турли сабаблар билан қувилган кам сонли одамларни қабул қилишга мажбур қилади, айниқса улар ўзларининг бойликлари ва меҳнаткашлиги билан ажралиб туришса ҳамда бизнинг динимиз ва конституциямизга таҳдид солишмаса. Шундай қилиб, биз кўплаб давлатлар, энг аввало, чет элликларга мамлакатларига келиб, улар орасига жойлашишга рухсат бериш орқали буюклик ва фаровонлик чўққиларига кўтарилганини кўрамиз; ўз навбатида бошқалар эса ушбу ривожланиш усулидан воз кечиб, тараққиётнинг паст даражаларига тушишган* [5, Б.26–60].

Аммо, Пуфендорфнинг бу масала борасидаги нуқтаи назари билан, хорижликларга мамлакатга кириш учун рухсат бериш қабул қилувчи давлат томонидан уларга берилган эҳсонга айланди, чунки уларни қабул қилиш учун рухсат беришда асосий эътибор давлатнинг ўз манфаатлари билан белгиланади.

Халқлар ўртасидаги мулоқот ҳуқуқидан давлатнинг дискрециявий ваколатлари (*дискрециявий ваколатлар* (фр. *discrétionnaire* – шахснинг хоҳиш-ихтиёрига қараб) – *қонун билан давлат органлари ёки мансабдор шахсларига ўзларининг ваколатлари доирасида қарорлар қабул қилиш вариантларини танлаган ҳолда ўз ихтиёрига кўра ҳаракат қила олиши*)га ўтиш **Кристиан Вольф** (1679–1754) томонидан қўллаб-қувватланган ва янада мустаҳкамланган. Немис файласуфи давлатнинг хорижликларни қабул қилиш борасидаги ўрнини ҳимоя қилишда Пуфендорфдан ҳам кўра мутаассиброқ эди. У, айниқса, давлат чет элликларнинг ўз ҳудудига киришини тақиқлаши мумкинлигини қатъият билан тасдиқлади. У ўзининг “Jus gentium Methodo Scientifica Pertractatum” (1749 йил) асарида *“на бир халқ, на чет эллик бўлган бирор бир шахс бошқа бировнинг ҳудудида ўзига нисбатан ҳеч қандай ҳуқуқни талаб қила олмайди”* деб тушунтирган. Натижада, *“ҳеч бир чет эллик шахсга ҳукмдорнинг тақиқига зид равишда иккинчисининг ҳудудига киришига, ҳатто бирор бир аниқ мақсадда бўлса-да, ҳеч қандай йўл билан рухсат этилмайди”* [4, Б.116].

Бундай ҳолатда давлат ҳатто “ўз ҳудудига кирувчи шахсга жарима солиши ёки маълум бир жарима белгилаган ҳолда киришни тақиқлаши” ҳам мумкин эди. Шундай қилиб, Вольф Пуфендорф томонидан илгари сурилган ғояни мустаҳкамлади ҳамда бу билан Витория ва Гроцийнинг қарашларидан узоқлашишга сабаб бўлди: чет элликларни қабул қилиш давлатнинг дискрециявий ваколатига айланди, бу қоидани бузиш эса жиноий жазо чораларини қўллаш билан таъминланиши белгиланди.

Бундай дискрециявий ваколат давлатнинг *патримониал концепция*сига асосланади, унга кўра давлатнинг ўз ҳудудига эгалик қилиши суверенитетга тенглаштирилади. Вольф ушбу ўхшашликни янада батафсил ривожлантирди. Унинг фикрича, “миллатнинг ҳудудга эгалик қилиши билан суверенитет ўртасида табиий боғлиқлик борки, агар эгалик ўрнатилса, суверенитет ҳам ўрнатилади, агар суверенитет тортиб олинса, эгалик ҳам тортиб олинади”. Шундай қилиб, “давлат ҳукмдорини ҳудуднинг хўжайини (ёки эгаси) деб аташ мумкин, чунки, албатта, у миллатнинг эгасидир” [4, Б.116].

Мулк ҳуқуқи ва ҳудудий суверенитет ўртасидаги бу ассимиляция ўз-ўзидан чет элликларни давлат ҳудудидан чиқариб юборишнинг дискрециявий ҳуқуқига олиб келади: “Миллат хусусий шахс каби мулкка эга бўлиш ҳуқуқига эга. Демак, хусусий мулк эгаси сифатида бошқа ҳар қандай шахсни ўз мулкига киришини тақиқлаши мумкин,

худди шунингдек ҳудуд ҳукмдори ҳам чет элликларнинг унга киришини ман қилиши мумкин".

Ҳудудий суверенитетнинг ушбу концепциясига мувофиқ, ҳар бир давлат чет элликларнинг ўз ҳудудига киришига қандай шароитларда рухсат берилишини ҳал қилиши керак. Дарҳақиқат, "мулкдор ўз мулкини ўзи хоҳлаганча тасарруф этиши мумкин бўлганидек, ҳудуд ҳукмдори чет элликларинг давлатга киришига рухсат бериши мумкин бўлган ҳолатлар ва шартларни белгилаб қўйиши бутунлай унинг иродасига боғлиқдир" [4, Б.117].

Шундай қилиб, чет элликларни қабул қилишни рад этиш учун асослар хорижликларнинг сони, дин ва ахлоқ борасидаги фарқлар, уларнинг жиноят борасидаги қарашлари ва жамоат манфаатлари сифатида асосланилиши мумкин бўлган бошқа сабабларга кўра суверен давлатнинг ихтиёрида қолдирилиши керак.

Ўз концепциясининг радикал оқибатларини юмшатиш учун Вольф давлатнинг дискрециявий ваколатини эркин ўтишга бўлган ҳуқуқ билан мувозанатлаштирди. У табиий ҳуқуқ анъаналарига мувофиқ, ҳудудга эгалик қилиш ва суверенитет "зарар етказмасдан фойдаланиш ҳуқуқи"га зиён келтирмаслигини тасдиқлаган.

Бундай ҳуқуқ узрли сабаблар мавжуд бўлганда ерлар ва дарёлар орқали ўтиш ҳуқуқини, миллатнинг мулки ҳисобланган ерларда қолиш ҳуқуқини ва ўз уйларидан чиқариб юборилганларнинг уларга қайтиши ҳуқуқини ўз ичига олади. Вольф зарар етказмасдан фойдаланиш ҳуқуқининг мазмунидан "чет элликларга соғлиғини тиклаш, таълим олиш ёки савдо қилиш мақсадида биз билан қолишига рухсат бериш керак" деган қоидаларни истисно қилади.

Халқаро ҳуқуқ бўйича бирор бир асар **Эмер де Ваттель** (1714-1767 йй.)нинг "Халқлар ҳуқуқи" асари каби кенг ўрганилмаган ёки иқтибос келтирилмаган. 1758 йилда нашр этилган ушбу асар келгуси асрлар учун мисли кўрилмаган ва мустаҳкам таъсирга эга бўлди.

Ваттелнинг қарашлари судлар ва шарҳловчилар томонидан кўпинча нотўғри талқин қилинган бўлса-да, у эркин ҳаракатланиш тарафдорлари ва давлат суверенитети тарафдорлари ўртасидаги олтин оралиқни ўзида мужассам этади. Бир томондан, швейцариялик олим эмиграция ва иммиграция атамаларини уларни бугунги кун нуқтаи назаридан тушуниш билан солиштирганда бироз одатий шартларда қўллаб-қувватлади ва шакллантирди. Бошқа томондан эса, у хорижликларни қабул қилиш соҳасидаги давлат суверенитетини иккита муҳим шарт билан мувозанатлаштирди ва талқин қилди: тинч мақсадда ўтиш ва зарурат.

Устози Вольфдан фарқли ўлароқ, Ваттель "эмиграция эркинлиги" масаласига узоқ шарҳ берган. У қуйидаги тамойилни эътироф этган: "ҳар бир инсон ўз мамлакатини тарк этиб, бошқа ҳар қандай давлатга кириш ва у ерда жойлашиш ҳуқуқига эга, агар бу билан у ўз мамлакати фаровонлигига хавф туғдирмаса" [6, Б.176]. Мамлакатни тарк этишнинг ушбу чекланган ҳуқуқи мамлакат фуқароларига ҳам, чет элликларга ҳам тегишлидир.

Шу билан бирга, эмиграция эркинлиги фақат тинчлик даврида қўлланилади ва жамоат манфаатлари ортга қайтишни талаб қилиши мумкин. Ваттель халқларнинг сиёсий қонунлари бу борада бир-биридан катта фарқ қилишини таъкидлаб, давлат амалиётининг уч турини ажратади:

Баъзи халқларда, ҳар доим, ҳақиқий уруш ҳолатлари бундан мустасно, ҳар бир фуқарога ўзи хоҳлаган вақтда, ҳеч қандай тушунтиришсиз давлатда бўлмаслик ва ҳатто мамлакатни бутунлай тарк этишга рухсат берилиши мумкин. Баъзи бошқа давлатларда ҳар бир фуқарога иш юзасидан хорижга чиқиш эркинлиги берилади, лекин сувереннинг бевосита рухсатисиз ўз мамлакатини бутунлай тарк этишга рухсат берилмайди. Ва ниҳоят, шундай давлатлар борки, ҳукуматнинг қаттиққўллиги ҳеч кимга катта қийинчилик билан расмийлаштириладиган паспортга эга бўлмасдан мамлакатни тарк этишга имкон бермайди.

Юқоридаги ҳолатларнинг ҳаммасида, агар қонуний ҳокимият томонидан чиқарилган бўлса, амалдаги қонунларга риоя қилиш керак. Аммо охирги ҳолатда, суверен ҳукмдор

ўз ҳокимиятини суиистеъмол қилмоқда ва ўз фуқароларига саёҳат қилиш учун рухсат бермаган ҳолда уларни чидаб бўлмас қуллик ҳолатига солмоқда, ваҳоланки, у бундай рухсатни давлатга ноқулайлик ва хавф туғдирмаган ҳолда берса бўларди.

Эркин эмиграцияни асоссиз чеклашларга қарши ўз нуқтаи назарини қўллаб-қувватлаш учун Ваттель "фуқаро ўз мамлакатидан воз кечиш ва уни бутунлай тарк этиш борасида мутлақ ҳуқуққа – ижтимоий шартноманинг табиатидан келиб чиқадиган сабабларга асосланган ҳуқуққа эга" [6, Б.176], деб қатъий таъкидлайди.

Бундай фундаментал ҳуқуқ қуйидаги учта ҳолатда юзага келади: 1) давлат ўз фуқароларини тирикчилик манбаи билан таъминлай олмаса, 2) давлат фуқаролар олдидаги ўз мажбуриятларини бажармаса ёки 3) давлат фуқаролар учун бажарилиши ҳаддан зиёд қийин бўлган қонунларни (масалан, виждон эркинлигини бузувчи) қабул қилса. Гарчи унинг мантиқий асослари биринчи навбатда табиий ҳуқуққа асосланган бўлса-да, Ваттель эмиграция эркинлиги позитив ҳуқуқнинг бир қанча манбаларидан, хусусан, давлат конституцияси, суверен томонидан берилган тўғридан-тўғри рухсатнома ва халқаро шартномалардан келиб чиқиши мумкинлигини қайд этади.

Эмиграция эркинлигидан фарқли ўлароқ, чет элликларни қабул қилиш қабул қилувчи давлатнинг ҳудудий суверенитети кучидан келиб чиққан ҳолда унинг ваколатига киради. Ваттель ҳам, Вольф сингари, қуйидаги фикрни тасдиқлайди:

*Давлат чет элликларнинг ўз ҳудудига киришини ўзи учун фойдали деб ҳисоблаган ҳолда хорижликлар учун бутунлай, ёки алоҳида ҳолларда, ёки маълум шахслар тоифаси учун, ёки муайян аниқ мақсадларда тақиқлаши мумкин. Бу ҳолатларнинг барчаси давлатнинг суверенитети ва ҳудудий устуворлиги ҳуқуқидан келиб чиқади* [4, Б.121].

Ваттелнинг фикрига кўра, зарурият ҳуқуқи нуқтаи назаридан хорижликларнинг мамлакатга киришини рад этиш ҳуқуқига нисбатан уларнинг тинч мақсадда ўтишига рухсат бериш мажбурияти устундир. Натижада, зарурият ҳуқуқи чет элликларга давлат томонидан тақиқланган ўтишни бекор қилдиришга мажбурлаш имконини беради. Ваттель буни қуйидагича изоҳлайди:

*Хорижликларнинг давлат ҳудудидан ўтиш ҳуқуқи мулоқотнинг ибтидоий кўринишларидан мерос бўлиб қолган, қачонлардир бутун ер юзи инсоният учун умумий бўлган ва ҳудудлардан ўтиб юриш ҳар бир индивиднинг эҳтиёжларидан келиб чиқиб ҳамма жойда эркин бўлган. Ҳеч ким мазкур ҳуқуқдан бутунлай маҳрум қилиниши мумкин эмас. Аммо, ушбу ҳуқуқдан фойдаланиш эгалик ва мулкнинг жорий этилиши билан чекланган, бу эса бошқаларнинг хусусий мулк ҳуқуқларига етарлича эътибор бермасдан ўтиш ҳуқуқини амалга ошира олмаслигимизга олиб келади. Мулкнинг самараси шундан иборатки, мулкдорнинг устуворликлари бошқа барчанинг устуворликларидан устун бўлиши лозим. Шу сабабли, қачонки ҳудуднинг эгаси сизга унинг ҳудудига киришни рад қилса, сизда ушбу ҳудудга унинг қаршилигига қарамасдан кириш учун унинг барча сабабларидан ҳам асослироқ сабаб бўлиши шарт. Зарурият ҳуқуқининг моҳияти шунда: мазкур ҳуқуқ бошқа барча ҳолатларда ноқонуний бўлган, яъни эганинг ҳуқуқларини бузадиган ҳаракатларингизни оқлайди* [4, Б.124].

Ҳудудий суверенитет ва зарурият ҳуқуқи ўртасидаги бундай мувозанат натижасида Ваттель қуйидагича хулосага келади: "Агар ҳақиқий зарурат сизни бошқа бировнинг ҳудудига киришга мажбур қилса, масалан, муқаррар хавфдан қочиб қутилишнинг бошқа имкони бўлмаса, ёки яшаш учун зарур воситаларга эга бўлиш ёки бошқа зарур мажбуриятларни бажариш учун бошқа йўл йўқ бўлса, - агарда бундай вазиятларда сизга ҳудудга кириш ноҳақ рад этилса, сиз амалдаги тақиқни бузган ҳолда ҳудудга киришингиз мумкин".

Бундан келиб чиққан ҳолда, Ваттель томонидан илгари сурилган зарурият ҳуқуқи инсон ҳуқуқларининг жиддий бузилиши хавфи мавжуд бўлганда шахсни чиқариб юбормаслик (**non-refoulement**) борасидаги давлатлар мажбуриятининг ўтмишдоши бўлганлиги юзасидан хулосага келиш мумкин. Бироқ, унинг зарурият ҳуқуқи чет элликларни киришига рухсат бериш тўғрисида қарор қабул қилиш борасидаги давлат ваколати тамойилидан истисно бўлиб қолмоқда.

Шунга кўра, Ваттелнинг концепцияси Витория ва Гроций томонидан ишлаб чиқилган эркин ҳаракатланиш режимидан фарқ қилади. Шундай қилиб, унинг заруият ҳуқуқига асосланган новаторлик қурилмаси биринчи навбатда махсус рухсатномасиз чет элликларнинг мамлакатга киришини тақиқлаган Хитой ва Япония каби жуда оз сонли давлатларга нисбатан қўлланилиши лозим эди.

Ваттелнинг қайд этишича, кўплаб бошқа давлатлар амалиётида, масалан, Европа қитъасида, одамларнинг эркин ҳаракатланиши қуйидаги мазмундаги қоида бўлиб қолган: "Европада давлатга душман бўлмаган ҳар бир киши учун барча ҳудудларга кириш эркин, фақат баъзи мамлакатларда дайдилар ва қувғинга учраганлар бундан мустасно бўлиши мумкин".

Витория, Гроций ва Ваттелнинг қарашлари кўрсатадики, халқаро ҳуқуққа оид масалаларнинг илк тадқиқотчилари миграция соҳасидаги давлатнинг мутлақ устуворлигини тан олишдан йироқ бўлишган. Аксинча, давлат суверенитети тушунчасининг ўзи заруият ҳуқуқига ёки халқлар ўртасидаги мулоқот ҳуқуқига асосланган чекланган кириш ҳуқуқига мос келади деб ҳисобланган.

Қанчалик ажабланарли бўлмасин, халқлар ҳуқуқи доктринаси бузиб талқин қилинган ва иммиграция чекловларини ҳудудий суверенитетнинг табиий натижаси сифатида оқлаш учун ишлатилган. Иммиграция назорати ҳақидаги бу мулоҳаза бугунги кунда одатий ҳолга айланган. Мисол учун, 2004 йилда Буюк Британия Олий суди ўзининг машҳур Прага аэропорти иши (*Prague Airport case*)да "чет элликларни қабул қилиш, четлаштириш ва чиқариб юбориш ваколати суверен давлатнинг бирламчи ва энг кенг эътироф этилган ваколатларидан бири эди", деб таъкидлади.

Бироқ, фикримизча, бундай умум эътироф этилган фикр ҳам тарихий, ҳам норматив сабабларга кўра нотўғри асосларга таянади. Дарҳақиқат, чет элликларни чиқариб юбориш ҳуқуқи давлатнинг бирламчи мутлақ ҳуқуқи эканлиги ҳақидаги мулоҳаза нотўғри ва жуда зиддиятли ҳисобланади. Аксинча, чегаралар орқали эркин ҳаракатланиш инсоният тарихида азалдан истисно эмас, балки қоида бўлиб келган. Бундан ташқари, XVI асрдан XVIII аср охиригача миллий давлатчиликнинг ривожланиши ва унинг кўзга кўринмас натижаси бўлган ҳудудий суверенитет чегара назоратининг жорий этилиши билан мувофиқ келмади. Бунинг ўрнига, узоқ вақт давомида чекловлар асосан ҳар бир давлатнинг ҳудуди бўйлаб фуқароларнинг ҳам, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳам ички ҳаракатига нисбатан жорий қилинди (авваламбор, солиққа тортиш мақсадида). Аксинча, хорижликларни қабул қилиш анъанавий равишда қабул қилувчи давлатларнинг қудратини мустаҳкамлаш воситаси сифатида қаралган (биринчи навбатда, демографик ва иқтисодий сабабларга кўра). Бундай ёндашув XIX асрнинг катта қисмида XX аср бошларида иммиграция назорати жорий этилгунга қадар ҳукмронлик қилди.

Миграция жараёнларида давлат суверенитети ва эркин ҳаракатланишнинг ўзаро нисбати борасидаги илмий мунозараларда мамлакатимиз олимлари ҳам ўз ёндашувлари билан иштирок этмоқда [9, Б.1087]. Хусусан, Л.Исоқов "ҳозирги кунгача эмиграция инсон ҳуқуқлари сифатида эътироф этилиши ва иммиграция эса миллий суверенитет масаласи ҳисобланиши ўртасида қарама-қарши фикрлар мавжудлиги" [7, Б.21] юзасидан фикрини илгари сурган бўлса, олимлар Ш.Рахманов ва С.Ишанходжаевлар эса "чет эл фуқаросининг янги жамиятдаги ўрни ва унинг бу ерда муваффақияти қабул қилувчи мамлакат фуқаролари даражасига тенг ёки мутаносиб ҳуқуқий мақомга эга бўлиш имконияти орқали белгиланади. Ушбу мақомни бериш қабул қилувчи давлатнинг мутлақ ваколатидир" [8, Б.212] деган ёндашувни қўллаб-қувватлайди. Мазкур ёндашув кўпроқ С.Пуфендорф ва К.Вольфларнинг қарашларидан келиб чиқади ва давлат суверенитетининг устуворлиги борасидаги замонавий нуқтаи назарларга ҳамоҳанг ҳисобланади.

Умуман олганда, замонавий миграция жараёнларининг назарий-ҳуқуқий асослари узоқ ўтмишга бориб тақалади ҳамда мумтоз халқаро ҳуқуқ намоёндаларининг давлат суверенитети ва эркин ҳаракатланиш борасидаги қарашларидан ўзак олади. Бу борадаги

илмий мунозараларнинг кенг қамровлилигига қарамасдан уларнинг асоси *учта асосий мактаб* (Витория ва Гроций, Пуфендорф ва Вольф, Ваттель) ғояларига таянади, деган хулосага келиш мумкин.

**Иқтибослар/Сноски/References:**


1. V. Chetail. Sovereignty and Migration in the Doctrine of the Law of Nations: An Intellectual History of Hospitality from Vitoria to Vattel, (2016) 27 (4) EJIL.
2. A. Pagden and J. Lawrance. Francisco de Vitoria: Political Writings (CUP 1992).
3. E. Gordon. Grotius and the Freedom of the Seas in the Seventeenth Century, (2008). Willamette Journal International Law and Dispute Resolution.
4. V. Chetail. International Migration Law. Oxford University Press. 2019.
5. F. Palladini. Pufendorf Disciple of Hobbes: The Nature of Man and the State of Nature: The Doctrine of Socialitas, (2008). History of European Ideas.
6. Emmerich de Vattel. The Law of nations or the principles of natural law in four books. Lonang Institute. 2005.
7. Л.Исоқов. Мигрантлар ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш: қиёсий-ҳуқуқий таҳлил. Юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси автореферати. – Т: 2022.
8. Ишанходжаев, С. А., & Рахманов, Ш. Н. (2022). Германияда миграция жараёнини бошқаришнинг ўзига хос жиҳатлари. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2(6), 210-220.
9. Sulaymanov, O., & Rasulov, J. (2021). Abolition Of Forced Labour: Case Of Uzbekistan. Turkish Journal of Computer and Mathematics Education, 12(4), 1078-1089.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ
ВЕСТНИК ЮРИСТА
LAWYER HERALD

**РАХМАНОВ Шухрат Наимович**
Доцент кафедры Международного права и прав человека
Ташкентского государственного юридического университета,
кандидат юридических наук, доцент
E-mail: shuxratjon@gmail.com

# СРАВНИТЕЛЬНО-ПРАВОВОЙ АНАЛИЗ ДОГОВОРНЫХ ИСТОЧНИКОВ ПО ОБЕСПЕЧЕНИЮ БЕЗОПАСНОСТИ ПЕРСОНАЛА МЕЖДУНАРОДНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ

**For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): РАХМАНОВ Ш.Н.** Сравнительно-правовой анализ договорных источников обеспечения безопасности персонала международных организаций // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 3 (2023) С. 88-94.

3 (2023) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2023-3-11

**АННОТАЦИЯ**

В настоящей статье проведен сравнительно-правовой анализ международных договорно-правовых источников обеспечения безопасности персонала международных организаций. Раскрыто основное содержание конвенции 1994 года, а также факультативного протокола от 2005 г. и дана юридическая характеристика каждой из вышеперечисленных договорных актов. Рассмотрены основные положения договоров и конвенций, участие Республики Узбекистан в данных договорах и конвенциях, а также раскрыта их роль в защите персонала международных организаций, на основе чего даны соответствующие рекомендации.

**Ключевые слова:** международные организации, дипломатическое право международных организаций, персонал международных организаций, конвенции, договора, защита, иммунитеты и привилегия, неприкосновенность, ООН, Узбекистан.

---

**РАХМАНОВ Шухрат Наимович**
Тошкент давлат юридик университети
Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари кафедраси доценти,
юридик фанлари номзоди, доцент
E-mail: shuxratjon@gmail.com

# ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР ХОДИМЛАРИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ШАРТНОМА МАНБАЛАРИНИ ҚИСЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ

**АННОТАЦИЯ**

Ушбу мақолада халқаро ташкилотлар ходимларининг хавфсизлигини таъминлашнинг халқаро шартномавий ва ҳуқуқий манбаларининг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили келтирилган. 1994 йилги конвенциянинг асосий мазмуни, шунингдек, 2005 йилдаги факультатив баённомаси очиб берилган ва юқоридаги шартнома ҳужжатларининг ҳар бирига ҳуқуқий тавсиф берилган. Асосий шартнома ва

конвенциялар, Ўзбекистон Республикасининг мазкур шартнома ва конвенциялардаги иштироки кўриб чиқилиб, уларнинг халқаро ташкилотлар ходимларини ҳимоя қилишдаги роли очиб берилган ва улар асосида тегишли тавсиялар берилган.
**Калит сўзлар:** халқаро ташкилотлар, халқаро ташкилотларнинг дипломатик ҳуқуқи, халқаро ташкилотлар ходимлари, конвенциялар, шартномалар, ҳимоя, иммунитет ва имтиёзлар, иммунитет, БМТ, Ўзбекистон.

---

**RAKHMANOV Shukhrat**
Acting Professor at Tashkent state University of Law,
Candidate of Juridical Science
E-mail: shuxratjon@gmail.com

## COMPARATIVE LEGAL ANALYSIS OF CONTRACTUAL SOURCES OF STAFF SECURITY OF INTERNATIONAL ORGANIZATIONS

**ANNOTATION**

This article provides a comparative legal analysis of international contractual and legal sources for ensuring the safety of personnel of international organizations. The main content of the convention of 1994, as well as the optional protocol of 2005, is disclosed, and a legal description of each of the above contractual acts is given. The main treaties and conventions, the participation of the Republic of Uzbekistan in these treaties and conventions are considered, as well as their role in the protection of personnel of international organizations is disclosed and, on the basis of this, appropriate recommendations are given.
**Keywords:** international organizations, diplomatic law of international organizations, personnel of international organizations, conventions, treaties, protection, immunities and privileges, immunity, UN, Uzbekistan.

---

На современном этапе международные организации стали составной частью всего процесса развития международных отношений и основной формой многосторонней дипломатии. Среди таких форумов многосторонней дипломатии особо выделяется Организация Объединенных Наций и специализированные учреждения, входящие в ее систему. Одной из необходимых гарантий успешного выполнения целей и задач, стоящих перед международной организацией является обеспечение безопасности ее сотрудников. Как отмечает Я.С.Кургузова, «обеспечение безопасности сотрудников международной организации, работающих зачастую в экстремальных условиях политической напряженности, социальной и экономической нестабильности, – необходимая составляющая и одна из гарантий успешного выполнения самого широкого спектра целей и задач, стоящих перед международной организацией» [1].

В настоящее время посягательства на жизнь представителей международных организаций происходят так часто, что есть основания говорить о регулярности такого противоправного явления. Например, число нападений на персонал ООН в последние несколько лет резко возросло. Как отмечается в Послании Генерального секретаря ООН по случаю международного дня солидарности с задержанными и пропавшими без вести сотрудниками, «По состоянию на 15 марта 2021 г. под стражей содержатся 20 сотрудников ООН, из которых шесть были задержаны в этом году, пять – в 2020 г., а остальные – еще раньше» [2].

Безопасность дипломатических представителей международных организаций всегда была в центре внимания международного сообщества, т.к. они, выступая от имени международной организации не могли воспользоваться суверенной защитой своего государства гражданства, и, кроме того, отсутствовал конвенционный механизм по защите таких лиц. В этой связи, справедливы слова Д.А. Лобача, который отметил,

что, вопрос «о защите персонала ООН и связанного с ней персонала отличается не только особой актуальностью, правовой и политической значимостью. Есть в ней и большой моральный аспект, поскольку речь идет о судьбах тех, кто часто с риском для жизни по мандату ООН реализует волю международного сообщества, т.е. коллективную волю наших с вами правительств, восстанавливая мир, основы гражданского общества и нормальную гуманитарную ситуацию» [3].

В свете сказанного актуализируется вопрос об обеспечении безопасности дипломатических сотрудников международных организаций. В этом смысле, одним из эффективных способов решения проблемы является его конвенционная регламентация. **Данный вопрос нашел договорное закрепление в связи с принятием Конвенции о безопасности персонала ООН и связанного с ней персонала [4] и Факультативного протокола к Конвенции о безопасности персонала ООН и связанного с ней персонала [5].**

Далее здесь приведем **критический** (**международно-правовой анализ**) анализ имеющийся конвенционной базы по защите и обеспечению безопасности дипломатических сотрудников международных организаций на примере **Конвенции о безопасности персонала ООН и связанного с ней персонала от 9 декабря 1994,** как многостороннего международного договора.

Для принятия конкретных шагов по практической защите международного персонала государства-члены ООН по инициативе Новой Зеландии и Украины приступили к разработке Конвенции о безопасности персонала Организации Объединенных Наций и связанного с ней персонала.

Таким образом, **9 декабря 1994 г. Генеральная Ассамблея ООН Резолюцией 49/59 на своем 84-ом пленарном заседании 49-ой сессии приняла Конвенцию о безопасности персонала ООН и связанного с ней персонала** (далее – Конвенция 1994 г.). Конвенция 1994 г. вступила в силу 15 января 1999 г. На 1 июня 2022 г. участницами Конвенции 1994 г. являются 95 государств [6], Узбекистан также участвует. Республика Узбекистан присоединилась к Конвенции 1994 г. в соответствии с Постановлением Олий Мажлиса Республики Узбекистан № 235-I «О ратификации Конвенции о безопасности персонала Организации Объединенных Наций и связанного с ней персонала» от 26 апреля 1996 г. [7].

Так, 12 декабря 2001 г. Генеральная Ассамблея ООН, своей Резолюцией 56/89 учредила **Специальный комитет в сфере правовой защиты, предусмотренной Конвенцией о безопасности персонала Организации Объединенных Наций и связанного с ней персонала,** для рассмотрения рекомендаций, сделанных в докладе Генерального Секретаря о мерах по укреплению и усилению правового режима защиты персонала Организации Объединенных Наций и связанного с ней персонала [8].

В соответствии с Конвенцией 1994 г., Персонал ООН и связанный с ней персонал, их материально-технические средства и помещения не должны становиться объектом нападения или любых действий, препятствующих выполнению этим персоналом своего мандата. Государства-участники принимают все надлежащие меры в целях обеспечения безопасности и защиты персонала ООН и связанного с ней персонала. В частности, государства-участники предпринимают все необходимые шаги для защиты персонала ООН и связанного с ней персонала, размещенного на их территории.

В связи с вышесказанным отметим, что, Конвенция 1994 г., устанавливает, что преднамеренное совершение:

a) убийства, похищения или другого нападения, направленного против личности или свободы любого члена персонала Организации Объединенных Наций и связанного с ней персонала;

b) насильственного нападения на служебные помещения, жилые помещения или транспортные средства любого члена персонала Организации Объединенных Наций и связанного с ней персонала, которое может подвергнуть опасности личность или

свободу этого члена персонала;

c) угрозы любого такого нападения с целью принудить физическое или юридическое лицо совершить любые действия или воздержаться от их совершения;

d) попытки любого такого нападения; и

e) действия, представляющего собой соучастие в любом таком нападении или в совершении попытки такого нападения, или в организации либо отдаче приказа о совершении такого нападения, должно быть признано каждым государством-участником преступлением по его национальному законодательству.

Таким образом, Конвенция 1994 г., в связи с вышеуказанным устанавливает, что Государства-участники сотрудничают в деле предотвращения преступлений, прежде всего путем:

a) принятия всех практически осуществимых мер по предотвращению приготовлений на своих соответствующих территориях к совершению этих преступлений в пределах или за пределами своих территорий; и

b) обмена информацией в соответствии со своим национальным законодательством и координации принятия административных и других соответствующих мер для предотвращения совершения таких преступлений.

Анализ данного вопроса приводит к необходимости рассмотрения положения о посягательстве на дипломатических представителей международных организаций в качестве преступления международного характера и об отличии этой категории правонарушений от международных преступлений. Общепризнанным является деление международных правонарушений на отдельные разновидности. Традиционная доктрина международного права признает три группы международных правонарушений: международные преступления, преступления международного характера и другие международные правонарушения (международные деликты), однако современная доктрина международного права объединяет преступления международного характера и международные деликты в единую группу преступлений международного характера. В этой связи, отметим, что «международное правонарушение – это действие или бездействие субъекта международного права, нарушающего нормы международного права и свои международные обязательства, наносящее другому субъекту или группе субъектов международного права или всему международному сообществу в целом ущерб материального или нематериального характера».

Возвращаясь к Конвенции 1994 г., отметим, что она установила новые параметры защиты дипломатических агентов международных организаций от преступных посягательств.

Согласно ст. 1 Конвенции 1994 г., к категории персонала ООН относятся члены всех компонентов операции ООН по поддержанию мира, а также должностные лица и командированные ООН эксперты, которые находятся в районе проведения операций ООН в официальном качестве.

К категории персонала, связанного с ООН, относятся: лица, назначенные государствами и межправительственными организациями, лица, привлеченные Генеральным секретарем, и лица, направленные гуманитарной неправительственной организацией в соответствии с соглашением с Генеральным секретарем или со специализированным учреждением.

Конвенция запрещает любое нападение на персонал ООН и связанный с ней персонал, их материально-технические средства и помещения и обязывает государства-члены обеспечивать безопасность и защиту такого персонала, в частности защиту от преступлений.

Предусмотренные Конвенцией 1994 г. насильственные действия во многом совпадают с составами, закрепленными в ст. 2 Конвенции 1973 г. Согласно Конвенции 1994 г., к таким актам относятся любые следующие деяния: убийства, похищения или другие нападения, направленные против личности или свободы любого члена персонала

ООН и связанного с ней персонала, насильственные нападения на служебные помещения, жилые помещения или транспортные средства такого персонала; угроза любого такого нападения, попытка совершить его и действие, представляющее собой соучастие в любом таком нападении или в совершении попытки такого нападения. Государства-участники Конвенции 1994 г. обязаны признать такие действия преступлением по их национальному законодательству и установить соответствующее наказание с учетом их тяжкого характера. При этом право государств устанавливать соответствующие наказания за такие преступления неоспоримо.

Чтобы расширить сферу действия Конвенции 1994 г., в ходе работы Специального комитета в период с 11 по 15 апреля 2005 г. был разработан Факультативный протокол к Конвенции 1994 г. и предложен для принятия на 60 сессии Генеральной Ассамблеи ООН. **Факультативный протокол к Конвенции о безопасности персонала Организации Объединенных Наций и связанного с ней персонала** был принят 23 декабря 2005 г. и открыт для подписания с 16 января 2006 г. по 16 января 2007 г.

Как подчеркивает Ю.Донской: "Этот новый международно-правовой документ расширяет круг сотрудников Организации и связанного с ней персонала, которые будут подпадать под правовую защиту, предусмотренную Конвенцией. Конвенция о безопасности персонала ООН предусматривает особую правовую защиту лишь для миротворцев ООН. В новом Факультативном протоколе подчеркивается, что сфера правовой защиты, предусмотренная этой Конвенцией, должна распространяться не только на участников миротворческих миссий, но и на персонал операций ООН, которые проводятся в целях оказания гуманитарной помощи, помощи в области развития на этапе миро строительства и политических миссий" [9].

Отметим, что Факультативный протокол дополняет Конвенцию о безопасности персонала ООН и связанного с ней персонала, принятую в Нью-Йорке 9 декабря 1994 г. и для участников Факультативного протокола Конвенция и Протокол читаются и толкуются как единый документ.

В Факультативном протоколе отмечается, что Участники Протокола в дополнение к операциям, определенным в ст. 1c Конвенции 1994 г., применяют Конвенцию 1994 г. в отношении всех других операций ООН, учрежденных компетентным органом ООН согласно Уставу ООН и проводимых под руководством и контролем ООН в целях:

a) оказания гуманитарной и политической помощи или помощи в области развития на этапе миростроительства, или

b) оказания чрезвычайной гуманитарной помощи.

Нельзя не признать тот положительный роль, которую играет Конвенция 1994 г. в настоящее время. По сути, она является надежным международно-правовым инструментом, способным обеспечить эффективное международное сотрудничество в сфере защиты персонала ООН. В этой связи, расширение сферы действия Конвенции 1994 г. с принятием Факультативного протокола к нему, а также его универсализация, путем присоединения к нему всех государств явится надежным механизмом защиты персонала ООН, пресечения преступлений и нападений на них, и, самое главное, создаст положительный прецедент для защиты дипломатических агентов всех действующих международных организаций, что в перспективе может привести к принятию новой Всеобъемлющей конвенции о защите персонала международных межправительственных и неправительственных организаций и связанных с ним персонала.

На 1 июня 2022 г. всего 95 стран являются участниками Конвенции 1994 г. и только 33 – Факультативного протокола [10].

Однако, Конвенция о безопасности персонала Организации Объединенных Наций и связанного с ней персонала ратифицирована менее чем половиной государств-членов, и свыше 80 процентов государств-членов еще не ратифицировали Протокол 2005 года к этой Конвенции, в силу которого защита распространяется на персонал ООН, занимающийся оказанием гуманитарной, политической помощи или помощи в целях развития [11]. Генеральный секретарь ООН призвал те государства, которые еще не

сделали этого, ратифицировать Конвенцию 1994 г. и стать участником нового протокола к ней.

Принятие Конвенции 1994 г. явилось ответом на участившиеся случаи нападений на персонал ООН, особенно на миротворцев. В этой связи, отметим некоторые особенности Конвенции 1994 г.:

*Во-первых,* в Конвенции 1994 г. подход к проблеме является новым, чем в Конвенции 1973 г. и других документах. В Конвенции 1994 г. отмечено, что она принята «в связи с глубокой обеспокоенностью растущим числом убитых и раненых в результате преднамеренных нападений на персонал ООН и связанный с ней персонал». При этом в Конвенции 1994 г. особо подчеркнут моральный аспект преступлений против миротворцев – людей, призванных действовать во благо всего человечества, в целях поддержания мира и безопасности, обеспечения стабильного развития общества. Например, пятьдесят шесть миротворцев ООН умерли насильственной смертью в 2017 г., что стало печально рекордным показателем с 1994 г. С 2013 г. наметилась тенденция к росту числа жертв среди миротворцев. 195 человек личного состава миротворческих миссий ООН были убиты в результате актов насилия – больше, чем за любой другой пятилетний период в истории [12];

*Во-вторых,* Конвенция 1994 г. не предлагает решение проблемы, связанное с предполагаемыми преступниками, если государство, в пределах которого проходит операция по поддержанию мира, зачастую не контролирует свою территорию. Кому они будут выдаваться, и кто их должен судить, возможна ли универсальная юрисдикция по данной категории дел?

*В-третьих,* в свете Конвенции 1994 г. обнажается коллизия между целями проводимых миротворческих и гуманитарных операций и беззащитностью персонала, принимающего в них участие.

Таким образом, как мы указывали ранее в рамках своих отдельных публикаций [12], отметим, что в рамках дипломатического права международных организаций сформировалась конвенционная основа, которая, в частности, регламентирует вопросы обеспечения безопасности дипломатического персонала международных организаций.

Однако, существующая конвенционная база не является столь эффективным. В связи с этим, считаем, что государства должны ратифицировать Конвенцию 1994 г. и Протокол к нему от 2005 г.

**Иқтибослар/Сноски/References:**

1.Кургузова Я.С. Функциональная защита международных организаций: Автореф. дисс... канд. юрид. наук. – М.: Дипломатическая академия МИД РФ, 2003. – С. 3.

2.Послание Генерального секретаря по случаю международного дня солидарности с задержанными и пропавшими без вести сотрудниками // https://unrcca.unmissions.org/ru/послание-генерального-секретаря-по-случаю-международного-дня-солидарности-с-задержанными-и. Нью-Йорк, 25 марта 2021 г.

3.МИД России о Конвенции о безопасности персонала ООН. Выступление Представителя России Д.А. Лобача на заседании VI Комитета ГА ООН по пункту повестки дня 161 «Сфера правовой защиты, предусмотренной Конвенцией о безопасности персонала ООН и связанного с ней персонала» от 1 октября 2002 г. // http://www.un-museum.ru/vestnik/253.htm#3.

4.Конвенция о безопасности персонала ООН и связанного с ней персонал. Принята резолюцией 49/59 Генеральной Ассамблеи от 9 декабря 1994 г. // https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/un_personnel_safety.shtml.

5.Факультативный протокол к Конвенции о безопасности персонала ООН и связанного с ней персонала. Принят резолюцией 60/42 Генеральной Ассамблеи от 8 декабря 2005 г. // https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/prot_safetypersonal.shtm

6.URL: https://treaties.un.org/pages/ViewDetails.aspx?src=TREATY&mtdsgno=XVIII-8&chapter=18

7.Постановлением Олий Мажлиса Республики Узбекистан № 235-I «О ратификации Конвенции о безопасности персонала Организации Объединенных Наций и связанного с ней персонала» от 26 апреля 1996 г // URL: http://www.lex.uz/docs/2649754

8.URL: https://undocs.org/ ru/A/RES/56/89

9.Донской Ю. Подписали ли Израиль и Ливан протокол к Конвенции о безопасности персонала ООН? // URL: http://www.un-museum.ru/vestnik/253.htm#3

10.URL: https://treaties.un.org/pages/ViewDetails.aspx?src=TREATY&mtdsgno=XVIII-8-a&chapter=18&clang=en

11.Защита персонала ООН // URL: https://www.un.org/ru/memorial/security.shtml

12.В 2017 году погибло наибольшее число миротворцев ООН за 24 года // URL: https://tass.ru/mezhdunarodnaya-panorama/4894177?utmsource=google.com&utmmedium=organic&utmcampaign=google.com&utmreferrer=google.com.

13.Рахманов Ш.Н. Международные договорно-правовые источники дипломатического права международных организаций и их роль в защите персонала международных организаций. Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили – Uzbek law review – Обзор законодательства Узбекистана. Тошкент, 2018, № 4. С. 64-71 https://tsul.uz/files/pdf/uzb_qonunchiligi_tahlili/2018_4_last.pdf.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ
ВЕСТНИК ЮРИСТА
LAWYER HERALD

**ЮНУСОВ Ҳайдарали**
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Давлат ва ҳуқуқ институти илмий ходими, юридик фанлар номзод
E-mail: yunusovkm@gmail.com

## МУРОЖААТ ҚИЛИШ ҲУҚУҚИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ВА ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

**For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): ЮНУСОВ Ҳ.** Мурожаат қилиш ҳуқуқининг конституциявий ва халқаро-ҳуқуқий асослари // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 3 (2023) Б. 95-108.

doi 3 (2023) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2023-3-12

**АННОТАЦИЯ**

Ушбу мақола инсоннинг мурожаат қилиш ҳуқуқи масаласига бағишланган. Унда мурожаат қилиш ҳуқуқининг аҳамияти, объектлари ва субъектлари, уни амалга ошириш шакллари, усуллари, кафолатлари ва тартиб таомилларига оид конституциявий ҳолатлар ёритилган. Хорижий мамлакатлар конституцияларидаги ўхшаш ҳолатлар умумлаштирилган, фарқли жиҳатлар ажратиб кўрсатилган. Шунингдек, муаллиф томонидан халқаро ташкилотлар органларига мурожаат қилишнинг конституциявий асослари кўрсатилган ҳамда унинг Ўзбекистон учун аҳамияти очиб берилган.

**Калит сўзлар**: инсон ҳуқуқлари, конституция, мурожаат қилиш ҳуқуқи, петиция, ариза, таклиф, шикоят, давлат органи, мансабдор шахс, омбудсман, кафолат, халқаро ташкилот, халқаро орган.

---

**ЮНУСОВ Хайдарали**
Старший научный сотрудник Института государства и права Академии наук Республики Узбекистан, кандидат юридических наук
E-mail: yunusovkm@gmail.com

## КОНСТИТУЦИОННЫЕ И МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ ПРАВО НА ОБРАЩЕНИЕ

**АННОТАЦИЯ**

Данная статья посвящена вопросу о праве на обращение. Описаны значение, объекты и субъекты право на обращение, формы, методы, гарантии и порядок его реализации. Проанализированы данные аспекты в конституциях зарубежных стран, выделены их отличительные черты. Также, автор описывает конституционные основы обращения в международные организации и раскрывает их значение для Узбекистана.

**Ключевые слова**: права человека, конституция, право на обращение, петиция, заявление, предложение, жалоба, государственный орган, должностное лицо, омбудсман, международная организация, международный орган.

**YUNUSOV Khaydarali**
Senior researcher of the Institute of State and Law of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan, Candidate of legal sciences
E-mail: yunusovkm@gmail.com

## CONSTITUTIONAL AND INTERNATIONAL-LEGAL FOUNDATIONS OF THE RIGHT TO PETITION

**ANNOTATION**

This article is devoted to the issue of a human right to petition. It describes the importance, objects and subjects of the right to petition, the forms, methods, guarantees and procedures for its realization. Similar situations in the constitutions of foreign countries are summarized, different aspects are highlighted. Also, the author describes the constitutional basis of applying to the bodies of international organizations and reveals its importance for Uzbekistan.

**Keywords**: human rights, constitution, right of petition, application, proposal, complaint, state body, official, ombudsman, guarantee, international organization, international body.

Асосий қонунларда қайд этиладиган инсон ҳуқуқлари орасида шундай ҳуқуқлар мавжудки, уларнинг таъминланиши ҳар қандай ҳуқуқий тизимнинг ишлаш даражаси ва самарадорлигини белгилаб беради. Бу каби ҳуқуқларга мисол сифатида мурожаат қилиш ҳуқуқини келтириш мумкин. Мазкур ҳуқуқ, ўз табиатига кўра, инсон ҳуқуқларининг биринчи авлоди – сиёсий ва фуқаролик ҳуқуқлари туркумига киради. Мурожаат қилиш ҳуқуқининг ўзига хос хусусияти шундаки, унинг ўзи асосий инсон ҳуқуқларидан бири ҳисобланса-да, шу билан бирга, инсоннинг бошқа ҳуқуқларини ҳимоя қилиш воситаси сифатида ҳам намоён бўлади. Бошқача қилиб айтганда, мурожаат қилиш ҳуқуқи инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ҳуқуқдир.

Мурожаат қилиш ҳуқуқи асосида давлат идоралари ва фуқаролик жамияти тузилмаларининг эътибори муайян бир ижтимоий аҳамиятга молик масалага қаратилади ёки шу йўсинда инсон ҳуқуқларининг ҳимояси талаб қилинади. Мурожаатларнинг кўриб чиқиш кафолатини таъминлаш мақсадида қонунчилик ҳужжатларида муайян тартиб ва қонуний муддатлар белгиланган бўлиб, барча давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг уларга риоя этиши мажбурийдир.

Ҳуқуқий амалиётда мурожаат қилиш хуқуқи икки хил маънога эга: *биринчидан,* у шахснинг давлат ва жамият ишларидаги иштирокини ифода этади. Бунда исталган шахс давлат ва жамият ҳаётига оид маълум бир таклиф ва тавсияни кўриб чиқиш учун давлат органларига мурожаат қилади;

*иккинчидан,* у қонун томонидан белгиланган хуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қилиш воситаси сифатида намоён бўлади. Бу каби мурожаатлар асосида инсонлар ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ёки бузилган ҳуқуқларини тиклаш мақсадида судлов ва носудлов органларига юзланадилар.

Мурожаат қилиш ҳуқуқи давлат ва шахс ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлайди ҳамда давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишга хизмат қилади.

Умумлаштириб айтганда, мурожаат қилиш ҳуқуқининг аҳамияти қуйидагиларда намоён бўлади:

*биринчидан*, мазкур ҳуқуқ давлат ва шахс ўртасидаги муносабатларни тартибга солишнинг фаол ва манзилли шаклидир. Инсоннинг мурожаат қилиш ҳуқуқи одатий, пассив ёки маргинал ҳуқуқий хулқ-атвордан фарқли ўлароқ, унинг фаол ҳуқуқий хулқ-атвори бўлиб, қўшимча вақт, куч-ғайрат, саъй-ҳаракат, баъзан эса моддий маблағлар сарфлаш орқали муайян бир мақсадга йўналтирилган, ташаббусга асосланган қонуний фаолиятидир. Ёки бошқача қилиб айтганда, мурожаат қилиш ҳуқуқи бу – субъектларнинг ҳуқуқ нормаларига мос келадиган, юридик оқибатларни келтириб чиқарадиган,

ижтимоий фойдали аҳамиятга эга бўлган, онгли равишдаги хатти-ҳаракати ҳисобланади. Бунинг натижасида давлат ва шахс ўртасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш осонлашади, улар ўртасида мустаҳкам алоқа кўприги барпо этилади, ижтимоий шерикчилик асослари мустаҳкамланади;

*иккинчидан*, инсонларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқи давлат ва жамият ҳаётида индивидларнинг ижтимоий фаоллигини кўрсатувчи ўзига хос ижтимоий барометрдир. Шахс фаоллиги жамият ва давлат фаоллигини келтириб чиқаради, жараёнлар узлуксизлигини таъминлайди. Акс ҳолда, "инерт" жамият ва самарасиз давлат бошқаруви юзага келади. Мурожаат қилиш ҳуқуқи фуқароларда ташаббускорлик руҳини тарбиялайди. Инсон ҳуқуқлари соҳасида давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг фаоллигини талаб қилади, зарурий ислоҳотларни амалга оширишга ундайди;

*учинчидан*, мурожаат қилиш ҳуқуқи ижтимоий шаффофликни таъминлаш воситадир. Давлат ва жамият бошқарувида, хусусан, инсон ҳуқуқлари соҳасида яшириниб ётган камчиликларни кўтариб чиқади, уларнинг "иситмасини ошкор этади".

Халқаро ва хорижий тажрибаларга назар ташласак, мурожаат қилиш ҳуқуқи илғор хорижий мамлакатларнинг конституцияларида аллақачон ўз аксини топганлигини кўрамиз. Германия, Франция, Япония ва бошқа бир қатор ривожланган давлатларнинг конституцияларида инсонларнинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида мурожаат қилиш ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилган. Хусусан, Франциянинг 1958 йил 4 октябрда қабул қилинган V Республика конституциясининг 68-2-моддасида Ҳукумат аъзосининг ўз вазифаларини бажаришда содир этган жинояти ёки ҳуқуқбузарлигидан ўзини жабрланувчи деб ҳисоблаган ҳар қандай шахс текширув комиссиясига шикоят билан мурожаат қилиши мумкинлиги қайд этилган. 71-1-моддада эса давлат хизмати ёки бирор давлат органи фаолияти натижасида ўзини жабрланувчи деб ҳисоблаган ҳар қандай шахснинг Ҳуқуқлар ҳимоячиси (Defenseur des droits)га мурожаат қилиш ҳуқуқи кафолатланган [1].

Германия Федератив Республикасининг 1949 йил 8 майда қабул қилинган ва 23 майда кучга кирган Асосий қонунининг 17-моддаси мурожаат этиш ҳуқуқига бағишланган: "Ҳар ким якка тартибда ёки бошқа шахслар билан биргаликда ваколатли органларга ёки халқ вакиллигига ёзма равишда илтимослар ёки шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадир" [2].

1947 йил 3 майда кучга кирган Япония конституциясининг 16-моддасида ҳар ким зарарни қоплаш, давлат мансабдор шахсларини лавозимидан четлатиш, қонунларни, фармонларни ёки кўрсатмаларни тўғрилаш, киритиш ёки бекор қилиш ҳамда бошқа масалалар бўйича тинч петиция билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги баён этилган [3].

Европа Иттифоқининг амалдаги асосий таъсис ҳужжати Европа Иттифоқи тўғрисидаги Лиссабон шартномасининг 17-22-моддаларида фуқароларнинг эркин ҳаракатланиш ва ўтроқлашиш ҳуқуқи, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи, дипломатик ва консуллик ҳимояси ҳуқуқи, Европа Парламенти ва Иттифоқнинг бошқа институтларига мурожаат қилиш ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқлари ўз ифодасини топган [4].

Европа Иттифоқининг Асосий ҳуқуқлар бўйича хартиясининг V бўлим ("Фуқаролик ҳуқуқлари") 41-44-моддалари эса фуқаролар, резидентлар, Европа Иттифоқи ҳудудида рўйхатдан ўтган жисмоний ва юридик шахсларнинг Европа институтларига мурожаат қилиш ҳуқуқи, жумладан, Европа Парламенти депутатлари ва Европа Омбудсманига шикоятлар йўллаш ҳуқуқини кафолатлайди [5].

Илғор хорижий тажрибалардан келиб чиққан ҳолда *2023 йил 30 апрель куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинган ва 2023 йил 1 майда кучга кирган* Ўзбекистоннинг янги таҳрирдаги Конституциясида инсоннинг мурожаат қилиш ҳуқуқ янада мустаҳкам ўрин олди, унинг кафолати янги механизмлар билан кучайтирилди. Хусусан, унинг 40-моддасига мувофиқ "Ҳар ким бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда давлат органларига

ҳамда ташкилотларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, мансабдор шахсларга ёки халқ вакилларига аризалар, таклифлар ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт" [6].

1992 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасида ҳам ҳар бир шахснинг бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги қайд этиб қўйилган эди [7]. Бу борада киритилган ўзгартиришлар шундан иборатки, эндиликда, янгиланган Конституциянинг 40-моддасига биноан инсонларнинг мурожаати йўлланадиган масъул субъектлар доирасига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва мансабдор шахслар ҳам киритди. Инсон ҳуқуқлари соҳасида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари учун бевосита масъул бўлган миллий институтларга биринчи марта конституциявий мақом берилди. Янги таҳрирдаги Конституциянинг 56-моддасига мувофиқ "Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг мавжуд шакллари ҳамда воситаларини тўлдиради, фуқаролик жамиятини ривожлантиришга ва инсон ҳуқуқлари маданиятини юксалтиришга кўмаклашади. Давлат инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар фаолиятини ташкил этиш учун шарт-шароитлар яратади" [6].

Конституциявий нормалар билан бир қаторда, мамлакатимизда мурожаат қилиш ҳуқуқи билан боғлиқ муносабатлар "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги, "Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида"ги, "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги каби қонунлар билан тартибга солиб келинади.

Айниқса, Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги 2017 йил 11 сентябрдаги ЎРҚ-445-сон Қонуни жисмоний шахслар билан бир қаторда юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, мурожаат қилишда замонавий ахборот воситаларидан фойдаланиш, мурожаатларни кўриб чиқиш муддатларини қисқартиришга оид бир қатор янги нормалар билан бойитилди [8]. Эндиликда мазкур қонунларга янгиланган Конституциянинг руҳи ва мазмун-моҳиятини сингдириш талаб этилади.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартларга мувофиқ, ҳар бир инсон ўз ҳуқуқини ҳимоя қилиш ёки бузилган ҳуқуқларини тиклаш учун нафақат давлат идоралари ва мансабдор шахсларга, балки халқаро ташкилотларнинг органларига ҳам мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Ҳар кимнинг ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қилувчи халқаро органларга мурожаат қилиш ҳуқуқи инсон ҳуқуқлари соҳасидаги нуфузли халқаро ҳужжатларда дарж қилинган ва халқаро стандартга айланган. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси (1948 йил), Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт ва унинг I Факультатив Протоколи (1966 йил), Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт (1966 йил), Ирқий камситишнинг барча шаклларини тугатиш тўғрисидаги халқаро Конвенция (1965), Аёлларга нисбатан барча шаклдаги камситишларга барҳам бериш тўғрисидаги Конвенция (1979), Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши Конвенция (1984), Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция (1989), Меҳнаткаш-мигрантлар ва улар оилалари аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Конвенция (1990), Ногиронлиги бор шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция ва унинг Факультатив Протоколи (2006), Барча инсонларни ўз эркига зид тарзда бедарак йўқолишдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро Конвенция (2006) шулар жумласидандир.

Мазкур ҳужжатларда нафақат инсонларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқи эътироф этилган, балки мурожаатларни кўриб чиқишнинг аниқ механизмлари ва тартиб-таомиллари ҳам белгиланган. Хусусан, 1966 йилда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қиланган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактнинг

28-моддасига мувофиқ 18 кишидан иборат Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита таъсис этилган. Пактнинг IV қисми (28-45-моддалар) ва унинг I Факультатив протоколи мазкур қўмитанинг мақоми, ташкилий тузилмаси, ваколатлари ва фаолиятининг асосий қоидаларини баён қилади [9]. Факультатив протоколнинг биринчи моддасига биноан Пактда иштирок этувчи давлатлар Протокол қатнашчилари бўлиб, улар Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита ваколатини тан олади [10]. Протоколга мувофиқ ўз ҳуқуқлари бузилган ҳолларда алоҳида шахслар, ўз давлатлари устидан Қўмитага мурожаат қилишлари мумкин. Қўмита ўзининг ёпиқ мажлисларида алоҳида шахслардан ҳамда манфаатдор давлатлардан келган ёзма ахборотларни ўрганиб чиқиб, ўз мулоҳазасини ишлаб чиқади ҳамда уни алоҳида шахсларга ва давлатларга йўллайди. Бу соҳада қилинган ишлар бўйича қисқача ахборот ҳар йили Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш маърузаси орқали Бош Ассамблеяга тақдим этилади.

Илғор хорижий тажриба ва халқаро стандартлардан келиб чиқиб, **Ўзбекистоннинг янгиланган Конституциясида биринчи марта фуқароларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро органларга мурожаат қилиш ҳуқуқи эътироф этилди.** Янгиланган Конституциянинг 55-моддасига мувофиқ “Ҳар ким Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ва халқаро шартномаларига мувофиқ, агар давлатнинг ҳуқуқий ҳимояга доир барча ички воситаларидан фойдаланиб бўлинган бўлса, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи халқаро органларга мурожаат этишга ҳақли” [6].

Бунинг маъноси шуки, мамлакатимизда доимий истиқомат қилаётган ёки вақтинча бўлиб турган ҳар бир шахс Ўзбекистон ратификация қилган инсон ҳуқуқлари соҳасидаги асосий шартномаларда белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ёки бузилган ҳуқуқларини тиклаш мақсадида халқаро ташкилотларнинг инсон ҳуқуқларига ихтисослашган органларига, хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг шартномавий қўмиталарига мурожаат қилиши мумкин. БМТ доирасида ташкил этилган Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича қўмита, Ирқий камситишларнинг барча шаклларига барҳам бериш бўйича қўмита, Аёлларга нисбатан барча шаклдаги камситишларга барҳам бериш бўйича қўмита, Қийноқларга қарши қўмита, Бола ҳуқуқлари бўйича қўмита, Ногиронлиги бор шахсларнинг ҳуқуқлари бўйича қўмита, Ўз эркига зид тарзда бедарак йўқолишдан ҳимоя қилиш қўмитаси, Меҳнат мигрантлари ҳуқуқлари бўйича қўмита, Қийноқларга қарши кичик қўмита шулар жумласидандир. Булардан ташқари, ҳар ким махсус процедуралар орқали БМТ Бош Ассамблеясининг Учинчи қўмитаси (Third Committee of the UN General Assembly) [11] ва Бош Ассамблея ҳузуридаги Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши (UN Human Rights Council)га ҳам мурожаат қилиш ҳуқуқига эга [12].

Ҳақиқатни тан олиш лозимки, мамлакатимизда шу пайтгача инсонларнинг халқаро ташкилотлар ва уларнинг органларига мурожаат қилиш ҳуқуқи ҳеч қайси миллий қонунчилик ҳужжатида белгилаб қўйилмаган эди. **Мазкур ҳуқуқнинг янгиланган Конституцияга киритилиши фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини такомиллаштиришда муҳим инқилобий аҳамият касб этади.**

*Биринчидан*, инсонлар ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ёки бузилган ҳуқуқларини тиклаш соҳасида ўзларида янада кўпроқ ишонч ҳосил қиладилар, улар олдингидан ҳам кўпроқ ва яхшироқ ҳимояланганлигини ҳис қила бошлайдилар. Бундай ишонч уларда ҳар қандай жамиятда сиёсий тизим ва бошқарув шакли қандай бўлишидан қатъий назар янада эркин яшаш ҳиссини шакллантиради. У ёки бу сабабларга кўра миллий механизмлар томонидан қаноатлантирилмаган ҳуқуқларни халқаро органлар ёрдамида ҳимоя қилиш имконияти юзага чиқади, **мажозий маънода “охирги умид”нинг янги чегараси пайдо бўлади**.

*Иккинчидан*, ҳар кимнинг халқаро органларга мурожаат қилиш ҳуқуқининг конституциявий асосда мустаҳкамланиши миллий давлат бошқарув органлари

масъулиятини янада оширади. **Эндиликда миллий инстанциялар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида “охирги бекат” эмас.** Жисмоний ва юридик шахсларнинг улар томонидан қондирилмаган мурожаатларининг халқаро инстанциялар томонидан қайта кўриб чиқилиши уларнинг фаолияти самарадорлиги ҳамда мансабдор шахсларнинг – шахсий, давлат ташкилотлари ва ўзини ўзи бошқариш органларининг эса – институционал масъулиятини савол остига қўяди. Улар халқаро органларнинг эҳтимолий босими остида ўз вазифаларига янада масъулият билан ёндашишга мажбур бўладилар.

*Учинчидан*, ушбу ҳуқуқнинг жорий этилиши ортидан инсон ҳуқуқлари соҳасида миллий ва халқаро қонунчиликнинг ўзаро яқинлашуви, миллий ва халқаро механизмларнинг ўзаро узвийлиги юзага келмоқда. Натижада, Ўзбекистон миллий ҳуқуқ тизими халқаро-ҳуқуқий тартиботга янада интеграциялашуви содир бўлади ва, алал-оқибат, инсон ҳуқуқлари соҳасида яхлит ҳуқуқий макон шаклланади. **Эндиликда, Ўзбекистонда худди жаҳоннинг илғор мамлакатларида бўлгани каби инсон ҳуқуқларининг “икки қалқонли” ҳимоя тизими пайдо бўлади.** Уларнинг биринчиси – миллий ҳуқуқий қалқон бўлса, иккинчи – халқаро ҳимоя қалқонидир.

*Тўртинчидан*, мазкур институтнинг янги таҳрирдаги Асосий қонунга киритилиши ва амалга татбиқ этилиши Ўзбекистоннинг халқаро-ҳуқуқий мажбуриятларига мос бўлиб, халқаро ҳамжамият олдидаги имижига ижобий таъсир қилади. Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги асосий халқаро конвенцияларнинг иштирокчиси сифатида улардан келиб чиқадиган мажбуриятларини сидқидилдан бажаришга бўлган иродасини намоён этади. Бундан ташқари, у мамлакатимизда олиб борилаётган очиқлик ва шаффофлик сиёсати ҳамда унинг ортга қайтмас табиатини яна бир бор намойиш қилади. Эндиликда, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги камчиликлар ва нуқсонлар яширилмайди, ҳамма нарса очиқ-ойдин ўз ҳолича намоён бўлади. Инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро органларга мурожаат қилиш амалиёти мамлакатдаги ҳақиқий ҳолатни кўрсатиб беришга хизмат қилади.

**Иқтибослар/Сноски/References:**


1. Texte intégral de la Constitution du 4 octobre 1958 en vigueur: // URL: https://www.conseil-constitutionnel.fr/le-bloc-de-constitutionnalite/texte-integral-de-la-constitution-du-4-octobre-1958-en-vigueur

2. Германия Федератив Республикасининг Асосий қонуни /Масъул муҳаррир, нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи А.Саидов. – Тошкент: Akademnashr, 2019. – 400 б. – Б. 75-77.

3. The Constitution of Japan *based on the English Edition by Government Printing Bureau:* // URL: https://www.ndl.go.jp/constitution/e/etc/c01.html

4. Consolidated versions of the Treaty on the Functioning of the European Union: OJ 26/10/2012/C 26/47: // URL: https://eur-lex.europa.eu/LexUriServ/LexUriServ.do?uri=CELEX:12012E/TXT:en:PDF.

5. Charter of Fundamental Rights of the European Union /Charte des droits fondamentaux de l’Union européenne: http://eur-lex.europa.eu – JO C 83 (389) 2010/C 83/01.

6. Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (2023 йил 30 апрель куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинган) // URL: https://lex.uz/uz/docs/-6445145.

7. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (1992): // URL: https://lex.uz/docs/20596.

8. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (янги таҳрири): // URL: https://lex.uz/docs/3336169.

9. International Covenant on Civil and Political Rights adopted by General Assembly resolution 2200A (XXI) of 16 December 1966: // URL: https://www.ohchr.org/en/instruments-mechanisms/instruments/international-covenant-civil-and-political-rights.

10.Optional Protocol to the International Covenant on Civil and Political Rights adopted by General Assembly resolution 2200A (XXI) of 16 December 1966: // URL: https://www.ohchr.

org/en/instruments-mechanisms/instruments/optional-protocol-international-covenant-civil-and-political.
11.Social, Humanitarian and Cultural Committee (SOCHUM or C3)". // URL: The GA Handbook: A Practical Guide to the United Nations General Assembly (PDF) (2nd ed.). New York: Permanent Mission of Switzerland to the United Nations, 2017.
12.UN Human Rights Council: // URL: https://www.ohchr.org/en/hr-bodies/hrc/about-council.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ
ВЕСТНИК ЮРИСТА
LAWYER HERALD

**МАХАМАТОВ Махмуд**
Тошкент давлат юридик университети Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари кафедраси доценти, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)
E-mail: mmahmud34@mail.ru

## ХОДИМЛАР ВА ИШ БЕРУВЧИЛАР ВАКИЛЛИГИНИ ХАЛҚАРО ВА МИЛЛИЙ ДАРАЖАДА ТАРТИБГА СОЛИНИШИ

**For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): МАХАМАТОВ М.** Ходимлар ва иш берувчилар вакиллигини халқаро ва миллий даражада тартибга солиниши // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 3 (2023) Б. 102-108.

doi 3 (2023) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2023-3-13

**АННОТАЦИЯ**

Мақола меҳнатга оид муносабатларда асосий ўрин тутувчи ходимлар ва иш берувчиларнинг вакиллиги, ижтимоий шериклик масалаларига бағишланган бўлиб, вакиллик ва ижтимоий шерикликни тартибга солувчи халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар, хорижий мамлакатлар тажрибаси, қонунчилиги таҳлил қилинган. Ижтимоий шериклик бўйича шаклланган моделларнинг ҳуқуқий мазмуни ёритиб ўтилган. Вакиллик масалаларини тартибга солишда Европа Иттифоқига аъзо бўлган давлатлар миллий қонунчилиги ҳам бир хил эмаслигига эътибор қаратилган. Ижтимоий шериклик масаласини тартибга солишда Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигига киритилган ўзгартиришлар ёритиб ўтилган.

**Калит сўзлар:** вакиллик, ижтимоий шериклик, касаба уюшмаси, конвенция, хорижий тажриба.

---

**МАХАМАТОВ Махмуд**
Доцент кафедры Международного права и прав человека Ташкентского государственного юридического университета, доктор философии по юридическим наукам (PhD)
E-mail: mmahmud34@mail.ru

## РЕГУЛИРОВАНИЕ ПРЕДСТАВИТЕЛЬСТВ РАБОТНИКОВ И РАБОТОДАТЕЛЕЙ НА МЕЖДУНАРОДНОМ И НАЦИОНАЛЬНОМ УРОВНЯХ

**АННОТАЦИЯ**

Статья посвящена вопросам представительств работников и работодателей, играющих ключевую роль в трудовых отношениях, социального партнерства, анализируются международно-правовые документы, регулирующие представительство и социальное партнерство, опыт зарубежных стран, а также их законодательство. Раскрыто правовое содержание формируемых моделей социального партнерства. Обращается внимание на то, что национальное законодательство государств-членов ЕС неодинаково в регулировании вопросов представительств. Освещены изменения,

внесенные в национальное законодательство Республики Узбекистан в регулировании вопроса социального партнерства.

**Ключевые слова:** представительство, социальное партнерство, профсоюз, конвенция, зарубежный опыт.

**MAKHAMATOV Makhmud**
Associate Professor of the Department of International Law and Human Rights,
Tashkent State University of Law, Doctor of Philosophy (PhD) in Law
E-mail: mmahmud34@mail.ru

## REGULATION OF THE REPRESENTATION OF EMPLOYEES AND EMPLOYERS AT THE INTERNATIONAL AND NATIONAL LEVEL

**ANNOTATION**

The present paper addresses the issues of representation of employees and employers which are a key actors of labor relations and social partnership and analyzes international legal acts regulating representation and social partnership, experience of foreign countries and their legislation. The legal content of the models formed on social partnership is discussed. The regulation of Representative Issues focuses on the fact that the national legislation of the member states of the European Union is also not the same. Amendments to the national legislation of the Republic of Uzbekistan have been covered in the regulation of the issue of social partnership.

**Keywords:** representation, social partnership, trade union, convention, foreign experience.

Меҳнат муносабатларини такомиллаштириш, демократлаштириш, ижтимоий мулоқот ва ҳамкорликни ривожлантиришнинг тарихий жараёнлари меҳнат муносабатлари иштирокчилари вакиллиги ҳамда улар ўртасидаги ижтимоий шериклининг ҳуқуқий асослари шаклланишига олиб келди.

Ўзбекистон Республикаси бугунги кунда аҳолининг кенг қатлами томонидан қўллаб-қувватланадиган, ривожланган мустақил, барқарор фуқаролик институтлари тизимини ўз ичига олувчи ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти қуриш йўлида илдамламоқда. Ўз навбатида меҳнат муносабатларини тартибга солиш, ходимлар ва иш берувчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилишда самарали механизмларни жорий этишга ҳукумат даражасида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид давлат дастурининг 37-бандида “Давлат фуқаролик хизматида ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид самарали механизмларни ишлаб чиқиш” белгиланган [15]. Бу эса ходимларнинг вакиллик органлари фаолиятини такомиллаштириш, хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш эҳтиёжини юзага келтиради.

Мамлакатимизда фуқаролик институтлари, шунингдек нодавлат ва нотижорат ташкилотларининг инсон ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдаги ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтиришни назарда тутувчи “Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари” принципи фаол амалга оширилмоқда. Мазкур жараёнлар давлат ва жамият ҳаётига тааллуқли масалаларни ҳал этишда ҳукумат ва нодавлат ташкилотлар ўртасидаги ўзаро мулоқот ва шерикликни ривожлантириш, унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришни талаб этади. Бунда Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) томонидан ижтимоий шериклик ва мулоқот соҳасида қабул қилинган конвенция ва тавсиялар қоидаларини инобатга олиш муҳимдир.

ХМТ сўнгги ўн йилликда меҳнат соҳаси қатор ўзгаришларга учраётганлиги қайд этган ҳолда, унинг йирик омилларни санаб ўтади [1]. Уларнинг тўрттаси бевосита

меҳнат муносабатлари ва ўз навбатида ижтимоий шерикликка сезиларли таъсир этиши таъкидланади. Булар технологик инқилоблар, демографик жараёнлар, иқлим ўзгариши ва глобаллашув [12]. Мазкур ҳолатлар бугунги кунда меҳнат муносабатларини ижтимоий шерикликни қўлламасдан самарали тартибга солиш мураккаблигидан далолат беради.

Ижтимоий шерикликнинг асосий вазифаси музокаралар жараёни ва келишув тартиб-қоидаларининг афзалликларидан фойдаланган ҳолда ходимлар, иш берувчилар ва бутун жамиятнинг манфаатларини ҳурмат қилиш асосида ижтимоий ва меҳнат муносабатларини жамоавий шартномавий тартибга солиш механизмини шакллантиришдан иборат.

Ижтимоий мулоқот ўз ичига ҳукумат, иш берувчилар ва ходимлар вакиллари ўртасида умумий манфаатларни ифода этувчи, ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид музокаралар, масалаҳатлашувлар ва ахборот билан алмашинувларни қамраб олади. Ўз навбатида ижтимоий мулоқот – ХМТ фаолиятининг ўзагини ташкил этади ва у ХМТнинг барча конвенция, тавсияларида ҳамда Муносиб меҳнат дастурида мустаҳкамлаб қўйилган. Конвенция ва тавсияларнинг аксарият қоидалари тўғридан тўғри ижтимоий шериклар билан маслаҳатлашув ўтказишни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси ва ХМТ ўртасида қабул қилинган Муносиб меҳнат бўйича мамлакат дастурининг биринчи устувор йўналиши "Меҳнат соҳасида асосий тамойилларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистонда ижтимоий шерикликни мустаҳкамлаш" деб номланганлигининг ўзиёқ мазкур жараённинг аҳамиятни кўрсатади.

ХМТ доирасида трипартизм принципи асосида ҳамкорлик олиб борувчи тузилмалар ҳукумат, иш берувчилар ва ходимларнинг вакиллиги ХМТ амалиётида *ижтимоий шериклик* термини билан қўлланади. "Трипартизм" тушунчаси ХМТ доирасида шундай изоҳланади: "умумий манфаатни ифода этувчи масалаларни ҳал этишда тенг ва мустақил шериклар сифатида ҳукумат, иш берувчилар ва ходимларнинг (ўз вакиллари орқали) ўзаро ҳамкорлиги" [11].

Ижтимоий шерикчилик тушунчаси ХМТ ҳужжатларида илк марта Ўзбекистон иштирокчиси бўлган ХМТнинг 1949 йилги "Жамоа музокараларини ташкил этиш ва юритиш ҳуқуқи принципларини қўллаш тўғрисидаги" 98-конвенциясида келтирилган.

Адабиётларда "ижтимоий шериклик" тушунчасига асосан икки хил ёндошувни кўриш мумкин. Уларнинг биринчиси низоли ижтимоий-меҳнат муносабатларини тартибга солиш усули сифатида тушунтирса, иккинчиси мураккаб кўп қиррали ижтимоий жараён деб баҳолайди [2].

Бизнингча, ижтимоий шериклик қандай шарҳланишидан қатъий назар икки муҳим жиҳатни ўзида қамраб олиши лозим: биринчиси – муносабатнинг уч асосий субъекти: давлат, ходим ва иш берувчи вакили мавжуд бўлиши, иккинчиси – муносабатлар объекти одатда меҳнат шартларига қаратилган бўлиши лозим.

2014 йил 25 сентябрда қабул қилинган Ижтимоий шериклик тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунига кўра – Ижтимоий шериклик давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, шу жумладан тармоқ, ҳудудий дастурларни, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган бошқа қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш борасидаги ҳамкорлигидир [3].

Бироқ, ХМТ билан ҳамкорлик доирасида қўлланиладиган уч томонлама ижтимоий шериклик тушунчаси ҳукумат, иш берувчилар ва касаба уюшмаларини қамраб олишига эътибор берадиган бўлсак, ушбу тушунча юқоридаги қонунда кенг изоҳланган бўлиб, меҳнат масалалари ушбу тушунчада алоҳида қайд этилмаган.

Хорижий мамлакатлар тажрибасига эътибор бериладиган бўлса, меҳнат муносабатлари соҳасидаги қўлланиладиган ижтимоий шериклик тушунчаси бевосита меҳнат кодексига киритилган [4]. Бундан ташқари, иқтисодий ривожланган давлатларда ижтимоий шерикликнинг қуйидаги моделлари ишлаб чиқилганлигини учратишимиз мумкин.

Америка моделига кўра, ходимлар ташкилот бошқарувида иштирок эта олади. Бунда ходим ўзи ишлаётган корхонани бошқаришда ҳам, унга эгалик қилишда ҳам қатнашиши назарда тутилади. Иштирок турли шаклларда: муаммоларни ҳал этиш бўйича гуруҳни ташкил этишдан бошлаб то ходимларни директорлар кенгашига сайлаб олгунга қадар амалга оширилиши мумкин. Америка моделида ишлаб чиқариш кенгашлари кенг тарқалган бўлиб, уларга барча ходимларнинг вакиллари: оддий ишчилардан тортиб топ-менежерларгача киради. Уларнинг мақсади корхонада барча гуруҳларнинг манфаатларини иложи борича ҳисобга олувчи қарорларни биргаликда ишлаб чиқиш ва қабул қилишдан иборат.

Ижтимоий шерикликнинг немис модели миллий ва корпоратив ҳамжиҳатлик тизимига асосланган бўлиб, у тегишли молиявий механизмларни (масалан, ижтимоий суғурта) шакллантириш орқали қўллаб-қувватланади. Ижтимоий фондларда иштирок этиш иш берувчи учун ҳам, ходим учун мажбурийдир ҳамда буларнинг барчаси давлат томонидан тартибга солинади. Германия модели ходимлар ва иш берувчиларнинг ўзаро мажбуриятларига асосланган бўлиб, кўпроқ ишлайдиган, кўпроқ пул топадиган ва ижтимоий бадаллар тўлайдиган киши яхши таъминланган ҳисобланади. Давлат ходимларни иш билан таъминлашнинг барча асосий шартларини белгилайди.

Ижтимоий шерикликнинг англо-саксон модели бизнес, биринчи навбатда, ўзининг иқтисодий ва молиявий манфаатларини, компания фойдасини кўзлашини ва ходимларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал қилиш қонунчилик асосида эмас, балки компания ва бизнес уюшмаларининг кодексларига мувофиқ бўлишини назарда тутади. Ижтимоий шериклик ва ходимларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш бизнес ҳамжамиятидаги анъаналарга, иш берувчиларнинг ахлоқий тамойилларига боғлиқ ҳисобланади [5].

Юқоридагилардан келиб чиқилса, "ижтимоий шериклик" иборасининг маъноси меҳнат муносабатлари субъектларининг биргаликдаги фаолиятни амалга оширилишини назарда тутади. Кенгроқ эътибор берилса, мазкур атама корхонадаги турли даражадаги ходимлар ва иш берувчилар ўртасида бандлик ва ҳақ тўлашнинг ўзаро мақбул шартларини белгилаш бўйича маслаҳат ва ҳамкорликни назарда тутади.

Меҳнат муносабатларида ижтимоий шерикликнинг субъектлари ходимлар, иш берувчилар ва давлатдир. Бу уч тузилманинг ўзаро муносабатлари "трипартизм" деб аталган.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексида ижтимоий шериклик тушунчаси келтирилган бўлиб, унга кўра меҳнат соҳасидаги ижтимоий шериклик ўз вакиллари тимсолида ходимлар, иш берувчилар, уларнинг вакиллари, давлат органлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар тизими бўлиб, бу тизим якка тартибдаги меҳнатга оид муносабатларни ҳамда улар билан бевосита боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларни тартибга солиш масалалари юзасидан ходимлар, иш берувчилар ва давлат манфаатларини мувофиқлаштиришни таъминлашга қаратилган бўлади [6].

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси меҳнат соҳасидаги ижтимоий шерикликнинг даражаларини белгилаб берган бўлиб, унга кўра бошланғич, ҳудудий, тармоқ, республика даражаси ажратилади.

Бошланғич даражадаги ижтимоий шериклик икки томонлама хусусиятга эга. Бунда меҳнат жамоаси ва иш берувчи бошланғич даражадаги ижтимоий шериклик тарафларидир. Айнан ходимлар ва иш берувчиларнинг вакиллари турли даражадаги ижтимоий шерикликнинг турли шаклларида иштирок этадилар ва уларнинг ҳаракатлари ходимлар ва иш берувчилар учун ҳуқуқий оқибатларга олиб келади. Шу муносабат билан ижтимоий шериклик муносабатларида ходимлар ва иш берувчиларнинг вакиллиги, уларнинг ваколатларини ташкилий-ҳуқуқий расмийлаштириш, вакилларнинг ҳуқуқий мақомини тартибга солиш билан боғлиқ масалаларни ўрганиш ижтимоий шерикликнинг тегишли ҳуқуқий механизмни шакллантиришда, ижтимоий мулоқот самарадорлигида муҳим аҳамият касб этади.

Юқоридагидан кўриш мумкинки, ижтимоий шериклик икки томонламалик

(бипатризм) асосида ҳам амалга оширилиши мумкин бўлиб, бунда ходим ва иш берувчи мазкур муносабатнинг асосий иштирокчилари сифатида қатнашади.

Мазкур мавзу ўйича тадқиқот олиб борган олимлар ижтимоий шериклик доирасида юзага келадиган муносабатлар ўз тавсифига кўра ҳуқуқий муносабатлар бўлиб ҳисобланади, шу боис мазкур муносабатлар томонлари ва уларнинг вакилларига нисбатан “субъект” тоифасини қўллаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди [7].

Ижтимоий шерикликни амалга оширишда давлатнинг ролини алоҳида қайд этиш лозим. Чунки давлат оммавий ҳокимиятга эга бўлиш билан бирга, ижтимоий шериклик муносабатларининг иштирокчиси ҳам ҳисобланади. Бунда давлат, бир томондан, ижтимоий шериклик муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш, ижтимоий шериклик субъектлари ўртасида юзага келадиган келишмовчиликларни ҳал қилишда иштирок этиш, ижтимоий шерикликка оид нормаларга риоя этилишини назорат қилиш орқали кафилликни амалга оширади. Бошқа томондан, давлат ижтимоий шерикликни такомиллаштириш ва ривожлантиришнинг истиқболларини, унинг томонларининг вакиллигини белгилайди.

Хорижий давлатлар тажрибасига эътибор қаратилса, меҳнат муносабатларини тартибга солишда хусусий ҳуқуқий тамойилларнинг ривожланиши натижасида давлатнинг ижтимоий шериклик муносабатлардаги бевосита иштироки қисқаради, ўз навбатида ижтимоий шериклик муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишдаги роли кучаяди.

Германияда ижтимоий шериклар давлатни меҳнат шароитларини тартибга солишдан озод қиладилар, чунки у муайян бир корхонадаги меҳнат жараёнининг барча хусусиятларини ҳисобга олишга қодир эмас деб ҳисобланади. Давлатга меҳнатни ҳуқуқий тартибга солишда минимал стандартларни белгилаш ҳамда уни ҳимоя қилиш вазифаси юкланади, ижтимоий шериклар эса ўз муносабатларини мана шу стандартлар асосида амалга оширадилар [8].

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики Европада иш жойидаги вакиллик аралаш ҳарактерга эга, ўз навбатида вакиллик баъзи жойларда касаба уюшмалари, ишчи кенгашлар, баъзиларида ҳар иккала органларнинг биргаликда мавжуд бўлиши билан белгиланади. Бироқ кўп давлатларда касаба уюшмалари сон жиҳатдан устунликка эга ҳисобланади [9].

Ижтимоий шерикликнинг ҳуқуқий механизмида миллий қонунчилик билан ўзаро муносабатда бўлган ҳолда ижтимоий шерикларнинг янада самарали фаолиятига ёрдам берадиган халқаро нормалар муҳим ўрин тутади. Бугунги кунда меҳнат масалалари бўйича бир қатор халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, уларнинг қоидалари миллий қонунчилик учун намуна, стандарт бўлиб хизмат қилади. Бундай қоидалар БМТ, ХМТ, минтақавий ташкилотлар томонидан қабул қилинган ҳужжатларда, шунингдек, давлатларнинг икки томонлама шартномаларида ҳам мавжуд.

Ижтимоий шерикликка тааллуқли халқаро нормаларнинг аҳамияти, авваламбор, уларда ижтимоий шерикликнинг асосий тамойиллари белгилаб берилганлигидан иборат бўлиб, улар ушбу соҳадаги муносабатларни қонунчилик билан тартибга солишнинг ҳам, ижтимоий шерикликни турли шаклларда амалга оширишда ҳам ҳуқуқий асос бўлиб ҳисобланади. Мазкур ҳолат, шуни англатадики меҳнат муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишда халқаро-ҳуқуқий стандартларни, шу билан бирга ХМТ конвенцияларида белгиланган нормаларни, ратификация қилинмаган фундаментал конвенцияларни қоидаларини ҳам кенг қўллаш лозим.

Халқаро меҳнат ташкилотининг меҳнатни халқаро ҳуқуқий тартибга солиш соҳасидаги фаолияти ўзаро маслаҳатлашув, шунингдек, давлат органлари ва асосий манфаатдор томонлар – ишчилар ва иш берувчилар ўртасидаги ҳамкорликдан иборат [13].

ХМТнинг Жамоа музокараларини олиб бориш ва бирлашиш ҳуқуқи тўғрисидаги 1949 йилги 98-Конвенция касаба уюшма аъзоларини касаба уюшмаларига қарши

дискриминатсиядан ҳимоя қилишни, иш берувчилар ва ишчилар ташкилотларини ўзаро аралашувлардан ҳимоя қилишни ва жамоавий музокараларга кўмаклашиш бўйича чора-тадбирларни белгилайди.

Иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат муносабатларини тугатиш тўғрисидаги 1982 йилдаги 158-сонли конвенцияда касаба уюшмасига аъзолик, ишдан ташқари вақтда касаба уюшмаси фаолиятида қатнашиш ёки иш вақтида (иш берувчининг розилиги билан), ходимларнинг вакилиги бўлиш истагини билдириш, ходимлар вакиллари функцияларини бажариш қонун бўйича меҳнат муносабатларини тугатишга асос бўлмайди.

Қайд этиб ўтилган конвенциялар давлат органларига мазкур ҳуқуқни чекламаслик ёки уни амалга оширишга тўсқинлик қилмаслик кераклигини мустаҳкамлаган. Шу билан бирга, бирлашиш эркинлиги, касаба уюшмаларини камситишдан, иш берувчилар ва ходимлар ташкилотларининг  ўзаро бир бирига аралашувларидан ҳимоя қилиш, шунингдек касаба уюшмалари мустақиллигига иш берувчилар ва уларни бирлашмалари томонидан назорат қилиниши ва аралашувидан ҳимоя қилиш масалалари муҳим аҳамият касб этмоқда.

ХМТ ҳам трипартизм принципини миллий даражада амалга оширишда давлат органлари конвенция қоидаларини амалга оширишга қаратилган қонунчиликни қўллаш ёки миллий сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича иш берувчилар ва меҳнаткашлар ташкилотлари ўртасида ҳамкорликка кўмаклашиш мажбурияти мавжудлигини қайд этади [10].

Юқоридагидан келиб чиққан ҳолда, шуни айтиш мумкинки иш берувчилар ва ходимларнинг вакиллиги ижтимоий шерикликни амалга оширишда асосий иштирокчилар бўлиб ҳисоблади. Ижтимоий шериклик меҳнат муносабатларини тартибга солиш, иш берувчилар ва ходимлар манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутади. Хорижий мамлакатлар, Европа иттифоқига аъзо давлатларнинг ижтимоий шериклик, вакиллик масаласини тартибга солиш борасидаги тажрибаси ҳам бир хил эмас. Шу маънода вакиллик масалаларини тартибга солувчи халқаро-ҳуқуқий нормалар миллий қонунчиликка миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда тўла тадбиқ этилиши мақсадга мувофиқ. Вакиллик ва ижтимоий шериклик масалаларини тартибга солишни такомиллаштириш Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган ХМТнинг Уч томонлама маслаҳатлашувлар тўғрисидаги 144-конвенцияси қоидаларини амалга ошириш жараёнини ҳуқуқий жиҳатдан янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

**Иқтибослар/Сноски/References:**


1. Социальный диалог и трипартизм. МБТ. 2018. – С. 5-6.

2. Лутохина Э. Социальное партнерство и его модели в зарубежных странах (опыт и уроки) //Белорусский журнал международного права и международных отношений. №1/2003. // URL: http://evolutio.info/content/view/616/54/.

3. Ижтимоий шериклик тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 25.09.2014 йилдаги ЎРҚ-376-сон // URL: https://lex.uz/docs/2468214.

4. Трудовой кодекс Российской Федерации, 23-статья. // URL: http://www.trudkod.ru/chast-2/razdel-2/glava-3/st-23-tk-rf.

5. Колесникова Н.А., Нестеров Ю.А. Социальное партнерство в современной России // Социально-экономический и гуманитарный журнал Красноярского ГАУ. 2018. №1. – С. 122.

6. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси // URL: https://lex.uz/docs/6257288.

7. Шестаков Г.И. Представительство работников и работодателей в системе социального партнерства Российской Федерации. 12.00.05 —трудовое право; право социального обеспечения. Автореферат на соис. уч. степ. к.ю.н. – М., 2004. – С. 13.

8. Штелер-Май Александр. Введение в трудовое право ФРГ. – М., 1999 г. – С. 35;

9. Oesingmann K. Workplace Representation in Europe: Works Councils and Their Economic Effects on Firms. CESifo DICE Report 4/2015. – P. 63.

10. Трехсторонние консультации: международные нормы труда. МБТ, Женева. 2000. – С. 6.
11. Makhamatov, M. (2022). Features of the labor law of the european union. The American Journal of Political Science Law and Criminology, 4(01), 80-85.
12. Рахманов Ш.Н. Европа Иттифоқида миграциявий жараёнларни тартибга солишнинг шартномавий-ҳуқуқий масалалари // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 2 (2022) Б. 119-125 // URL: https://yuristjournal.uz/index.php/lawyer-herald/article/view/347/310.
13. Sulaymanov, O., & Rasulov, J. (2021). Abolition Of Forced Labour: Case Of Uzbekistan. Turkish Journal of Computer and Mathematics Education, 12(4), 1078-1089.
14. “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-60-сон Фармони. 28.01.2022й. // URL: https://lex.uz/uz/docs/5841063.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ
ВЕСТНИК ЮРИСТА
LAWYER HERALD

**САИДОВ Олим Чорикулович**
Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)
E-mail: olimsaidov1976@mail.ru

# ЖАЗО ЎТАШНИ ДАВОМ ЭТТИРИШ УЧУН ФУҚАРОСИ БЎЛГАН ДАВЛАТГА МАҲКУМЛАРНИ ТОПШИРИШНИ РАД ЭТИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

**For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): САИДОВ О.Ч.** Жазо ўташни давом эттириш учун фуқароси бўлган давлатга маҳкумларни топширишни рад этишнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 3 (2023) Б. 109-114.

doi 3 (2023) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2023-3-14

**АННОТАЦИЯ**

Мазкур мақолада жазо ўташни давом эттириш учун фуқароси бўлган давлатга маҳкумни топширишнинг рад этиш асослари, унга тегишли бўлган халқаро ҳамкорлик принциплари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган. Муаллиф томонидан мазкур принципларининг халқаро ҳуқуқ, халқаро жиноят ҳуқуқи ҳамда миллий ҳуқуқ принциплари билан боғлиқ жиҳатлари кенг ёритилган бўлиб, бу борада турли ҳуқуқшунос олимларнинг фикр ва мулоҳазалари келтирган. Таҳлил натижасида, ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда маҳкумларни топширишни рад этиш асослари таснифланган.

**Калит сўзлар:** халқаро ҳамкорлик, рад этиш, принциплар, экстрадиция, маҳкумни топшириш.

---

**САИДОВ Олим Чорикулович**
Доктор философии по юридическим наукам (PhD)
E-mail: olimsaidov1976@mail.ru

# ОРГАНИЗАЦИОННО-ПРАВОВЫЕ АСПЕКТЫ ОТКАЗА В ПЕРЕДАЧЕ ОСУЖДЕННЫХ ГОСУДАРСТВУ, ГРАЖДАНАМИ КОТОРОГО ОНИ ЯВЛЯЮТСЯ, ДЛЯ ПРОДОЛЖЕНИЯ ОТБЫВАНИЯ НАКАЗАНИЯ

**АННОТАЦИЯ**

В данной статье анализируются основания для отказа в передаче осужденного государству, гражданином которого он является, с целью продолжения отбывания наказания, а также принципы международного сотрудничества, которые применяются и их особенностям. Автор подробно осветил аспекты принципов, связанные с международным правом, международным уголовным правом и принципами национального права, приводя мнения различных ученых-юристов. В результате анализа основания для отказа в выдаче осужденных были классифицированы с учетом их особенностей.

**Ключевые слова:** международное сотрудничество, отказ, принципы, экстрадиция, передача осужденного

**SAIDOV Olim**
Doctor of Philosophy (PhD) in Law
E-mail: olimsaidov1976@mail.ru

## ORGANIZATIONAL AND LEGAL ASPECTS OF THE REFUSAL TO TRANSFER CONVICTS TO THE STATE OF WHICH THEY ARE CITIZENS TO CONTINUE SERVING THEIR SENTENCE

**ANNOTATION**
This article analyzes the grounds for refusing to transfer a convicted person to the State of which he is a citizen in order to continue serving his sentence, as well as the principles of international cooperation that apply to him, and their features. The author has covered in detail the aspects of these principles related to international law, international criminal law and the principles of national law, giving feedback from various legal scholars. As a result of the analysis, the grounds for refusing to extradite convicts were classified taking into account their characteristics.
**Keywords:** international cooperation, refusal, principles, extradition, transfer of a convicted person

Маҳкумни топширишни рад этиш асослари мамлакатимиз қонунчилигида тартибга солинмаганлиги учун ҳам халқаро шартномаларга таянган ҳолда таҳлил этиш мақсадга мувофиқдир. Чунончи, маҳкумни топшириш асослари каби уни рад этиш асослари ҳам юқорида тилга олинган халқаро шартномаларда ўз аксини топган. Хусусан, БМТ Намунавий шартномаси, минтақавий доирада 1983 йилги Маҳкумларни топшириш тўғрисидаги Европа конвенцияси ҳамда МДҲ доирасида қабул қилинган "Маҳкумларини топшириш тўғрисида"ги конвенциясида ва Ўзбекистоннинг давлатлар билан имзолаган икки томонлама шартномаларида.

Таҳлиллар натижасида шуни қайд этиш керакки, мамлакатимиз имзоланган икки томонлама шартномалари орасида, маҳкумларни топширишни рад этиш асослари Бирлашган Араб Амирликлари билан тузилган шартномасида, бошқаларига нисбатан батафсилроқ ва тўлиқроқ шаклда белгиланган. Бунга асосий сабаб, фикримизча, мустақиллик даврида тўпланган тажриба ва кўникмаларга, юзага келган муаммоларнинг ечимларига ҳамда халқаро ҳуқуқ нормаларига таянган ҳолда шартнома шакллантирилган. Мазкур шартнома қабул қилинганига кўп йиллар ўтган бўлса (2014 йилда имзоланган) ҳам, маҳкумларни топшириш соҳасидаги янги тенденциялар (давлатининг суверенитети, хавфсизлиги, жамоат тартиби ёки бошқа ҳар қандай муҳим манфаатларига дахл қилиши; қилмиш ҳарбий жиноят бўлиб, умумий жиноят ҳуқуқи бўйича жиноят деб ҳисобланмаса; маҳкумни афв этмаслик тўғрисида мажбуриятни ўз зиммасига олмаса; суд қарорлари бўйича жарималар, суд харажатлари, бадаллар ва бошқа молиявий тўловларни амалга оширмаган бўлса; судларида пул компенсацияси билан боғлиқ ҳар қандай бошқа ҳуқуқларни талаб қилиш бўйича маҳкумга қарши даъво қўзғатилган бўлса [1]) ҳамда ушбу соҳада тўпланган тажрибани инобатга олган ҳолда сўнгги ўзгаришларни ифодалайди.

Юқорида қайд этилган асослардан ташқари, халқаро шартномаларда бошқа ҳолатларни ҳам учратиш мумкин. Жумладан,

1) икки ёқлама судловлилик принципига (double criminality) риоя қилмаслик, маҳкумни худди шу жиноят учун, агар унга нисбатан аввалги ҳукм бекор қилинмаган ёки унга нисбатан янги жиноий иш қўзғатилмаган бўлса, уни қайта судлашга йўл қўймайди. Бундан ташқари, бир қатор шартномаларда, агар маҳкум қайсидир давлат фуқароси бўлса, у содир этган қилмиши учун жиноий ишда оқланган ёки мазкур жиноий иш тугатилган

бўлса, уни бошқа бир давлатга топшириш амалга оширилмаслигини назарда тутувчи бандни ўз ичига олади (агар шахс ушбу давлатларнинг ваколатли органи томонидан жазодан озод қилинган бўлса (Берлин конвенциясининг 4-моддаси 1-қисми "б" банди). Ушбу қоидалар "ne bis in idem" ("бир нарса учун икки марта жазоланиш мумкин эмас") деб белгиланган қадимий ҳуқуқ принципига асосланади [8,9].

П.Н. Бирюков бу шартни ҳақли равишда "маҳкумнинг иммунитети" деб атайди [2].

2) маҳкум томонидан содир этилган қилмиш маҳкумни бир давлатдан иккинчи давлатга топшириш шартномаси тарафларидан бирининг қонунлари бўйича жиноят ҳисобланмаса (масалан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига кўра, гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар қилиш, шунингдек уларни қонунга хилоф равишда ўтказиш жинояти субъекти бўлган шахс қилмишни оғир ёки енгиллигига қараб уч йилдан йигирма йилгачага озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан жазоланади (ЖК, 273-модда). Нидерлания Жиноят кодексида эса, юқоридаги ҳаракатлар учун жавобгарлик назарда тутилган эмас (қисман рухсат берилган) [3] шунинг учун, Нидерлания ҳукумати бу ҳаракатларни содир этган шахсни Ўзбекистон ҳукуматига топшириши мумкин эмас);

3) иккинчи бир давлатда жазони ижро этиш учун қонуний асосларнинг йўқлиги, жумладан:

- маҳкумни топшириш тўғрисидаги шартнома бўйича иштирокчи давлатлардаги қонунлар бўйича даъво муддатининг тугаши ва бошқа сабаблар (масалан, амнистия эълон қилинганлиги муносабати билан);
- хорижий давлат судининг ҳукми қуйидаги ҳолатларга кўра қонунийлаштирилмаган бўлса:

а) шахс хорижий давлатда сиёсий ёки ҳарбий жиноятлар учун судланган бўлса;

б) жазо шахснинг ирқи ёки миллати, диний ёки сиёсий эътиқоди билан боғлиқ ҳолда оғирлаштирилган бўлса;

в) иккинчи бир давлатга топширилаётган шахс фуқаролиги бўлган давлат қонунчилигига мувофиқ, у вояга етмаган деб ҳисобланса ва жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин бўлмаса;

- фуқаролиги бўлган давлатдаги маҳкум томонидан жазо ўташнинг бир хил шароитлари ва тартибини маҳкум топшириладиган давлатдаги жазолаш шартлари ва тартибига мутаносиб эмаслиги.

Халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони маҳкумнинг фуқаролиги бўлган давлат қонунчилигида назарда тутилган бошқа жазо билан алмаштиришга йўл қўйилади, бироқ бу ҳолатда хорижий давлат судининг имкониятлари чекланган. Унга кўра, ижрочи давлат маҳкумга нисбатан суд ҳукми билан, суд ёки маъмурий тартибда тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосини миллий қонунчиликда назарда тутилган бошқа жазо чораси (лекин ҳар қандай эмас, балки содир этилган ҳуқуқбузарликка энг мос келадиган жазо) билан алмаштириши мумкин.

Жазони ўташ тартиби ва шартларининг маҳкумлик ҳолатида ва фуқаролик ҳолатида мувофиқлиги тўғрисидаги масала фақат суд томонидан ҳал қилиниши мумкин. Бундан ташқари, у ёки бу турдаги ахлоқ тузатиш муассасасининг йўқлиги маҳкумни иккинчи давлатга топширишни рад этиш учун асос бўла олмайди.

4) маҳкумнинг ижро варақаси бўйича тўланмаган қарзлари бўлса. Судлар томонидан, қоида тариқасида, маҳкумни топширишни рад этишга ижро этилмаган даъволар мавжудлиги асосий сабаб деб ҳисобланиши керак. Шунинг учун, тегишли аризаларни топширишдан олдин, барча қарз ва даъволар ҳақида аниқ маълумотларга эга бўлиш лозим. Даъвони таъминлаш кафолатлари фуқаролик қонунчилигида уни таъминлаш учун назарда тутилган чоралардан иборат бўлиши мумкин [4, 10].

Шунингдек, маҳкумни топшириш борасидаги ҳуқуқни қўллаш амалиёти маҳкумларнинг тўланмаган қарзлари ва алимент мажбуриятларини тўлашга ижрони қаратиш заруратидан ҳам келиб чиқади.

5) давлатлар ўзаро халқаро шартномаларда маҳкумни топшириш тўғрисидаги келишув шарти назарда тутилмаганлиги (хорижий давлатларнинг ваколатли органлари қуйидаги концептуал масалалар бўйича консенсусга келишлари керак: топшириш жойи, тартиби, шартлари, зарур материалларни кўриб чиқиш муддатлари);

6) содир этилган жиноят маҳкумнинг фуқаролик ҳолатида декриминаллаштирилган тақдирда, яъни у оқланган ёки жиноий иш тугатилган тақдирда – бу 1978 йилдаги Берлин конвенциясида белгиланган қўшимча асосдир [5];

7) топширилаётган шахс ҳукм чиқарган давлатда доимий яшаш жойига эга бўлса. Мазкур қоида фуқаросини бошқа давлатга бермаслик ёки фуқаролик принципидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Юқорида келтирилган асосларга қарамасдан, Европа Кенгашининг “Маҳкумларни топшириш тўғрисида”ги конвенциясига мувофиқ, Аҳдлашувчи давлатлар сўров юборган давлатнинг сўровини бажариш мажбуриятига эга эмаслар ҳамда ҳар қандай давлат маҳкумни топширишни асоссиз рад этиши мумкин [6].

Қайдэтиш жоизки, маҳкумларни иккинчи бир давлатга топширишда мамлакатимизни икки томонлама шартномаларида кўрсатилган рад этиш асослари, кўп томонлама халқаро шартнома нормаларни қўллашда маълум бир тафовут юзага келиб чиқади. Зеро, мазкур халқаро шартномаларни Ўзбекистон ҳали ратификация қилмаган.

Биринчидан, Европа Кенгашининг “Маҳкумларни топшириш тўғрисида”ги конвенциясининг 1-қисми “б” бандида, шунингдек, МДҲ давлатларининг “Озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахсларни жазони ўташни давом эттириш мақсадида топшириш тўғрисида”ги Конвенциянинг 5-моддаси 3-бандида, суд қарори қонуний кучга кирган бўлса, маҳкум бошқа жойга топширилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган. Ўзбекистоннинг имзолаган икки томонлама шартномаларда, маҳкумни топширишни рад этиш учун бундай асос мавжуд эмас.

Иккинчидан, судланган чет эл фуқаросини бошқа бир давлатга топшириш шартларидан бири – бу маҳкумга берилган жазонинг ҳали ўтмаган муддатидир. Европа Кенгашининг “Маҳкумларни топшириш тўғрисида”ги қоидаларини қўллаш учун муддат маҳкумни бошқа давлатга ўтказиш тўғрисидаги сўровни қабул қилиш вақтида камида 6 ойни ташкил этиши керак. БАА, Грузия ва Украина давлатлари билан имзоланган шартномаларда эса, муддат масаласи ҳал қилинмаган.

Учинчидан, Европа Кенгашининг “Маҳкумларни топшириш тўғрисида”ги Конвенциясида, худди МДҲнинг “Озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахсларни жазони ўташни давом эттириш мақсадида топшириш тўғрисида”ги конвенциясида белгиланганидек, топширишга фақат манфаатдор шахс розилик бериши белгилаб қўйилган. Шу билан бирга, маҳкум ёки унинг вакилининг розилиги йўқлиги икки томонлама шартномаларда маҳкумни топширишни рад этиш учун асослар қаторига киритилмаган. Бундай ҳолда, агар давлатлардан бири маҳкумнинг жисмоний ёки руҳий ҳолатини (масалан, кекса/ёш) инобатга олган ҳолда қонуний вакилнинг розилиги зарур деб ҳисоблаши мумкин.

БМТнинг “Чет эллик маҳкумларни топшириш тўғрисида”ги намунавий шартномасида маҳкумларни топшириш тартиби, рад этиш асослари ёки маҳкумларнинг топширишга бўлган ҳуқуқи ва жазони ўташ тартиби ҳамда юборилган илтимосномага илова қилинадиган ҳужжатлар рўйхати мавжуд эмаслиги, халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг унификациясига (бирхиллашувига) эришиш ҳамда турли ноаниқлик ва чалкашликларга барҳам бериш, уни қўллаш самарадорлигига ижобий таъсир этиш эҳтиёжи мавжудлигини келтириб чиқаради. Бизнингча, Маҳкумларни топшириш тўғрисидаги намунавий иккитомонлама шартномага қуйидаги рад этиш асосларини киритиш орқали уларни тўлдириш тавсия этилади:

- маҳкумнинг топширилишига ёзма розилиги йўқлиги;
- икки Аҳдлашувчи давлат ўртасида маҳкумни топшириш бўйича келишувга эришилмаганлик;
- суднинг қонуний кучга кирган ҳукми йўқлиги;

- топширилаётган маҳкумга нисбатан янги жиноят ишининг мавжудлиги;

Маҳкумларни топшириш тўғрисидаги икки томонламали битимларда ўтказишни рад этувчи бошқа асослар ҳам кўзда тутилиши мумкин, масалан, агар ўтказилаётган шахс ўлимга ҳукм қилинган бўлса ёки суд ҳукми сиртдан чиқарилган бўлса [7].

Амалиётда, давлатлар ўртасида тузилган шартнома кучга кирмаганлиги сабабли маҳкумларни топширишдан бош тортиш ҳолатлари учрайди. Қозоғистон Республикаси МДҲнинг "Озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахсларни жазони ўташни давом эттириш мақсадида топшириш тўғрисида"ги конвенциясини ратификация қилган, Ўзбекистон эса, ушбу Конвенцияни ратификация қилмаган. Шу муносабат билан жазони фуқаролиги бўлган давлатда – Қозоғистон Республикасида ўташ учун ариза берган маҳкумларнинг аризаси халқаро шартнома мавжуд эмаслиги сабабли рад этилган. Ҳозирда Қозоғистон Республикаси билан икки томонлама шартнома имзоланишига эширилмоқда.

Бундан ташқари, бугунги кунда Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида маҳкумларни топшириш бўйича икки томонлама келишув мавжуд эмас. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси МДҲ конвенциясини ратификация қилмаган, шунингдек, Европа Кенгаши конвенциясининг ҳам иштирокчиси эмас, яъни маҳкумларни халқаро шартнома асосида топшириш имконияти йўқ, Бу эса ўз ўрнида, Ўзбекистон ва Россия фуқароларини ўз ватанларига топширилишидаги қийинчиликлар ва уларнинг фуқаролик ҳолатида жазони ўташга бўлган қонуний ҳуқуқларининг бузилиши каби ҳолатларни келтириб чиқаради.

Маҳкумларни топширишнинг иккинчи ҳуқуқий асоси, ратификация қилинган халқаро шартнома мавжуд бўлмаган тақдирда, ўзаролик принципи асосида амалга оширилиши назарда тутилади.

Ўзаролик принципи [8,9] шуни англатадики, худди шундай ҳуқуқий вазиятда хорижий давлат маҳкумларни топшириш билан боғлиқ муносабатлар мавжуд бўлган сўров юборган давлатга чет эллик маҳкумларни топшириш мажбуриятини олади, шунингдек, хорижий давлатнинг ҳукмини қонунийлаштиради. Топшириш механизми ҳар бир алоҳида ҳолатда инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг умумэътироф этилган принциплари ҳамда асосий халқаро ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилади.

Фикримизча, Ўзбекистоннинг миграция сиёсатини, шунингдек, умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилинган шахсларни жазо ўташни давом эттириш учун фуқароси бўлган давлатга топшириш бўйича мавжуд суд амалиётини амалга ошириш учун келгусида нафақат озодликдан маҳрум қилиш, балки жиноий жазонинг бошқа турлари билан ҳукм асосида судланган чет эл фуқароларини ҳам топшириш зарур. Бундан ташқари, миллий қонунчиликка, халқаро шартнома мавжуд бўлмаган ҳолатларда ўзаролик принципининг ишлаш механизми, маҳкумларни топширишнинг аниқ шартлари, асослари ҳамда хорижий давлат томонидан чиқарилган ҳукмни тан олиш масалаларини ҳам киритиш мақсадга мувофиқ. Чунки, маҳкумларни топшириш билан боғлиқ бўлган барча процессуал ҳаракатларни тартибга солувчи қонун қоидалар ва шундан келиб чиқадиган процессуал ҳужжатлар аниқ, тушунарли ва рад этилиши учун асос бўлмаслиги лозим. Сўровномани қабул қилган давлат миллий қонунчиликни ўрганишида тушунмовчиликка ёки ноаниқликларга учрамаслиги давлатлараро муносабатларни янада самарали олиб боришига сабаб бўлади.

**Иқтибослар/Сноски/ References:**

1. Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 21 майдаги ЎРҚ-384-сонли «Ўзбекистон Республикаси билан Бирлашган Араб Амирликлари ўртасида маҳкумларни топшириш тўғрисидаги шартномани (Абу Даби, 2014 йил 11 ноябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги Қонуни.
2. Бирюков П.Н. Международное уголовно-процессуальное право и правовая система Российской Федерации: теоретические проблемы: дис ... д-ра юрид. наук. Воронеж, 2001.
3. Criminal Code of the Kingdom of Netherlands (1881, amended 2012) (English version)/

// URL: https://www.legislationline.org/download/id/6415/file/Netherlands_CC_am2012_en.pdf.
4. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ. 1-жилд (биринчи қисм) Адлия вазирлиги. – Т.: «Vektor-Press», 2010.– 816 б.–(Профессионал (малакали) шарҳлар).
5. Конвенция о передаче лиц, осужденных к лишению свободы, для отбывания наказания в государстве, гражданами которого они являются от 19.05.1978 г.
6. Буянова К.А. Организационно-правовые проблемы применения положений многосторонних международных договоров в сфере передачи осужденных для дальнейшего отбывания наказания в государства их гражданства. // URL: http://www.juristlib.ru/book_10155.html.
7. Договор между Российской Федерацией и Монголией о правовой помощи и правовых отношениях по гражданским и уголовным делам (ред. от 12.09.2002). Ст. 68. Ч. 5.
8. УМАРХАНОВА, Дилдора. «Жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик механизмининг халқаро-ҳуқуқий асослари таҳлили.» Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 2 (2021) Б.110-119. // URL: https://yuristjournal.uz/index.php/lawyer-herald/article/view/210.
9. Dildora, Umarkhanova. «International cooperation in criminal matters (based on the analysis of german and uzbek legislation).» Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities 2.1.4 Legal sciences (2022).
10.Умарханова Д. Правовое Регулирование Международного Сотрудничества по уголовным делам в законодательстве Восточно-Азиатских Стран // Review of law sciences. – 2020. – №. 3. – С. 85-90.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ
ВЕСТНИК ЮРИСТА
LAWYER HERALD

**МИРУКТАМОВА Феруза Лутфуллаевна**
ТДЮУ Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари кафедраси доценти в.б.,
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)
E-mail: miruktamovaf@gmail.com

## АХБОРОТ АСРИДА БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ ВА ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ

**For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): МИРУКТАМОВА Ф.Л.** Интернет тизимида болалар ҳуқуқлари ва хавфсизлигини таъминлаш: халқаро стандартлар ва хорижий тажриба // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 3 (2023) Б. 115-121.

doi 3 (2023) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2023-3-15

**АННОТАЦИЯ**

Мақолада ахборот майдонида ОАВ ва интернет тармоқлари орқали кириб келаётган таҳдидлар шароитида болалар ҳуқуқлари ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш зарурати баён этилган. Онлайн муҳитда болалар ҳуқуқлари ва хавфсизлигини таъминлашда универсал даражада қабул қилинаётган халқаро стандартлар ҳақида маълумот берилган, айрим хорижий давлатларнинг соҳага доир амалиёти таҳлил қилинган. Мамлакатимизда болаларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари ўрганилиб, муаллифнинг уни такомиллаштиришга доир таклиф ва мулоҳазалари келтирилган.

**Калит сўзлар:** болалар, интернет, онлайн муҳит, онлайн муҳитдаги болалар, болалар ахборот хавфсизлиги.

---

**МИРУКТАМОВА Феруза Лутфуллаевна**
И.о. доцента кафедры Международного права и прав человека ТГЮУ,
доктор философии по юридическим наукам (PhD)
E-mail: miruktamovaf@gmail.com

## ПРАВОВЫЕ ВОПРОСЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ПРАВ И БЕЗОПАСНОСТИ РЕБЕНКА В ИНФОРМАЦИОННУЮ ЭПОХУ

**АННОТАЦИЯ**

В статье рассматривается необходимость обеспечения прав детей и их безопасности в условиях угроз, исходящих через СМИ и интернет-сети в информационном поле. Представлена информация об общепризнанных международных стандартах обеспечения прав и безопасности детей в онлайн-среде, а также проанализирована практика некоторых зарубежных стран в данной сфере. Изучены национальные законодательные акты в области обеспечения информационной безопасности детей, представлены авторские предложения и выводы по их совершенствованию.

**Ключевые слова:** дети, интернет, онлайн-среда, дети в онлайн-среде, информационная безопасность детей.

**MIRUKTAMOVA Feruza**
Acting Assistant Professor of the Department of International Law and Human Rights of TSUL, Doctor of Philosophy (PhD) in Law
E-mail: miruktamovaf@gmail.com

## LEGAL ISSUES OF ENSURING THE RIGHTS AND SAFETY OF THE CHILD IN THE INFORMATION AGE

**ANNOTATION**
The article discusses the need to ensure the rights of children and their safety in the face of threats emanating from the media and Internet networks in the information field. Information is provided on generally recognized international standards for ensuring the rights and safety of children in the online environment, as well as the practice of some foreign countries in this area is analyzed. The national legislative acts in the field of information security of children are studied, the author's proposals and conclusions on their improvement are presented.
**Keywords:** children, internet, online environment, children in an online environment, information security of children.

Бугунга кунда глобал ахборот майдонида интернет тармоқлари, ОАВ ва бошқа коммуникация воситаларидан фойдаланган ҳолдаги таҳдидлар шароитида болалар ҳуқуқлари ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш масаласи муҳим аҳамият касб этмоқда. Рақамли технологияларнинг жадал ривожланиши болалар ва ёшлар учун мулоқот қилиш, таълим олиш, маълумот алмашиш ва улардан фойдаланиш, шунингдек, уларнинг ҳаётига тааллуқли масалалар бўйича ўз фикр ва мулоҳазаларини билдириш учун мисли кўрилмаган имкониятларни яратмоқда. Шу билан бирга, интернет хизматларидан фойдаланиш онлайн муҳитда ҳамда реал ҳаётда ҳам болалар хавфсизлигига жиддий хавфлар туғдирмоқда. Қолаверса, бутун дунё бўйлаб COVID-19 пандемиясининг юзага келиши таълим ва ижтимоий алоқаларни давом эттириш мақсадида интернетдан фойдаланувчи болалар сонининг кўпайишига олиб келди. Пандемия давридаги чекловлар кўплаб ёш болаларнинг эрта онлайн мулоқот иштирокчисига айланишига сабаб бўлди, натижада ота-оналарнинг ҳам ўз касбий ва хизмат вазифалари билан бандлиги болаларнинг катталар назоратисиз интернетда турли номақбул контентларга кириши ҳамда турли жинсий зўравонликка олиб келувчи ахборот/материаллар тарқатувчи жиноятчилар тузоғига тушиш хавфини кучайтириб юборди. Кибербуллинг (киберзўравонлик), кибер таъқиб қилиш, кибергруминг (ғараз ниятда болалар билан дўстона муносабатларни ўрнатиш) шундай хавфлар жумласига киради [1].

Сатистик маълумотлар 2019 йилда дунё аҳолисининг ярмидан кўпи интернетдан фойдаланганини кўрсатди. Интернет фойдаланувчиларининг аксарият қисми 44 ёшдан кичик бўлиб, 16-24 ва 35-44 ёш гуруҳларида ундан фойдаланиш ҳажми бир хил эканлигини кўриш мумкин. Дунё миқёсида ҳар учинчи интернет фойдаланувчиси (0-18 ёш) болалардир ва UNICEF маълумотларига кўра, ёшлар массасининг 71 фоизи интернетдан фойдаланадилар [2].

БМТ маълумотига кўра, 2022 йилда 15 ёшдан 24 ёшгача бўлган ўсмирларнинг 75 фоизи интернетдан фойдаланган. Бугунги кунда дунё бўйлаб ҳар ярим сонияда бир бола биринчи марта интернетга уланмоқда [3].

ЮНИСЕФ маълумотларига кўра, интернет фойдаланувчиларининг учдан бир қисми 18 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлар ташкил қилар экан. Ана шундай бир ҳолатда, глобал тармоқда ўз жонига қасд қилишнинг осон йўлларини тарғиб қилувчи 9 минг,

шаҳвоний мазмундаги 4 мингдан зиёд сайт мавжудлиги аниқланган. Шунингдек, ЮНИСЕФ ўтказган сўровлар интернетдан фойдаланадиган ўсмирларнинг 90 фоизи ахлоқсиз сурат ва видеоларга дуч келиши, 60 фоизи эса бу турдаги ахборотни излаганини кўрсатмоқда [4].

Таҳлиллардан кўриниб турибдики, ахборот маконида болаларни ҳимоя қилиш, интернет тизимида улар хавфсизлигини таъминлаш масаласи халқаро ҳамжамият олдида турган жиддий муаммолардан биридир. Бу борада бир қатор халқаро ташкилотлар томонидан ҳам халқаро ҳужжатлар қабул қилинмоқда, давлатларга соҳага доир кўрсатмалар ишлаб чиқилмоқда. Хусусан, БМТ ўз фаолияти доирасида болаларни турли хил бузғунчи ғоялар ва интернет таҳдидларидан ҳимоя қилиш мақсадида давлатларга кўрсатмалар бериб келмоқда.

Аввало таъкидлаш лозимки, боланинг ахборотдан баҳраманд бўлиш ҳуқуқи БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясида ўз аксини топган. Унга кўра, иштирокчи давлатларнинг боланинг соғлом, жисмоний ва руҳий ривожланишига кўмаклашишга қаратилган ахборотлардан баҳраманд бўлишини таъминлаш мажбурияти эътироф этилган (17-модда). Бироқ, ҳозирги кунда ахборот майдонларида жамиятнинг психологик ва руҳий муҳитини бузувчи, анъанавий маданий, ахлоқий, этикавий ва эстетик қадриятларга зарар етказувчи ғояларнинг ҳам мавжудлиги уларга қарши курашнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш лозимлигини кўрсатмоқда. Бу эса ҳар қандай давлатда ижтимоий хатар гуруҳига мансуб болалар сони ошишининг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга [5].

БМТ Бош Ассамблеясининг “Рақамли асрда шахсий дахлсизлик ҳуқуқи тўғрисида”ги 68/167-сон Резолюцияси [6] интернет тизимида инсонларнинг шахсий дахлсизлик ва ўз фикрини эркин баён этиш ҳуқуқларини мустаҳкамлайди. Бундан ташқари, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари Кенгашининг 32/13-сонли “Интернетда инсон ҳуқуқларини қўллаб-қувватлаш, ҳимоя қилиш ва таъминлаш тўғрисида”ги Резолюциясида [7] инсон ҳуқуқлари реал ҳаётда қандай ҳуқуқларга эга бўлса, онлайн муҳитда ҳам ҳимоя қилиниши кераклиги баён этилган.

БМТ Бош Ассамблеясининг “Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш” [8] (2014), “Болаларни камситишдан ҳимоя қилиш” [9] (2014) каби ҳужжатларда БМТнинг давлатларга интернет орқали болаларни камситиш ва уларни таҳқирлашнинг олдини олиш бўйича кўрсатмалари акс этган.

2021 йилда БМТнинг Бола ҳуқуқлари бўйича Қўмитаси томонидан эълон қилинган “Рақамли маконда болалар ҳуқуқлари” номли 25-сонли Умумий тартибдаги мулоҳазалари [10] эълон қилинди. Унда Қўмитанинг аъзо-давлатларга рақамли маконда болалар ҳуқуқларини таъминлашга доир кўрсатмалари белгиланган. 2021 йилда БМТнинг Жиноятчиликнинг олдини олиш ва жиноий одил судлов бўйича XIV Конгресси томонидан қабул қилинган Киото декларациясида ҳам ахборот асрида болаларни турли зарарли ғоялардан асраш ҳамда интернет тизимида уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда давлатлар ҳамкорлигини йўлга қўйишга оид тавсиялар кўрсатиб ўтилган [11].

Болаларни нохуш ахборот таъсирларидан ҳимоя қилиш ва онлайн муҳитда уларнинг хавфсизлигини тахъминлаш ҳар бир давлат олдида турган асосий вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Дунё тажрибасига қарайдиган бўлсак, АҚШда *Болаларнинг онлайн махфийлигини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун* (Children's Online Privacy Protection Act) қабул қилинган бўлиб, унда белгиланишича, 16 ёшгача бўлган шахсларнинг шахсий ҳаёти билан боғлиқ ҳар қандай маълумот фақат ота-оналарининг розилиги билан тарқатилиши мумкин, интернет-почтани рўйхатдан ўтказиш, ижтимоий тармоқлар ва видео-хостингда ўз саҳифасини яратиш фақат ота-оналарнинг розилиги билан амалга оширилади. Шунингдек, АҚШда шахсий калит ёрдамида интернетга идентификацион уланиш амалиёти кенг тарқалган. Бу эса ота-оналарга боланинг интернетдаги фаолиятини кузатиш имконини беради [12].

Хитойда эса давлат даражасида ишлаб чиқилган фильтрлаш тизимлари орқали мамлакатдаги барча интернет-миллий фильтрлаш амалга оширилади. Шунинг билан

бирга, Хитой вояга етмаганлар орасида интернетдан фойдаланиш маданиятига доир фаол тарғибот сиёсатини ҳам олиб бормоқда. Ҳар йили мамлакатда "миллий кибер ҳафталиги" ўтказилади, унинг доирасида 200 миллион интернетдан фойдаланувчилар мобил қурилмаларига турли хил ўқув материалларини қабул қиладилар [13].

Буюк Британияда эса ҳолат аксинча, турли оммавий ахборот воситаларининг, шунингдек, интернет сайтларининг ахборот мазмунини назорат қилиш мамлакатда ўзини ўзи бошқарувчи ташкилотларни жалб қилиш орқали самарали амалга ошириб келинмоқда. Кўпинча бундай ташкилотлар шартномага мувофиқ ташкил этилиб, бир томонда - ҳукумат ва полиция, иккинчи томонида эса – мутахассислардан иборат жамоатчилик вакилларидан иборат бўлади. Шундан келиб чиқиб, Буюк Британияда бир қанча жамоатчилик уюшмалари (ассоциациялар) фаолият юритади. Филмлар ва видеоматериаллар устидан назоратни Британия Фильмларни таснифлаш қўмитаси (The British Board of Film Classification) амалга оширса, матбуот устидан назоратни ўзини ўзи тартибга солувчи ташкилот – Матбуот шикоятлари комиссияси (Press Complaints Commission) назорат қилади. Реклама назоратини – Реклама стандартлари хизмати (The Advertising Standards Authority) амалга оширади. Интернетга келсак, бу ерда Интернет-контент таснифини амалга оширувчи ассоциация (Internet Content Raition Association) мавжуд бўлиб, у интернет-сайтлар учун ёш белгиларини ишлаб чиқади, шунингдек, интернетда болалар порнографияси ва бошқа ахлоқсиз материалларнинг тарқалишини назорат қилиш, уларни қидириш ва ўчириш билан шуғулланувчи Интернетни назорат қилиш Фонди (Internet Watch Foundation) фаолият кўрсатади [14].

Янги Зеландияда 2015 йилда қабул қилинган *Зарарли рақамли коммуникациялар тўғрисидаги Қонунда* [15] кибермаконда содир этилган ножўя хатти-ҳаракатлар, кибербуллингдан тортиб порнографиягача бўлган онлайн хавф ва таҳдидларнинг кўп турлари санаб ўтилган.

Таниқли олим М.М.Кучерявий талқинида айтганда, ҳозирги кунда глобал ахборот майдонида интернет тармоқлари, ОАВ ва бошқа коммуникация воситалари орқали кириб келаётган таҳдидлар шароитида ёшларни бузғунчи ахборот ва психологик таъсирлардан ҳимоя қилиш асосий вазифалардан бўлиб қолмоқда [16]. Мамлакатимизда ҳам бугунги кунда ахборот хавфсизлигини таъминлаш инсон ва жамият барқарорлигини сақлашнинг энг асосий омилларидан бири сифатида намоён бўлмоқда, шундан келиб чиқиб, юртимизда амалга оширилаётган ҳуқуқий ислоҳотларнинг асосий мавзусини болалар ва ёшларнинг соғлом ва баркамол бўлиб етишишига ҳамда уларни маънавий-маърифий жиҳатдан ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар ташкил этмоқда.

Ҳуқуқшунос Б.Умирзаков интернетда болалар улушининг кун сайин ортиши тўғрисида фикр билдириб, ўз тадқиқот ишида бутун дунё бўйлаб интернет тармоғига уланганлар сонининг 3 миллиарддан ошаётганлигини келтиради ҳамда унда Ўзбекистон фуқаролари сонининг 13 миллионни ташкил этиши ҳақида маълумот беради. Тадқиқотчи фикрича, тармоққа уланувчилар массасининг асосий қисми ёшларга тўғри келишини ҳисобга олганда, мамлакатимизда интернет тизимида ҳам болаларнинг ҳуқуқлари ва хавфсизлигини таъминлаш, соҳага доир қонунчилик ҳужжатларини янада такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга [17]. Ҳозирги кунда мазкур соҳада миллий қонунчилигимиз доирасида болаларни улар соғлиғига зарар етказувчи ахборотлардан асраш, болалар учун хавфсиз интернет маконини яратишга доир бир қатор қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинган.

Жорий йилда янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 33-моддасида давлат интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланишни таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиши лозимлиги тўғрисидаги норма кўрсатилган, шунингдек, Асосий қонуннинг 78-моддасида боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, шунингдек, уларни ҳимоя қилиш, унинг жисмоний, ақлий, маданий жиҳатдан тўлақонли ривожланиши учун энг мақбул шарт-шароитларни яратиш давлатнинг мажбурияти эканлиги белгилаб қўйилган [18].

Ўзбекистон Республикаси "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги

Қонунининг 16-моддасида ҳар бир бола ўзининг соғлиғи, ахлоқий ва маънавий камол топишига зиён етказмайдиган ахборотни олиш, ҳар қандай ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эга эканлиги, аммо бунда қонунда назарда тутилган чеклашлар инобатга олиниши назарда тутилган. Шунингдек, қонунга асосан, порнография, шафқатсизлик ва зўравонликни намойиш этувчи, инсон қадр-қимматини таҳқирловчи, болаларга зарарли таъсир кўрсатувчи ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишига сабаб бўлувчи оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш, адабиётларни тарқатиш ҳамда фильмларни намойиш этиш таъқиқланади [19].

2017 йил 8 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунининг мақсади ҳозирги кунда интернет тизимида айланаётган ҳамда кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этилаётган ахборотларнинг хавфсиз эмаслигини инобатга олган ҳолда, болаларни уларнинг онги ва соғлиғига зарар етказувчи ахборотлардан ҳимоя қилишдан иборат. Қонуннинг асосий мақсади болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи этиб белгиланган. Қонунда ахборотнинг хавфлар даражалари ва хавфсизликни таъминлаш чоралари белгилаб берилган. Ҳужжатга кўра, ахборотни тарқатишда унга ёш тоифасига оид белги қўйиш мажбурий [20]. Бироқ бу қоида фақатгина миллий контентдаги ижтимоий тармоқларда, сайтларда берилаётган ахборотларга нисбатан қўлланилади. Бироқ ҳозирги кунда ёшлар фаол фойдаланадиган аксарият ижтимоий тармоқлар эса миллий контентимиз платформаларига кирмайди, демак уларда берилаётган ахборотга ёшга оид тоифа белгисини қўйишнинг имкони йўқ.

1997 йил 24 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида"ги Қонунининг 11-моддасида оммавий ахборот воситалари эълон қилинаётган ахборотнинг тўғрилигини текшириб кўришлари шарт ва улар ахборот берувчи билан биргаликда унинг тўғрилиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлиши белгиланган. Бу борада жавобгарлик масалалари Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси ҳамда Жиноят кодексида ўрнатилган.

Шуning билан бирга, ҳар қандай маълумотларнинг интернетда тарқатилишига йўл қўйилмаслигига доир бир қанча қоидалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 26 март 137-сон Қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ахборот ресурсларини тайёрлаш ва уларни маълумотлари узатиш тармоқларида, шу жумладан, Интернетда тарқатиш тартиби тўғрисидаги Низомда ўрнатилган бўлиб, унга кўра Интернет тармоқларига уланаётган ахборот тизимлари ахборот хавфсизлигига қанчалик жавоб берилиши текширилгандан сўнг, яъни ахборот хавфсизлиги талабларига мувофиқ аттестациядан ўтказилгандан кейин Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг рухсати билан амалга оширилади. Бу дегани, мамлакатимиз ҳудудида интернетга жойлаштириладиган маълумотларга муайян чекловлар қўйилган, бироқ чет эт давлатлари сайтларидан Ўзбекистонга кириб келаётган ахборот хавфсизлиги муаммолигича қолмоқда. Зеро, интернет маконида болалар онги ва маънавиятига зарар етказувчи, ваҳшийлик, зўравонлик, порнография ва инсон руҳиятига салбий таъсир кўрсатувчи ахборот маҳсулотлари кун сайин кўпайиб бораётгани ҳам сир эмас.

Бундан ташқари, мамлакатимизда ахборот хавфсизлигини ҳамда интернет тизимининг хавфсиз маконга айланишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 8 июндаги 317-сон қарори асосида болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги экспертларни аккредитация қилиш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари раҳбарларини аттестациядан ўтказиш бўйича давлат хизматлари жорий

этилиши белгиланди. Унга кўра, my.gov.uz порталида “Болалар соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш бўйича экспертларни аккредитация қилиш” хизмати ишга туширилди.

Умуман олганда, мамлакатимизда ахборот майдонида – интернет тармоқлари, ОАВ ва бошқа коммуникация воситалари орқали кириб келаётган таҳдидларни бартараф этиш ва уларнинг олдини олишга қаратилган қонунчилик меъёрлари қабул қилинган ва уларни такомиллаштириш жараёни давом этмоқда. Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалда ишлашини таъминлаш мамлакатимизда ахборот хавфсизлиги соҳасини бошқаришда муҳим ҳисобланади. Бугунги кунда ҳаётимизга шиддат билан кириб келаётган ахборотларни ижобий ёки салбий деб таҳлил қилиш ўта мураккаб жараёндир. Шундай экан, ОАВ, интернет тармоқлари ва бошқа коммуникация воситалари орқали кириб келаётган турли ахборий таҳдидларга қарши болаларда ахборот истеъмоли маданияти ҳамда танқидий фикрлаш кўникмаларини шакллантириш, уларнинг медиа-саводхонлигини ошириш, интернет тизимида кибер-гигиена ва рақамли этикет қоидаларига риоя этишларини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Умуман олганда, болаларнинг ахборот майдонидаги хавфсизлигини таъминлаш кўп қиррали фаолият соҳаси бўлиб, унга фақат тизимли ёндашув муваффақият келтириши мумкин. Мамлакатимизда айнан шу соҳада аниқ мақсад ва тизимли қарашларни ўзида акс этган комплекс чора-тадбирлардан иборат концепциянинг қабул қилиниши болаларни нохуш ахборот таъсирлари ҳамда интернет таҳдидларидан ҳимоя қилишда муҳим дастурий ҳужжат бўлиб хизмат қилади. Таклиф ўрнида, *Ўзбекистонда болаларнинг ахборот хавфсизлиги концепциясини* қабул қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Мазкур Концепция билан мамлакатимизда болаларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг асосий тамойиллари, соҳага доир давлат сиёсатининг устувор вазифалари, шунингдек, ҳуқуқий, ташкилий ва технологик чоралар тизимининг аниқ йўналишларини белгилаш таклиф этилади.

Концепцияда қуйидаги вазифаларни белгилаш муҳим деб ҳисоблаймиз:

мактабларда ахборот хавфсизлиги ва рақамли саводхонлик дарсларини жорий этиш;

ота-оналар, ўқитувчилар ҳамда фаолияти болалар ва ўсмирларни ўқитиш, тарбиялаш ва улар бўш вақтини самарали ташкил этиш билан боғлиқ бошқа мутахассислар учун доимий равишда маънавий ва маърифий тадбирлар ташкил этиш;

босма ва электрон оммавий ахборот воситаларида болалар ва ўсмирлар учун ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни ишлаб чиқишни янада ривожлантириш;

фуқаролик жамияти институтлари билан фаол ҳамкорликни йўлга қўйиш ва б.

Ўйлаймизки, мазкур вазифаларнинг амалга оширилиши, аввало, болаларда ахборот истеъмоли маданияти ҳамда танқидий фикрлаш кўникмаларининг шаклланишига, медиа-саводхонлик даражасининг ошишига, интернет тизимида болаларга нисбатан зўравонлик ва таъқиблар, шу жумладан, онлайн режимда жабрланган болалар сони камайишига хизмат қилади.

**Иқтибослар/Сноски/References:**


1. Мируктамова Ф. Виртуал оламдаги болалар// Huquq va burch №1. –. Тошкент.: 2020.–Б.58.
2. OECD, “New Technologies and 21st Century Children: Recent Trends and Outcomes”, Education Working Paper No. 179.
3. Безопасность детей и молодежи в Интернете. https://www.un.org/ru/global-issues/child-and-youth-safety-online).
4. Дети в цифровом мире. Публикация Отдела коммуникации UNICEF 3 United Nations Plaza New York, NY 10017, USA.
5. M Feruza, M Makhmud. Factors of occurrence of children at risk and their psychological characteristics, - European Journal of Molecular & Clinical Medicine, 2020.-1690 б.
6. Резолюция Генеральной Ассамблеи ООН от 18 декабря 2013 года № A/RES/68/167 «Право на неприкосновенность личной жизни в цифровой век». https://www.un.org/ru/

ga/third/68/third_res.shtml
7. Резолюция, принятая Советом по правам человека. 1 июля 2016 года. 32/13. Поощрение, защита и осуществление прав человека в Интернете. https://www.refworld.org/cgi-bin/texis/vtx/rwmain/opendocpdf.pdf?reldoc=y&docid=57e9166b4
8. Резолюция Генеральной Ассамблеи ООН “Поощрение и защита прав детей” (A/РЕС/69/157 от 5 декабря 2014 г.)
9. Резолюция Генеральной Ассамблеи ООН “Защита детей от издевательств” (A/РЕС/69/158 от 18 декабря 2014 г.)
10.General comment No. 25 (2021) on children’s rights in relation to the digital environment. https://tbinternet.ohchr.org/_layouts/15/treatybodyexternal/TBSearch.aspx?Lang=ru&TreatyID=5&DocTypeID=11
11.Kyoto Declaration on Advancing Crime Prevention, Criminal Justice and the Rule of Law: Towards the Achievement of the 2030 Agenda for Sustainable Development. https://www.unodc.org/documents/commissions/Congress/21-02815_Kyoto_Declaration_ebook_rev_cover.pdf
12.Laila Robiatul Adawiah, Yeni Rachmawati. Parenting Program to Protect Children’s Privacy: The Phenomenon of Sharenting Children on social media. April 2021. JPUD - Jurnal Pendidikan Usia Dini 15(1):162-180. DOI: 10.21009/JPUD.151.09.
13.Остроушко, А. В., Защита информационной безопасности несовершеннолетних в КНР / А. В. Остроушко, А. А. Букалеров, С. А. Букалеров // Legal Bulletin. - 2018. - Т. 3. № 1-2. - Б. 59.
14.Elena Martellozzo, Jeffrey DeMarco. Exploring the removal of online child sexual abuse material in the UK: Processes and practice, Crime Prevention and Community Safety, 22(1):1-20. December 2020. DOI:10.1057/s41300-020-00099-2
15.Harmful Digital Communications Act 2015, https://www.legislation.govt.nz/act/public/2015/0063/latest/whole.html
16.Кучерявый М. М. К пониманию политики модернизации национальной безопасности//Управленческое консультирование. 2015.№ 11.-С.19–32.
17.Умирзаков Б. Вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олишнинг ўзига хос жиҳатлари. “Одил судлов” журнали. №5/2020. – 13 б.
18.Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (2023 йил 30 апрель куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинган) // URL: https://lex.uz/uz/docs/-6445145.
19.2008 йил 7 январдаги Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни // https://www.lex.uz/acts/1297315
20.2017 йил 8 сентябрдаги Ўзбекистон Республикасининг “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни, https://lex.uz/docs/3333797

**VALIJONOV Daler Dilshodovich**
Toshkent davlat yuridik universiteti
Xalqaro huquq va inson huquqlari kafedrasi dotsenti v.b.,
yuridik fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)
E-mail: daler.valijonov1990@gmail.com

## KORRUPSIYAGA QARSHI KURASHISHDA XALQARO HAMKORLIKNING AYRIM MASALALARI

**For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): VALIJONOV D.D.** Korrupsiyaga qarshi kurashishda xalqaro hamkorlikning ayrim masalalari // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 3 (2023) B. 122-128.

doi 3 (2023) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2023-3-16

**ANNOTATSIYA**

Maqolada korrupsiyaga qarshi kurashishda huquqiy yordam ko'rsatish bo'yicha xalqaro-huquqiy hamkorlik masalalari ko'rib chiqilgan. Bundan tashqari, ushbu maqola huquqni muhofaza qilish organlarining xalqaro va mintaqaviy tashkilotlar doirasidagi korrupsiyaga qarshi kurashdagi hamkorligiga bag'ishlangan. Shuningdek, ushbu ilmiy maqola doirasida korrupsiyaga qarshi kurashish sohasida huquqiy yordam ko'rsatish tizimini takomillashtirish bo'yicha takliflar tahlil qilindi.

**Kalit so'zlar:** xalqaro hamkorlik, huquqiy yordam, jinoiy javobgarlikka tortish, ekstraditsiya, mintaqaviy tashkilotlar, korrupsiyaga qarshi kurashish.

---

**ВАЛИЖОНОВ Далер Дилшодович**
И.о.доцента кафедры Международного права и прав человека
Ташкентского государственного юридического университета,
доктор философии по юридическим наукам (PhD)
E-mail: daler.valijonov1990@gmail.com

## НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ МЕЖДУНАРОДНОГО СОТРУДНИЧЕСТВА В БОРЬБЕ С КОРРУПЦИЕЙ

**АННОТАЦИЯ**

В статье рассмотрены вопросы международного сотрудничества по оказанию правовой помощи в сфере борьбы с коррупцией. Кроме этого, данная статья посвящена вопросам взаимодействия правоохранительных органов в борьбе с коррупцией в рамках региональных международных организаций. Более того, в рамках данной научной статьи были проанализированы предложения по улучшению системы оказания правовой помощи в сфере борьбы с коррупцией.

**Ключевые слова:** международное сотрудничество, правовая помощь, экстрадиция, правоохранительные органы, региональные организации, борьба с коррупцией.

**VALIJONOV Daler**
Acting Assistant Professor at Tashkent State University of Law,
Doctor of Philosophy (PhD) in Law
E-mail: daler.valijonov1990@gmail.com

# SOME ISSUES OF INTERNATIONAL COOPERATION AGAINST CORRUPTION

**ANNOTATION**

The article deals with the issues of international cooperation in providing legal assistance in the fight against corruption. In addition, this article is devoted to the interaction of law enforcement agencies in the fight against corruption within the framework of regional international organizations. Moreover, within the framework of this scientific article, proposals were analyzed to improve the system of providing legal assistance in the field of combating corruption.

**Keywords:** international cooperation, legal assistance, criminal prosecution, extradition, regional organizations, corruption.

Dunyoda korrupsiyaga qarshi kurashish samaradorligini ta'minlashda mamlakatlarning xalqaro-huquqiy hamkorligini takomillashtirish bo'yicha bir qator amaliy ishlar olib borilmoqda. Xususan, BMTning 2015-yildagi "Ijtimoiy va iqtisodiy muammolarni hal qilish va milliy va xalqaro miqyosda qonun ustuvorligini targ'ib qilish maqsadida, jinoyatchilikning oldini olish va jinoiy odil sudlov masalalarini BMTning kun tartibiga kiritish to'g'risida"gi Doha deklaratsiyasi [1] hamda 2021-yildagi "Favqulodda vaziyatlar, inqirozni boshqarish, ulardan keyin tiklanish bosqichida korrupsiyaning oldini olish va unga qarshi kurashda xalqaro hamkorlikni mustahkamlash to'g'risida"gi Sharm Al-Shayx Deklaratsiyasida [2] korrupsiyaga qarshi kurashishda davlatlarning xalqaro-huquqiy hamkorligini rag'batlantirish maqsad sifatida belgilangan.

Jahonda "Transparency International" xalqaro tashkilotining 180 ta davlat va hududlarni davlat sektoridagi korrupsiya darajasiga ko'ra tasniflaydigan Korrupsiyani idrok etish indeksiga (CPI) ko'ra [3], korrupsiya darajasi butun dunyo bo'ylab turg'unligicha qolayotgan bo'lib, so'nggi 10 yil ichida mamlakatlarning 86 foizida deyarli hech qanday o'zgarishlar dinamikasi kuzatilmaganligi, global o'rtacha indeks 100 dan 43 ni tashkil etib, bu ketma-ket o'ninchi yil davomida o'zgarmasdan kelayotganligi, xalqaro hamjamiyat ham korrupsiyaga qarshi kurashish borasidagi sa'y-harakatlarni kuchaytirayotgani, BMT Bosh Assambleyasi tomonidan Korrupsiyaga qarshi kurashuvchi organlarning global operativ tarmog'i (GlobE Network) tashkil etilganligi, korrupsiyaga qarshi kurashishning turli usul va vositalaridan foydalanish, xususan, bu jarayonda fuqarolik jamiyati institutlari, jumladan nodavlat tashkilotlar rolini kuchaytirish, sohada tashkiliy-huquqiy masalalarni hal etish, jamoatchilik nazoratini rivojlantirish, sohaga xalqaro standartlarni joriy etishga oid ilmiy tadqiqotlar o'tkazishga alohida ahamiyat berish zarurligini anglatadi.

Mamlakatimizda so'nggi yillarda korrupsiyaga qarshi kurashishda huquqni muhofaza qiluvchi organlari rolini oshirish, korrupsiyaga qarshi kurashish mexanizmlarini samarali ta'minlashga alohida ahamiyat berilishi hamda korrupsiyaga qarshi kurashishning profilaktik choralardan biri sifatida fuqarolik jamiyati institutlarini ushbu jarayonga jalb qilinishi natijasida bir qator ijobiy yutuqlarga erishildi.

Xususan, "World Justice Project" xalqaro nohukumat tashkiloti tomonidan tuzilgan "Korrupsiya yo'qligi" indikatori bo'yicha [4] O'zbekiston 2022-yilda o'tgan yillarga nisbatan 23 pog'onaga yuqorilab, 139 davlat orasida 66-o'rinni egallagan bo'lsa, Open Data Watch xalqaro nodavlat notijorat tashkiloti tomonidan e'lon qilingan ochiq ma'lumotlar inventarizatsiyasi (Open Data Inventory (ODIN) reytingida [5] 125 pog'onaga ko'tarilib, hozirda 63 ball bilan187 davlat orasida 44-o'rin va Markaziy Osiyoda 1-o'rinni egallab turibdi. Korrupsiyani idrok etish indeksi (CPI)da [6] O'zbekiston 2017-yilda dunyoning 180 davlati orasida 157-o'rinni egallagan

bo‘lsa, 2023-yilga kelib mamlakatimiz 31 pog‘onaga, ya’ni 126-o‘ringa ko‘tarilganini alohida ta’kidlash joiz [7].

BMT Bosh kotibi Antoniu Gutterishning 2019-yildagi “COVID-19 sharoitida korrupsiya masalalari”ga bag‘ishlangan nutqida “Dunyo bo‘yicha berilgan poralarning umumiy hajmi 1 trln. AQSh dollariga, korrupsiya natijasida o‘g‘irlangan mablag‘lar miqdori – 2,6 trln. dollarga yetadi va korrupsiyani rivojlanish yo‘lidagi asosiy to‘siqlardan biri” ekanligini alohida ta’kidlagan [8].

Korrupsiyaga qarshi kurash, uni bartaraf etish ko‘p hollarda unga sabab bo‘luvchi omillarni, holatlarni va shart-sharoitlarni aniqlashdan va ularni bartaraf etishdan, shuningdek unga qarshi kompleks kurashdan iborat bo‘ladi.

Jahon miqyosida quyidagi korrupsiyaga qarshi kurashish bo‘yicha xalqaro-huquqiy hujjatlarni alohida ta’kidlab o‘tish lozimdir:

a) BMTning “Korrupsiyaga qarshi kurashish Konvensiyasi”;

b) Yevropa Ittifoqining “Korrupsiya uchun jinoiy javobgorlik to‘g‘risidagi Konvensiyasi;

c) Yevropa Ittifoqining “Korrupsiya uchun fuqaroviy javobgarlik to‘g‘risida”gi Konvensiyasi;

d) Mustaqil Davlatlar Hamdo‘stligi doirasida “Korrupsiyaga qarshi siyosatning qonunchilik asoslari to‘g‘risida”gi model qonuni;

e) “Osiyo Taraqqiyot Banki va Yevropa Tiklanish va Taraqqiyot Banki Osiyo va Tinch okeani korrupsiyaga qarshi harakat dasturi”.

Shuningdek, “Birlashgan Millatlar Tashkilotining 2003-yil 31-oktabr kungi Korrupsiyaga qarshi kurashish konvensiyasi (2003-yil 31-oktyabrda qabul qilingan bo‘lib, mazkur hujjat muqaddima hamda 8 ta bob, 71 ta moddadan iborat)ga O’zbekiston Respublikasining qo‘shilishi to‘g‘risida”gi 2008-yil 7-iyul kungi O‘RQ-158-sonli Qonuni qabul qilingan.

Birlashgan Millatlar Tashkilotining Korrupsiyaga qarshi konvensiyasining matnida, shuningdek xorijiy davlatlarning maxsus qonunlarida bir-biri bilan bog‘liq, shu bilan birgalikda mazmun-mohiyati bilan bir-biridan farq qiladigan “korrupsiyaning oldini olish” va “korrupsiyaga qarshi kurash” so‘z iboralarini uchratamiz [9].

Bizningcha “korrupsiyaga qarshi kurash” tushunchasi keng bo‘lib, u o‘z ichiga “korrupsiyaning oldini olish” tushunchasini ham oladi. O‘zbekistonda jinoyatchilikka qarshi kurash sohasida jinoyatlar profilaktikasining ustuvorligi e’tirof etilganligidan kelib chiqqan holda aytish joizki, korrupsiyaning oldini olish unga qarshi kurashda ustuvor yo‘nalish bo‘lib hisoblanadi. Birlashgan Millatlar Tashkilotining Korrupsiyaga qarshi konvensiyasi preambulasida keltirilgan xulosalarning salkam yarmida, ya’ni:

- endilikda korrupsiya lokal muammodan butun jamiyat va barcha mamlakatlar iqtisodiyotiga daxl qiladigan va bu bilan korrupsiyaning oldini olish va unga qarshi kurashish sohasida xalqaro hamkorlikning juda muhim ahamiyatini belgilaydigan transmilliy hodisaga aylanganligiga amin bo‘lib,
- korrupsiyaning oldini olish va unga qarshi samarali kurashish uchun keng qamrovli va ko‘p taraflama intizomiy yondashuv zarur ekanligiga ishonch bildirib;
- noqonuniy yo‘l bilan shaxsiy mol-mulk orttirish demokratik institutlar, milliy iqtisodiyot va huquq-tartibotga jiddiy putur yetkazishi mumkinligiga amin bo‘lib,
- samarali ravishda korrupsiyaning oldini olish va unga qarshi kurashish sohasida salohiyatni kuchaytirish va institutlarni yaratish yo‘li bilan davlatlar imkoniyatlarini kengaytirishda texnik yordam ko‘rsatilishi muhim rol o‘ynashi mumkinligini tan olib;
- noqonuniy orttirilgan aktivlar xalqaro tartibda o‘tkazilishini yanada samarali oldini olish, aniqlash va bunga barham berish hamda aktivlarni qaytarishga qaratilgan choralarni ko‘rishda xalqaro hamkorlikni mustahkamlashga dadillik bilan kirishishga shay bo‘lib;
- korrupsiyaning oldini olish va butkul barham berish – bu barcha davlatlarning vazifasi va bu sohadagi sa’y-harakatlar samaradorligini ta’minlash uchun fuqarolik jamiyati, nohukumat tashkilotlar va jamoalar negizida faoliyat yuritayotgan tashkilotlar kabi ommaviy sektor doirasidan tashqarida alohida shaxslar va guruhlar ko‘magi va ishtirokida bir-biri bilan hamkorlik qilishlari lozimligini hisobga olib;
- ijtimomy-siyosiy hokimiyat ishlarini va davlat mulklarini samarali boshqarish, odillik, javobgarlik, qonun oldida tenglik prinsiplarini, halollik va sotilmaslikni, shuningdek

korrupsiyani inkor etuvchi madaniyatni shakllantirishga yordam berishni ta’minlash zaruratini e’tirof etgan holda ushbu Konvensiyaning qabul qilinganligi korrupsiyaning oldini olish unga qarshi kurashda ustuvor yo‘nalish ekanligini yaqqol ko‘rsatib turibdi [10].

Alohida qayd etish lozimki, korrupsiyaga qarshi kurashish sohasida O‘zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi tomonidan xorijiy davlatlar va xalqaro tashkilotlar bilan samarali hamkorlik ishlari olib borilmoqda . Shuningdek, korrupsiyaga qarshi kurashish sohasida me’yoriy va tashkiliy-amaliy bazani takomillashtirish jarayoniga xalqaro tashkilotlar (BMT NJQKB, BMTTD, IHTT, YXHT, SHHT, EAG va boshqalar) jalb qilinmoqda.

O‘zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasining korrupsiyaga qarshi kurashish masalalari bo‘yicha xalqaro-huquqiy hamkorligi xususida so‘z yuritganda, eng avvalo, ushbu idoraning Iqtisodiy hamkorlik va taraqqiyot tashkiloti, BMT Taraqqiyot Dasturi va uning Osiyo-Tinch okeani mintaqasida tinch va inklyuziv jamiyatlar uchun korrupsiyaga qarshi kurashish bo‘yicha Global loyihasi, Jahon banki, Yevropada xavfsizlik va hamkorlik tashkiloti, BMTning Narkotiklar va jinoyatchilikka qarshi kurashish boshqarmasi, Yevropa davlatlari prokuraturalari rahbarlari xalqaro uyushmasi kabi xalqaro tashkilotlar bilan o‘zaro hamkorligini e’tirof etish o‘rinlidir.

Jumladan, O‘zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi va Yevropa Ittifoqi o‘rtasida korrupsiyaga qarshi kurash yo‘nalishi bo‘yicha xalqaro hamkorlikning asosiy yo‘nalishlari quyidagi masalalarni o‘z ichiga qamrab oladi [11]:

- qonunchilikni takomillashtirish, korrrupsiyaga qarshi kurashishda uzoq muddatli strategik dasturlarni ishlab chiqish;
- prokuratura organlari faoliyatini institutsional va tashkiliy asoslarini yanada rivojlantirish;
- korrupsiyaga qarshi kurashishda qo‘llaniladigan xalqaro tajribani faol joriy etish;
- sohaga zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini qo‘llash;
- jamoatchilikda korrupsiyaga qarshi toqatsizlik muhitini shakllantirish.

Bundan tashqari, O‘zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi korrupsiyaga qarshi kurashish yo‘nalishi bo‘yicha rivojlangan xorijiy mamlakatlar mas’ul idoralari bilan o‘zaro ikkitomonlama hamkorlikni amalga oshiradi. Bular qatoriga Malayziyaning korrupsiyaga qarshi kurashish komissiyasi, Transparency International, Norvegiyaning U4, Shvetsiyaning Sida kabi korrupsiyaga qarshi kurashish bo‘yicha nufuzli xalqaro tashkilotlari yaqqol misol bo‘la oladi.

Shu o‘rinda Bosh prokuraturaning xalqaro-huquqiy faoliyatida korrupsiyaga qarshi kurashish sohasida hukumatlararo hujjatlar loyihalarini tayyorlashdagi salmoqli faoliyatini ham e’tirof etib o‘tishimiz lozim. Jumladan, 2021-yilning 4-avgust kuni O‘zbekiston Respublikasi Tashqi ishlar vazirligida korrupsiya qarshi kurashda hamkorlik qilish to‘g‘risida hukumatlararo hujjat imzolangan [12]. Mazkur xalqaro hujjat O‘zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi tomonidan Amerika Qo‘shma Shtatlari Davlat departamenti bilan birgalikda ishlab chiqilganligi fikrimizning yorqin isbotidir [6].

